

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



МУСИҚА ТАЪЛИМИ

**Муסיқа таълими фанларини ўқитишнинг
инновацион муҳитини лойиҳалаш**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**



ТОШКЕНТ-2021



Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи: доц. Д.Каримова

Такризчи: PhD доктори Франк Лапер - Pontet de Parij №10 университети (Париж).

Ўқув-услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2020 йил 27 августдаги 1/3.6- сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.



МУНДАРИЖА

| | |
|---|------------|
| I. ИШЧИ ДАСТУР | 4 |
| II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ | 11 |
| III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ | 26 |
| IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ..... | 79 |
| V. КЕЙСЛАР БАНКИ | 103 |
| VI. ГЛОССАРИЙ | 109 |
| VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ | 115 |

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ўқитувчининг педагогик маҳорати – ўқув жараёнининг барча шаклларида энг қулай ва самарали ҳолатда ташкил этиш, уларни шахс камолоти мақсадлари томон йўналтириш, талаба- ўқувчиларда дунёқараш қобилиятини шакллантириш, жамият учун зарур бўлган фаолиятга мойиллик уйғотиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Педагогик мақсаднинг ўзига хослигини қуйидагиларда билиш мумкин:

Педагогик фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланади, яъни педагогик фаолиятнинг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқдир. Унинг меҳнати ёшлар шахсини ҳар томонлама камол топтиришга ёналтирилган. Педагогик фаолият авлоднинг ижтимоий узвийлиги (кетма-кетлиги)ни таъминлайди. Бир авлод тажрибасини, иккинчи авлодга ўтказди, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқаради.

Педагог фаолияти доимо шахс фаолиятини бошқариш билан боғлиқ. Бунда педагогик мақсад ўқувчи мақсадига айланиши муҳимдир. Педагог ўз фаолияти мақсадини ва унга эришиш йўлларида аниқ тасаввур қилиши ҳамда бу мақсадга эришиш ўқувчилар учун ҳам аҳамиятли эканлигини уларга аниқ олиши зарур. Гёте таъкидлаганидек: «Ишонч билан гапир, ана шунда сўз ҳам, тингловчиларни маҳлиё қилиш ҳам ўз-ўзидан келаверади».

Педагогик таълим-тарбия жараёнида ўқувчи фаолиятини бошқариш шунинг учун ҳам мураккабки, педагог мақсади доимо ўқувчи келажаги томон йўналтирилган бўлади. Буни аниқлаш ҳолда мохир педагоглар ўз фаолиятининг мантиқини ўқувчилар эҳтиёжларига мувофиқ ҳолда лойиҳалашдилар. Ҳамкорлик педагогикасининг туб моҳияти ҳам ана шундан иборат.

Шундай қилиб, педагогик фаолият мақсадининг ўзига хослиги ўқитувчидан қуйидагиларни талаб қилади:

- жамиятнинг ижтимоий вазифаларини тўла аниқлаб, ўз шахсига қабул қилиши. Жамият мақсадларининг «ўсиб», унинг педагогик нуқтаи назарига айланиши;
- муайян ҳаракат ва вазифаларга ижобий ёндашиши;
- ўқувчилар қизиқишларини эътиборга олиш, уларни педагогик фаолиятнинг белгиланган мақсадларига айлантириш.

Педагогик фаолиятнинг ўзига хослиги қуйидагиларда намоён бўлади:

Инсон ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлган, рўй бераётган воқеаларни идрок қила оладиган ва уларга ўзича баҳо берадиган

такрорланмайдиган фаол мавжудотдир. Психологияда таъкидланганидек, ҳар бир шахс такрорланмасдир. У педагогик жараённинг ўз мақсади, иштиёқи ва шахсий хулққа эга бўлган иштирокчиси ҳамдир.

Педагог доимо ўсиб-ўзгариб борадиган инсон билан ишлайди. Уларга ёндашишда бир хил қолип, шаклланиб қолган ҳатти-ҳаракатлардан фойдаланиш мумкин эмас. Бу эса педагогдан доимо ижодий изланиб туришни талаб қилади.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Муסיқа таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаш ” модулнинг мақсади: тингловчиларни Олий таълимда муסיқа таълими фанларини ўқитиш методикасига назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компитентликни ривожлантириш асосида таълим тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган. Тингловчиларни муסיқа таълими бўйича мутахассис кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар муסיқа таълими фанининг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари фандаги анъанавий янги йўналишлар илмий – амалий хорижий тажрибалар каби ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Муסיқа таълими фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида

Тингловчи

- “метод”, “методика” ва “усул” тушунчаларининг моҳияти;
- тарих ўқитиш методикасининг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети;
- муסיқа таълимини ўқитиш методлари, усуллари, воситалари, шакллари;
- муסיқа таълимини ўқитиш методикасининг илмий тадқиқот методлари;
- талабалар билими, кўникма ва малакаларини баҳолаш ва назорат турлари;
- муסיқа таълими фанидан мустақил таълимни ташкил этиш шакллари тўғрисидаги **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- назарий ва амалий машғулотлар учун материалларни тўплаш ва уларни саралаш;

- мусиқа таълими учун маълумотларни самарали излаш;
- назарий ва амалий машғулотлар учун дидактик ишланмалар тайёрлаш;
- назарий ва амалий машғулотлар учун ўқув топшириқлари турларини белгилаш;
- мусиқа таълими фанидан ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш;
- ўқув топшириқлари учун иш қоғозларини ҳамма ўқув фанлари бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар учун синов топшириқларини тайёрлаш;
- мусиқа таълимидан илмий ва амалий қийматга эга ўқув материални тайёрлай олиш;
- маъруза машғулоти учун мўлжалланган матннинг визуал хусусият касб этиши (ўқув ахборотининг график (схема, жадвал, диаграмма, тасвир ва б.) кўринишда бўлишига эришиш **кўникмаларини эгаллаши.**

Тингловчи:

- маъруза ва амалий машғулотлар, шунингдек, рейтинг назорати учун кейслар ва даражали тестлар тўпламини шакллантириш;
- мусиқа таълими бўйича тўгараклар, конференция ва маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш
- овоз ва унинг имкониятларидан фойдалана билиш;
- бадий ижрочиликнинг асосий ва ҳар хил шакл, жанр йўналишлари ижросини билиш;
- хорга дирижёрлик қила олиш **малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- методик билим асосида ўқув машғулотларини муваффақиятли таълим жараёнига қўллаши;
- талабаларнинг илмий-тадқиқот фаолиятини самарали йўлга қўйиш **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Мусиқа таълими фанларини ўқитишнинг инновацион муҳитини лойиҳалаш” модулини ўқитиш жараёнида:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, кичик гуруҳларда ишлаш, интерактив таълим методларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режасидаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

Мазкур курс фанлари ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, муסיқа тарихи, чолғу ижрочилиги ва ансамбл, вокал ижрочилиги, муסיқа ўқитиш методикаси ва мактаб репертуари, анъанавий ва халқ кўшиқчилиги, хор ва хоршунослик, дирижёрлик каби фанлар билан узвий боғлиқдир. Унинг амалдаги қўлланиш талабаларнинг вокал асослари, хор дирижёрлиги, мақом асослари чолғу ижрочилиги ва бошқа муסיқий фанлардан олган билим кўникмаларига асосланади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим сифатини ошириш, ўқув-тарбия жараёнини модернизациялашда инновацияларнинг ўрни ва уларни мақсадли йўналтиришга оид зарурий билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштирадилар ҳамда олий таълим муассасаси амалиётига кенг татбиқ этадилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

| № | Модул мавзулари | Жами аудитория соаги | Жумладан | |
|-------------|---|----------------------|----------|-----------|
| | | | назарий | амалий |
| 1. | Инновацион таълим муҳити-нинг назарий асослари ва Олий таълим муסיқа ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти босқичлари. | 4 | 2 | 2 |
| 2. | Муסיқий фанларни ўқитишнинг моҳияти, мазмуни, мақсади ва вазифалари. | 6 | 2 | 4 |
| 3. | Муסיқа фанларни ўқитишда хорижий мамлакатлар тажри-балари | 6 | 2 | 4 |
| 4. | Муסיқа таълими фанларини ўқитишда инновацион техноло-гиялар асосида маъруза, се-минар ва амалий машғулотларини лойиҳалаш | 4 | 2 | 2 |
| 5. | Иқтидорли талабаларни аниқ-лаш, танлаш ва улар билан мақсадли ишлаш методлари | 2 | | 2 |
| Жами | | 22 | 8 | 14 |

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Инновацион таълим муҳитининг назарий асослари ва Олий таълим муסיқа ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти босқичлари.

2-мавзу. Муסיқий фанларни ўқитишнинг моҳияти, мазмуни, мақсади ва вазифалари.

Муסיқа ўқитиш методикаси, муסיқа ўқитишнинг қонун –қоидалари, талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш, билиш жараёнида изланишга ундовчи методлар, эмоционал драматургия методи, хусусий метод, турлари, муסיқа таълимида иллюстрация методи, дифференциал гуруҳлар, шахсни ривожлантиришда муסיқанинг ўрни, бола шахсини шакллантириш, эстетик шакллантириш, боланинг жисмоний тарбияланишида муסיқанинг роли, муסיқий таълимда муסיқий фаолиятлар, идрок ҳақида маълумот бериш.

3 -мавзу. Муסיқа фанларни ўқитишда хорижий мамлакатлар тажрибалари.

Муסיқа тарбиясини ғоявий-сиёсий жиҳатдан халқнинг ижтимоий тузумига хизмат қилиши, хорижий мамлакатларнинг ўқув меъёрий хужжатлари, АҚШ ва Англиядаги муסיқа таълими тизими.

Болгария, Россия, Эстонияда муסיқа талими тизими.

Болгарияда муסיқа дарслари,

4 –мавзу Муסיқа таълими фанларини ўқитишда инновацион технологиялар асосида маъруза, семинар ва амалий машғулотларини лойиҳалаш

Муסיқа таълими фанларини ўқитишда маъруза машғулотларни ташкил этиш ва ўтказиш. Муסיқа таълими фанлари бўйича семинар машғулотларини ташкил этиш. Муסיқа таълими фанлари бўйича амалий машғулотларини лойиҳалаш ва режалаштириш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-Амалий машғулот: Инновацион таълим муҳити-нинг назарий асослари ва Олий таълим муסיқа ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти босқичлари.

Муסיқа таълими ва тарбиясида тизимлилик, илмийлик ва давомийлик, ривожлантириувчи таълим, турлари, табақалаштирилган ёндашув, фалсафий-эстетик йўналиш, муסיқашунослик йўналиш, умумий муסיқа таълими

тузилиши. Ностандарт тестлар ва топшириқлар ёрдамида педагогларнинг Муסיқа ўқитиш методикаси фанлари мазмунини такомиллаштириш.

2- амалий машғулот. Муסיқа таълим жараёнининг қонуниятлари.

Муסיқа таълимнинг ташкил этиш шакл, метод ва воситалари

Муסיқа таълим жараёнининг қонуниятлари. Муסיқа таълимнинг ташкил этиш шакл, метод ва воситалари. Муסיқа таълимни фанларини ўқитишнинг мос келадиган методларини танлаш. Муסיқа таълими фанларини ўқитишнинг воситаларини танлаш.

3-амалий машғулот. Муסיқа фанларни ўқитишда хорижий

мамлакатлар тажрибалари

Ўқув фани бўйича аниқ мавзуларда кейслар тўпламини шакллантириш. Ўқув фани бўйича аниқ мавзуларда даражали тестлар тўпламини шакллантириш.

4-Амалий топшириқ. Муסיқа таълими фанларни ўқитишда

инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш. (2 соат)

Ўқув фани бўйича аниқ мавзуларда ребус ва тестларни тайёрлаш. Ўқув фани бўйича аниқ мавзуларда топшириқларни тайёрлаш. Муайян мавзу бўйича назарий ёки амалий машғулот учун ўқув топшириқларини шакллантириш. Назарий ёки амалий машғулот учун мўлжалланган ўқув топшириқларининг иш қоғозларини тайёрлаш.

5-амалий машғулот. Иқтидорли талабаларни қидириб топиш,

танлаш ва улар билан мақсадли ишлаш методлари.

Иқтидорли талабалар билан ишлаш тизими. Устоз -шоғирд” тизими асосида фаолият йўлга қўйилади. Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлимининг вазифалари. Иқтидорли талабалар билан ишлашнинг шакл ва услублари

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Мазкур модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқишни ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);



- давра суҳбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лоийҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топди. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўқув-тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Педагогик технология - бу таълим шакллари оптимизациясини ўзига мақсад қилиб олган инсон ва техник ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш, қўллаш ва аниқлашнинг ҳамда билимларни ўзлаштиришнинг услубларидир.

Педагогик технология пайдо бўлгунга қадар таълим тизими доирасида таълим жараёнини етарли самарали лойиҳалаш қоидаси ишлаб чиқилмаган. Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишда ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, юзалиқда эмас, балки режалаштирилган натижа олиш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларини ташхисли текшириш, таълимни алоҳида ўргатувчи қисмларга бўлиб ташлаш ўқув жараёнининг қирраларини бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиш цикли ғоясига бирлаштириш имконини беради. У асосан ўз ичига қуйидагиларни олади.

- таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;
- тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- педагогларнинг билим даражаларини дастлабки баҳолаш;
- бажариладиган ўқув ишларни мажмуаси;
- натижани баҳолаш.

Инновация масаласига алоҳида эътибор беришимизнинг бир неча муҳим сабаблари бор. Биринчидан, биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистонни мустақилликка олиб чиқиш ва мустақил тараққий топтириш йўли – “ўзбек модели” беҳад катта ва улкан, узок муддатли, энг устувор ва оламшумул умуммиллий инновацион лойиҳа ва дастуриламал бўлди. Иккинчидан, инновация, инновацион фаолият ҳамда инновацион тизим Ўзбекистоннинг ўз мустақиллиги учун курашда ва тараққиёт йўли – “ўзбек модели”нинг таркибий қисми йўналишларидан бири сифатида мустақиллик йилларида пайдо бўлди. Учунчидан, маълум бўлганидек, буларнинг ҳар иккаласи – “ўзбек модели” ва инновация ўзаро узвий боғлиқликда дунёга келди. Уларнинг бири иккинчисини мазмунан бойитди, жамиятга таъсирчанлигини оширди. Тўртинчидан, “ўзбек модели” ҳам, инновация ҳам фақат бир буюк мақсадга хизмат қилди ва қилмоқда. Бу Ватан ва миллатни мустақил қилиб, такомиллаштириш, жамият ривожини, илм-фани ва техника тараққиётини тезлаштиришдан иборат бўлди. Буларни тўла тўқис англаш, масаланинг мазмуни ва моҳиятини янада чуқурроқ ҳис қилиш учун энг аввало,

инновация ҳақида алоҳида тўхталишига эҳтиёж туғилмоқда. Чунки, бу мутлақо янги тушунча ва соҳа бўлиб, ҳали тўла-тўқис англанилганича йўқ.

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация қуйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (инглизча *innovation* – киритилган янгилик, ихтиро) 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодийга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”.

Бу энциклопедик қисқа маълумотда инновацияга умумий таъриф-тавсиф берилган. Асосан табиий фанлар, техника, технология, ишлаб чиқаришларга оид янгиликлар ёки умуман инсоний меҳнат фаолиятлари, янгиланишларига сабабчи бўладиган янгиликлар, янги интеллектуал билим, ғоя, назария ва таълимотлар назарда тутилган.

Инновация тушунчаси ва унинг мазмуни ҳам худди фан методологияси каби кенг – умумий ва тор, хусусий характерга эга.

Методология билан инновация ўртасида ўзаро умумжиҳатлик ва мақсад бирлиги мавжуд. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам инсоний билимлар такомил топиши, ишлаб чиқариш ва жамият тараққиётига хизмат қилади. Шунинг ҳам айтиш керакки, ҳар қандай инновация ва инновацион лойиҳалар амалга оширилиши, ҳаётга тадбиқ этилишида аниқ бир методологик илмий ғоя, таълимот, назария, усул ва тамойилларга амал қилинсагина, улар рўёбга чиқади. Акс ҳолда, у қуруқ, натижасиз ҳаракат бўлиб, қолади. Албатта, ҳар янгилик, яъни инновация остида янги ғоя ва технология ётади. Мана шу ишлаб чиқариш ёки бирор бир фан учун илмий методологик асос яъни йўл кўрсатувчи, даъват этувчи куч-қувват бўлади.

Методологик асос ва усуллар қанчалик илмий ҳақиқатга яқин бўлса, инновацион лойиҳа шунчалик муваффақият ва самара билан яқин топади.

Таълим-тарбия жараёнига инновацион технологияларни киритиш орқали ўқитувчи ўзини янги яратилаётган шароитга тайёрлаши керак бўлади. Тажрибали педагог олимларимиз ўз вақтини республикамизда жамланган бой тажрибаларга суяниб янги технологиялар яратишга, уларга инновацион технологияларни сингдириб, ўзимизнинг замонавий педагогик технологиямизни яратиш устида ҳамжиҳатлик билан илмий ва методик иш олиб боришга сарфлаши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яратилган ўзимизнинг замонавий инновацион педагогик технологиялар асосида “Инновацион мактаб”лар тизимини яратишга ўтиш зарур.

Бундай мактабларда барча предметларни ўқитишда ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланилади. Шунда “ўқитувчи–ўқувчи” ўрнида “ўқитувчи–компьютер–ўқувчи” тизими ҳосил бўлади.

Таълим-тарбия жараёнига инновацион ёндашиш ўқувчиларда янги тажриба эгаллашга интилишни ривожлантириш, ижодкорлик ва танқидий фикрлаш, келажакка умид билан қараш каби хислатларни тарбиялайди.

Ахборот технологияларининг жадал ривожланиб бораётганлиги ва ўз ортидан янги имкониятлар очиб, таълим муассасалари ўқув жараёнига ҳам янги ёндашув талаб этилишига сабаб бўлаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Таълим жараёнида ахборот технологияларининг бир қатор дидактик имкониятлари мавжуд. Давримиз талаб эҳтиёжига кўра ахборот технологияларини таълим муассасалари ўқув жараёнини системалаштирувчи, боғловчи, амалий ташкилий омил сифатида қаралиши мумкин. Ахборот технологиялари кутубхоналар, ҳужжатлар ва ўқувчиларнинг ижодий ишлари каби ахборотлар жамланмаси, маълумотлар баъзасини тузиш, таълим жараёнини системалаштириш, ўқувчиларнинг амалий ижодий ишларини ташкил қилиш имконини беради.

Бу барча воситаларни ўқувчилар ўқитувчининг назорати остида, дарсда шакллантирган амалий кўникма, малакаларини амалга ошириш имкони беради.

Интернет тармоғи ўқувчиларга жуда кўп имкониятларни яратади. Интернет тармоғига чиқиш орқали назорат ишлари тарқатилиши ва маҳаллий электрон почтадан қабул қилиниши мумкин. Бундай кўринишдаги ишлар дарсда масофавий таълимнинг тармоқ шакллари моделилаштиришга ёрдам беради.

Кундан-кунга масофавий тармоқ курслари ва танловлари оммалашиб бормоқда. Ўқитувчи энди билим ахборотларини етказувчи ягона марказ эмас, компьютер технологияларини қўллаш билан масофавий таълим бериш ва олиш имкониятига эга бўлиб бормоқда.

Талабалар кўпинча Интернет тармоғи орқали ўз-ўзини ўқитиш билан қизиқиб шуғулланмоқдалар, ўз тенгдошлари билан мулоқотда бўладилар, умумий қизиқишларни топадилар. Бундай ишлар тармоқдаги ўзаро муносабатларни шакллантиради, Интернет тармоғи талабага телекоммуникация имкониятларини ҳис қилишни, бошқа мамлакатдаги тенгдошлари билан танишиш ва бирга ишлаш воситасига айланмоқда.

Ахборот технология воситалари талабага ўз тасаввурларини “электрон кўриниш”да намоён этиш ва ўз маҳсулотининг рақобатбардошлигини, ўз ғояларини оммавийлигини текшириш имконини беради. Талабага ҳақиқий қизиқарли ва ўзига хос ресурс яратиш учун у биринчи навбатда, барча маълумотларни ўрганиб чиқиши, унинг талаблари руҳиятининг хусусиятларини сезиши, ресурсининг янгилигини белгилаши ва амалий аҳамиятини англаб етиши зарур. Буларнинг барчаси талабанинг ўз билимдонликларини шакллантиришга, унинг ҳаётдаги амалий йўналишини белгилашга сабаб бўлади.

“Ақлий ҳужум” методи

Ақлий ҳужум усули

Ақлий ҳужум (брейнстроминг - ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавоавий юзага келтириш.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги кўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

Методнинг мақсади: мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўллари топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қилади.

“SWOT-таҳлил” методи.

| | |
|--------------------------|--------------------------|
| S – (strength) | • кучли томонлари |
| W – (weakness) | • заиф, кучсиз томонлари |
| O – (opportunity) | • имкониятлари |
| T – (threat) | • тўсиқлар |


Намуна: Рассом ижодкорлар учун SWOT таҳлилини ушбу жадвалга туширинг.

| | | |
|----------|-----------------------------------|---|
| S | Рассом ким ? Бадий асар яратувчи. | Рассом бу тинмай изланувчи ижодкор инсон. |
|----------|-----------------------------------|---|

| | | |
|---|---|--|
| W | Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган рассомлар. | Замонавий йуналишда ижод этаётган таниқли рассом А.Нуридинов асарларида севги, оила, садоқатлик, тарбия ва жамиятдаги фалсафий тамойиллар асосида ижод этаётган ижокорлардандир. |
| O | Рассомлар чизиқлар, шакллар, ранглар, тасвирий санъат воситалари ёрдамида бадий образли асар ярата оладиган инсонлар. (ички) | Улар тасвирий санъат воситалардан, чизиқлар, шакллар, тасвирий санъат воситалари билан тасвир орқали ўз гоёсини, фикрини баён эта оладилар. |
| T | Тўсиқлар (ташқи) | Рассомларга эркинлик бўлмаса чизиқлар, шакллар, тасвирий санъат воситалари билан ўз асарларида тасвир орқали баён эта олмайдилар. |

“Балиқ скелети”

Натюрморт композициясини “Балиқ скелети” чизмаси Бир қатор муаммоларни тасвирлаш ва уни ечиш имконини беради. Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.





**Мисол: “Рассом ижодкорлар” мавзусидаги матн.
Биламиз. Билишни истаймиз? Билиб олдик. (БББ)**

| Биламиз | Билишни истаймиз | Билиб олдик |
|--|--|---|
| 1. Рассом янги ғояда асар яратадиган инсон. | 1. Ҳар бир изланувчи инсонни рассом деб аташ мумкинми? | Илмий амалий изланишларни олиб борувчи, янги усул ва воситаларни қўллай оладиган инсонни рассом деймиз. |
| 2. Рассомлар тасвирий воситалардан, чизиклар шакллар, воситаларни ўз асарларида тасвир орқали баён эта оладиган инсонлар. Маънавий эстетик тарбияловчи | 2. Дунёдаги ғоявий композицияларни тасвирла оладиган рассомлар қаторига кимларни киритса бўлади. | Р.Аҳмедов тасвирлаган асарлар ҳозирги рассомлар учун амалий методик ўқув жараёнидаги ривожланишида фойдаланилмоқда. |
| 3. Рассомлар асарида инсонларни маънавий-маърифий эстетик тарбияловчи инсонлардир. | 3. Рассом бўлиш учун нима қилиш керак? | Ўрал Тансиқбоев манзараларини бутун ўзбекистондагина эмас балки европа давлатларида ҳам мароқ билан томоша қиладилар. |
| 4. Рассом бу тинмай изланувчи инсон | 4. Ижодий асарларни тасвирлашни паёни борми? | Абдулҳақ Абдуллаев портрет жанрида ижод этган таниқли рассомлардандур. |
| 5. Умумбашарий аҳамиятга эга бўлган рассомлар. | 5. Компютерда ижодий асар яратса бўладими ? | Замонавий йуналишда ижод этаётган таниқли рассом А.Нуридинов асарларида севги, оила, садоқатлик, тарбия ва жамиятдаги фалсафий тамойиллар асосида ижод этаётган ижодкорлардандир. |
| 6. Ўзбекистонлик рассомлар | 6. Ўзбекистонда таниқли методик қўлланмалар, услубий қўлланмалар устида | Ўзбекистонда таниқли методик қўлланмалар, услубий қўлланмалар устида ишлаб келаётган |

| | | |
|--|---|--|
| | ишлаб келаётган таниқли рассом ва педагоглардан кимларни биласиз? | таниқли рассом ва педагоглардан: Р. Хасанов, М. Набиев, Х. Эгамов, Р. Худайбергенов, Н.Орипов ва бошқ. |
|--|---|--|


Интерьерда натюрмортни акс этириш



хонани ички кўринишини переспективада акс этирилади. Тасвирий санъат жанрларидан: натюрморт, портрет, тарихий, маиши анимал кўринишларда фон вазифасини ўтайди.

Интерьерда уйни эшик деразаларнинг шакли, ҳажми, девор ва шифт, полни беагаи ва уй жиҳозларининг беагаи тасвири орқали қайси даврга мансублигини билиб олишимиз мумкин. Интерьер - ички меъморий муҳит ҳолати орқали хонадон соҳибасининг диди ҳақида ёки завод цехнинг жиҳозланишига қараб илмий, тараққиёт ҳолати ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Интерьерда натюрмортни переспективада акс этириш, тасвирлаш жараёнлари кўрсатилган.

Интерьер, композицияси мавзусидатасвирий санъат ўқитишнинг замонавий технологиясини қўллаш.



«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («саце» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очик ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким? (Who), Қачон? (When), Қерда? (Where), Нима учун? (Why), Қандай? Қанақа? (How), Нима-натижа? (What).

“Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

| Иш босқичлари | Фаолият шакли ва мазмуни |
|--|--|
| 1-босқич: Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш; ✓ кейс билан танишиш(матнли, аудио ёки медиа шаклда); ✓ ахборотни умумлаштириш; ✓ ахборот таҳлили; ✓ муаммоларни аниқлаш |
| 2-босқич: Кейсни аниқлаштириш ва ўқув топшириғни белгилаш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниқлаш; ✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш |
| 3-босқич: Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўқув топшириғининг ечимини излаш, ҳал этиш йўллариини ишлаб чиқиш | <ul style="list-style-type: none"> ✓ индивидуал ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил ечим йўллариини ишлаб чиқиш; ✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш; ✓ муқобил ечимларни танлаш |
| 4-босқич: Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот. | <ul style="list-style-type: none"> ✓ якка ва гуруҳда ишлаш; ✓ муқобил вариантларни амалда қўллаш имкониятларини асослаш; ✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш; ✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектиларини ёритиш |

“Инсерт” методи.

Методнинг мақсади: Мазкур метод тингловчиларда янги ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билмларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

Методни амалга ошириш тартиби:

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- “Тасвирий санъат” бўйича янги мавзу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, рангтасвир бўйича ўз шахсий қарашларини махсус белгилар орқали

ифодалайдилар. Матн билан ишлашда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуйидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

| Белгилар | 1-матн | 2-матн | 3-матн |
|---|--------|--------|--------|
| “V” – таниш маълумот. | | | |
| “?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак. | | | |
| “+” бу маълумот мен учун янгилик. | | | |
| “– ” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман? | | | |

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар профессор - ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.



“Брифинг” - (инг. Briefing - қисқа) Рангтасвир бўйича бирор – бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишланган қисқа пресс - конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми.

2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, бирор бир асарни чизишдан олдин бир шакл сифатида олдин чизилган биор асар масалан: “Монализа” портретини олайлик

тингловчилар билан бирга шу асар қачон ва ким томонидан яратилганлиги муҳокама қилинади ва бошқа рассомларни чизган портретитаҳлил қилинади. Талабалар ёки тингловчилар томонидан яратилган янги асар тақдимоти ўтказилади.

“Портфолио” методи.

“Портфолио” – (итал. Portfolio - портфель, ингл. хужжатлар учун папка) таълимий ва касбий фаолият натижаларини аутентик баҳолашга хизмат қилувчи замонавий таълим технологияларидан ҳисобланади. Портфолио мутахассиснинг сараланган ўқув-методик ишлари, касбий ютуқлари йиғиндиси сифатида акс этади. Жумладан, ҳар бир тингловчиларнинг модул юзасидан ўзлаштириш натижасини электрон портфолиолар орқали текшириш мумкин бўлади. Олий таълим муассасаларида портфолионинг қуйидаги турлари мавжуд:

| Фаолият тури | Иш шакли | |
|-------------------|---|--|
| | Индивидуал | Гуруҳий |
| Таълимий фаолият | Талабалар портфолиоси, битирувчи, докторант, тингловчи портфолиоси ва бошқ. | Талабалар гуруҳи, тингловчилар гуруҳи портфолиоси ва бошқ. |
| Педагогик фаолият | Ўқитувчи портфолиоси, раҳбар ходим портфолиоси | Кафедра, факультет, марказ, ОТМ портфолиоси ва бошқ. |

Ҳар бир тингловчи курс мобайнида ўзининг шахсий портфолиосини киритиб борадилар.

Ўқитишнинг тўрт поғонали усули

Бу усул АҚШ да пайдо бўлиб саноат корхоналарида конвеерли ишлаб чиқариш кўпайган сари шундай ўргатиш усуллари зарур бўлиб қолдики, ишчилар бир хилда қайтариладиган қўл кўникмаларини иложи борича тез ва мукамал равишда ўрганиб олишлари керак эди.

Бу усулда амалий кўникмаларни ўзлаштириш жараёни 4 поғона доирасида кечади. Бу поғоналарнинг номи: «Тушунтириш», «Нима қилиш кераклигини кўрсатиб бериш», «Кўрсатилган тарзда қайтариш», «Машқ қилиш». Яъни амалиёт ўқитувчиси талабаларга аввал кичикроқ бир иш босқичини тушунтириб беради, кейин нима қилиш кераклигини қилиб кўрсатади. Сўнг талаба шу иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариши (имитация қилиши) керак. Талаба қайтариб қилаётган пайтида амалиёт ўқитувчиси хатоларини тўғрилаб туради (мақтайди ёки танқид қилади).

Ундай кейин эса шу иш босқичи машқ тарзида талаба уни мукаммал ўзлаштиргунича кўп маротаба қайтарилади.

Бу усул психологияда асосланган бўлиб, бихевиоризм (яъни инсон ўзини тута олишига оид) назариялардан олинган.



Тўрт поғона усули доирасидаги ҳаракатлар

4 поғона деб қуйидаги поғоналар аталади. Улар давомида бир амалиёт ўқитувчиси бир талаба ҳаракат қилади:

1-поғона: Амалиёт ўқитувчиси нима қилиш кераклигини тушунтиради. У талабаларга маълум бир иш босқичи ёки бир кўникмани қўллаш учун керакли барча маълумотларни беради. Талабалар эса амалиёт ўқитувчиси оғзаки тушунтиришларини тинглашади.

2-поғона: Амалиёт ўқитувчиси тушунтирилган иш босқичи қандай қилиниши кераклигини қилиб кўрсатади, талабалар эса қараб туришади. Одатда амалиёт ўқитувчиси нима қилаётгани ҳақида талабаларга изоҳлар бериб боради. Яъни бу ерда демонстрация (намойиш этиш) тушунчаси ҳам ишлатилиши мумкин.

3-поғона: Амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтарадилар. Амалиёт ўқитувчиси улар қилаётган иш юзасидан ўз фикрини билдириб, хатоларни тўғрилаб туради.

4-поғона: Ҳар бир талаба иш босқичини кўрсатилган тарзда қайтариб, кўрганидан ва иш босқичини тўғри



бажариш бўйича амалиёт ўқитувчисининг изоҳларни тушунганидан кейин, бу иш босқичи кўп маротаба машқ қилинади ва кераклигича, яъни мақбул натижага эришилмагунича такрорланади.

Бундан кейин амалиёт ўқитувчиси кейинги иш босқичига ўтади. Бу босқич ҳам 4 поғонадан иборат.

Бу 4 поғона усулининг асосий белгиси шуки :

- амалиёт ўқитувчиси томонидан бошқарилган назарий ва амалий маълумот бериш даврлари (фазалари) энг бошида туради сўнг эса талабаларнинг ҳаракатлари билан алмашинади;

- талабаларнинг ҳаракатлари амалиёт ўқитувчиси кўрсатиб берган ҳаракатлар доираси билан чекланган;

- талабалар индивидуал ўрганишга (ўзлаштиришга) йўналтириладилар лекин мустақил фикрлашга ҳақлари йўқ;

- иш ташкиллаштириши (иш тартиби) одатда ҳеч қандай янгича ёндашувларга йўл қўймайди.

Йўналтирувчи матн усули

Йўналтирувчи матн усули ўтган асрнинг 70 йилларида Германияда, «Daimler Benz» корхонасининг Гаггенау шаҳридаги (Daimler Benz AG (Gaggenau) ўқув устахонаси томонидан ишлаб чиқарилган. Бу усул товуш ва тасвирли презентациялар билан жиҳозланган мустақил ўрганиш дастурлари шаклидаги лойиҳавий касб-хунар таълимига қўшимча сифатида ишлаб чиқарилган.

Бошланғич шаклида бу усул касб-хунар таълими амалиётчилари томонидан ишлаб чиқарилган, кейинчалик эса назарий жиҳатдан асосланиб илмий асосда такомиллаштирилиб олий таълимда қўлланила бошланган.

Йўналтирувчи матн усулида қуйидаги 6 босқич фарқланади;

улар доирасимон ҳаракатда алмашишади:

- маълумот йиғиш;
- режалаштириш;
- қарор қабул қилиш;
- амалга ошириш;
- текшириш;
- хулоса чиқариш.

Йўналтирувчи матн усули босқичлари



Бу босқичлар ҳаммаси талаба томонидан амалга оширилади. Бу усулни ишлаб чиқарилишига сабаб лойиҳалар устида иш билан боғлиқ ташкилий муаммолар эди, чунки ўқувчилар ҳар хил тезликда ишлашлари туфайли бутун гуруҳ учун инструктаж ўтказишга қулай вақтни топиш қийин эди. Бир талаба ҳаммадан тез ишлаб янги кўникмани ўрганишга тайёр бўлган бўлса, секинроқ ишлаган талабалар учун эса янги инструктажнинг фойдаси жуда кам эди. Қайтага янги инструктаж уларнинг ишларига халал бергандай ёки кераги йўқ тўхталиш каби туюлар эди. Яъни талабалар қизиқиши (мотивацияси) қисман барбод қилинади.

Йўналтирувчи матнлар ёрдами билан мустақил инструктаж имконияти пайдо бўлди ва ҳар бир талаба айнан унга янги кўникма учун билимлар керак бўлган пайтда шу билимларни олиши мумкин бўлди.

Энг биринчи йўналтирувчи матнлар - бу асли оғзаки равишда ўтказиладиган инструктажларнинг ёзма шакли эди. Лекин барибир барча махсус маълумотлар талабаларга иложи борица оғзаки берилар эди.

Бугунги кунда эса йўналтирувчи матнлар шундай тузилганки талабалар йўналтирувчи саволлар ёрдамида ўзлари керакли маълумотларни (китоб, жадвал, инструкция, видеокассеталар ёки компьютер дискларидан олиб) ишлаб чиқаришни ўрганишади.

Натижада ҳозир янги бир ўргатиш усули ва янги бир ўрганишни ташкиллаштириш тарзи вужудга келди. Унинг асосий белгиси - бу ўқувчи кўпроқ мустақил равишда ўрганишидир; амалиёт ўқитувчиси эса заифроқ талабалар билан кўпроқ шуғулланиши мумкин бўлиб қолди. Талабаларнинг мустақил ишлаши эса ўз навбатида кўшимча фойда келтирмоқда: юқорироқ кўникма ва қобилиятлар соҳасида яъни биргаликда мулоқотда бўлиш, биргаликда режа тузиш, қарор қабул қилиш ҳамда ўз ишини текшириш каби қобилиятлар ривожланади.

Командада (биргаликда) ишлаш орқали муайян ижтимоий компетенциялар ривож топади ва уларга мўлжалланган мақсадлар ҳам белгиланиши мумкин бўлади. Кўриб турибмизки, вақт ўтган сари йўналтирувчи матн усули қўлланишининг маъноси ўзгарди чунки бугунги кунга келиб бу усул айнан ўша «пойдевор квалификациялар» деб аталган қобилиятларни ривожлантириш мақсадида қўлланади. Бу тушунчани Германияда таълимот мунозарасига меҳнат бозори тадқиқотчиси Д. Мертенс киритган. У бу тушунча билан асосан услубий компетенцияларни (яъни фикрлаш, ташкиллаштириш ва режалаштириш усуллари) атаган.

Ҳозирги кунда эса бу тушунча билан шундай қобилиятлар кўникма ва ўзини тутиш тарзлари аталадики, улар айнан шу касб-ҳунарга оид квалификациялардан ташқари ва уларга кўшимча сифатида барча бошқа касб-ҳунарларда керак бўладиган ҳатти-ҳаракатларни билдиради.

4 поғона усули билан солиштирадиган бўлсак бу усулда амалиёт ўқитувчисининг фаолияти кўпроқ дарсдан олдин ва дарсдан кейин қилинадиган ишлардан иборат. Лекин бевосита инструктаж жараёнида қилинадиган ишлар эмас; ўқувчилар эса қайтага барча даврларда (фазаларда) мустақил ишлашади.

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Инновацион таълим муҳитининг назарий асослари ва Олий таълим муסיқа ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти босқичлари

Режа:

1. Технологиялар тарихи ва педагогик технология таърифлари
2. Педагогик технология тушунчаси.
3. Ўқув иш жараёни фаолиятини лойиҳалаш.
4. Педагогик технологияларнинг асосий жараёнлари.

Таянч тушунчалар: Технология, технологик жараён, талим технологияси, воситалар, таълим ва тарбия, тарбиявий воситалар, педагогик жараён, педагогик маҳорат.

1. Технологиялар тарихи ва педагогик технология таърифлари

Инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан–кунга кучайиб бормоқда. Бундай бўлишининг сабабларидан бири, шу вақтгача анъанавий таълимда ўқитувчи - ўқувчиларни фақат тайёр билимларини эгаллашга ўргатилган бўлса, замонавий технологиялар уларни эгаллаётган билимларини ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, ҳатто хулосаларни ҳам ўзлари чиқаришларига ўргатади.

Педагогик технология ва педагог маҳоратга оид билим, тажриба ва интерактив методлар ўқитувчи - ўқувчиларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновация (инглизча инновацион) – янгилик киритиш, янгиликдир.

Таълимни технологиялаштириш ғоясини бундан 400 йил аввал чех педагоги Ян Амос Коменский илгари сурган. У таълимни “техникавий” қилишга ундаган, яъни ҳамма нарса, нимага ўқитилса, муваффақиятга эга бўлсин. Натижага олиб келувчи, ўқув жараёнини, у “дидактик машина” деб атаган.

Бундай дидактик машина учун: аниқ қўйилган мақсадлар; бу мақсадларга эришиш учун аниқ мослаштирилган воситалар; бу воситалардан фойдаланиш учун қандай аниқ қоидаларни топиш муҳимлигини ёзган.

Таълим назарияси ва амалиётида ўқув жараёнига технологик хусусиятни бериш учун 50-йилларда биринчи уринишлар қилиб кўрилган. Улар ўз

ифодасини анъанавий ўқитиш учун мажмуали техник воситаларни яратишда топган.

Ҳозирги вақтда педагогик технология «ўқитишнинг техник воситалари ёки компьютерлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлардек қаралмайди, балки бу таълим самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш, ҳамда усул ва материалларни қўллаш, шунингдек қўлланилаётган усулларни баҳолаш йўли орқали таълим жараёнининг асослари ва уни мақбуллаштириш йўллари ишлаб чиқишни аниқлаш мақсадидаги тадқиқотдир».

Барча таълим ва тарбия ишларини педагогик технология йўлига ўтказиш, мактаб амалиёти педагогик жараёнини ихтиёрий қуриш ва уни амалга оширишдан кескин бурилиши қўйидагиларни англатади:

- унинг ҳар бир қисм ва босқичларининг изчил асосланганлиги (таълим жараёнини тартиблаштириш - батафсил аниқланган ва асосланган, ишларни маълум тартибдан ташкил топган қисмлар - мулоқот, ахборот ва бошқарувнинг йўл ва воситаларини билиш орқали мумкин қадар расмийлаштирилган);

- якуний натижани ҳаққоний ташхис қила олишга йўналтирилганлигини;

- *таълим жараёнига* мавжуд шароит ва белгиланган вақт ичида қўйилган таълимий мақсад, ҳамда ижобий натижага эришишни таъминлайдиган ишлаб чиқариш;

- *технологик жараёнининг* мукамал, аниқ йўлга қўйилган, изчил, мувофиқлашган хусусиятини бериш;

- унинг *самарадорлиги* ва инсон имкониятлари (куч, вақт) ни мақбуллаштириш мақсади билан бутун таълим жараёнини бошқарувчанлиги.

[Г.Н.Ахунова, Л.В.Голиш, Д.М.Файзуллаева. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услубий қўлланма / Замонавий таълим технология серияси. – Т.: 2009 й.]

XX аср 30 йилларнинг ўрталарида АҚШнинг Индиана университетиди ўқувчиларга эшитиш ва кўриш (аудиовизуал) таълими бўйича маърузалар ўқилган, 1946 йил шу йернинг ўзида эшитиш ва кўриш таълими бўйича мутахассисларни тайёрлаш курси: ишлаб чиқаришни режалаштириш, эшитиш ва кўриш воситаларини ишлатиш, улар сифатини баҳолаш, ҳамда шу воситаларни қўллаб ўқув жараёнини бошқариш дастурлари киритилди.

Бу жараён “*Таълимда технологиялар*” деб номланди.

1954 йилда профессор Б.Ф.Скинер томонидан дастурлаштирилган таълим модели асослаб берилди. Бу операциялар асосида ўқитиш технологияси бўлиб (мавзу – кадам - кадр), у ҳар бир ўқув топшириғининг тўғри бажарилганлигини

тезда баҳолаш ва хатоликка йўл қўйган бўлса орқага қайтиш каби қайтар алоқани назарда тутлади.

1958 йилда Н.Краудер томонидан Дастурлаштирилган таълимнинг тармоқланган схемаси таклиф этилди. Бунда таклиф қилинган бир қанча жавоблардан бирини танлаш ва жавобларнинг тўғри - нотўғрилигидан келиб чиқиб қайтар алоқа назарда тутилади.

Бу «Ўргатувчи технологиялар» деб ном олди.

Технология тушунчаси 60 йиллардаги Америка ва Ғарбий Эуропада таълимни ислоҳ қилиниши билан боғлиқ равишда кириб келди. Б.Блум, Ж.Королл, П.Й.Галперин, В.И.Давидов, Н.А.Мечинская, З.И.Калмикова, Л.И.Занков технологиялари машҳур. Ўқитишни ташкил қилишнинг технологик ёндашувлари В.П.Беспалко, Н.Ф.Тализина, Л.М.Фридман, Й.Н.Кулюткина, Г.С.Сухобской, Т.В.Кудрявцев, А.М.Матюшкин, М.И.Махмутов каби аксарият психолог ва дидактикачиларга тааллуқлидир.

70 йилларда – *таълим технологиясининг* илмий асосини информатика, телекоммуникация назарияси, педагогик квалиметрия, тизимли таҳлил, билиш фаолиятини бошқариш назарияси, ўқув жараёнини қулайлаштириш, педагогик меҳнатни илмий ташкиллаштириш кабилар ташкил қилди.

Кўриш ва эшитиш воситаларининг янги турлари: видеоманитофон, айланмали кадрпроектор, электрон ва блокнотли ёзув тахтаси ва бошқалар чиқара бошланди.

Таълим технологияси муаммолари бўйича Халқаро анжуманлар ўтказилди. Бу “Таълим технологиялари” деб атала бошлади.

80 йилларда ТТни – “таълим олиш шакллари мақбуллаштиришни ўз вазибалари деб қўювчи, бутун таълим бериш жараёнини, ҳамда билимларни техникавий ва инсоний манбаларни ҳисобга олган ҳолда ўзлаштириш ва уларнинг ўзаро ҳаракатини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли усули” деб тан олинган (ЮНЕСКО, 1986 й.).

«*Педагогик технология*» – атамаси педагогика фанида вужудга келди.

80 йилларнинг бошидан педагогик технология деб таълимнинг компютерли ва ахборот технологияларни яратишга айтилган.

Педагогик технология таърифлари:

«Педагогик технология – баркамол инсонни шакллантириш фаолияти».

Шу билан бирга, педагогик технологиянинг кенг қўламли, серқирра тушунча эканлигини ҳисобга олган ҳолда, унинг қуйидаги яна бир нечта таърифларини келтиришимиз мумкин:

Педагогик технология ахборотларини ўзлаштириш, улардан амалда фойдаланиш, улардаги янги маъно – мазмунларни, ҳамда ахборотлар

орасидаги турли боғлиқликларни очиш орқали янги ахборотлар яратишга ўргатиш жараёнидан иборат.

Педагогик технология – таълим методлари, усуллари, йўллари, ҳамда тарбиявий воситалар йиғиндиси; у педагогик жараённинг ташкилий – услубий воситалари мажмуидир.

Педагогик технология – бу ўз олдига таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини ўқувчи, бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини техник ресурслар ва одамларнинг ўзаро муносабатларини ҳисобга олган ҳолда яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методидир.

Педагогик технология – маълумотларни ўзлаштириш учун қулай шакл ва усулда узатиш ҳамда ўзлаштириш жараёнидан иборат.

Демак, *педагогик технология* инсонга (таълим-тарбия олувчига) олдиндан белгиланган мақсад бўйича таъсир ўтказиш фаолиятидан иборат.

Педагогик технология ўқувчини мустақил ўқишга, билим олишга, фикрлашга ўргатишни кафолатлайдиган жараёндир.

Педагогик технология жараёнида ўқитувчи раҳбарлигида ўқувчи мустақил равишда билим олади, ўрганади ва ўзлаштиради.

2. Педагогик технология тушунчаси.

Педагогик технология ҳозирда барча педагогик касблар ҳамда таълим – тарбия жараёнини ташкил қилиш, бошқариш, назорат қилиш билан боғлиқ касбларнинг асосини ташкил қилади. Замонавий педагогик технологиялардан барча педагоглар хабардор бўлишлари зарур.

Технология тушунчаси юнонча {“течне”- “маҳорат, “санъат”- логос– таълимот” деган маънони англатади}. (Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институти, Т. Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008 йил)

“*Таълим - тарбия* мазмуни, мақсад ва вазифалари даврлар ўтиши билан кенгайиб бориши натижасида унинг шакл ва усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда инсон фаолиятининг асосий йўналишлари шу фаолиятдан кўзда тутилган мақсадларни тўлиқ амалга ошириш имкониятини берувчи яхлит тизимга, яъни технологияларга айланиб бормоқда. Худди шу каби таълим – тарбия соҳасида ҳам сўнги йилларда педагогик технология амал қила бошлади.

Педагогик жараённинг моҳияти кам ўрганилган соҳа ҳисобланади. Педагогик адабиётда “таълим” ва тарбиянинг турли томонларига кўпроқ эътибор қаратилган. Педагогик жараён яхлит ҳолда, тўлиқ ва асосли тадқиқ этилмаган.

Педагогик жараён ўқув муассасасининг барча соҳаси - (ташкилий, ҳуқуқий, иқтисодий, психологик, педагогик) бир бутунликда, ўзаро узвий боғлиқликда қамраб олади. Педагогик жараёнда бутун жамоа якдиллик билан ишлаши, ўзаро ҳамкорлик юксак даражада бўлиши муваффақиятини таъминлайди.

Педагогик жараёнда ўқитувчи алоҳида ўрин тутади. Ўқитувчи ўз соҳасини пухта ва асосли биладиган, илм-фанга қизиқадиган, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар моҳиятини тушунадиган, педагогика, психология, методика, педагогик технология фанларини ўзлаштирган ва педагогик касбини ҳурмат қиладиган шахс бўлиши керак.

Бундай талабга ўқув юртидаги барча ўқитувчилар тўла жавоб берадиган бўлиши керак.

Педагогик билим ўқитувчининг талаба билан ишлашни енгиллаштиради ва таълим-тарбия ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Ҳар бир педагог психика ва онг ҳақида, шахс, фаолият, шахслараро муносабат, комил инсон, шахснинг шаклланиши, эҳтиёжи, шахс шаклланишида таълим ва тарбиянинг роли, таълимда ўқувчиларни фаоллаштириш, таълим самарадорлигини ошириш, билимга қизиқишни шакллантириш каби билимларни пухта ўзлаштириши зарур. Педагогик амалиёт жараёнида маҳорат шаклланиб боради.

Педагогик маҳорат касбий фаолиятни юқори даражада бажариш имкониятини берадиган шахсий сифатлар комплекцидир.

Бундай шахсий сифатларга қуйидагилар киради:

- ўқитувчи шахсини йўналиши;
- ўқитувчининг касбий билимлари;
- ўқитувчининг педагогик қобилияти;
- ўқитувчининг педагогик техникаси.

Педагогик маҳоратнинг шаклланиши ўқитувчи шахсининг йўналиши-ўқувчига муносабат, таълим жараёнига, таълимнинг мазмуни ва моҳиятига муносабат, таълим ва тарбиянинг жамият ҳаётидаги ўрнини тушуниш, таълим ва тарбияда мавжуд имкониятлардан фойдаланиш муҳим рол ўйнайди.

Ўқитувчи аввало ўз касбини севиши ўқувчилар имкониятига ишониши, ўқувчиларни билим олиш, шахс сифатида мукаммалашга чин дилдан ҳаракат этадиган шахс бўлиши керак.

Кейинги пайтларда ўқитувчи шахсига юқори баҳо берилмоқди. Ўқитувчи шахси ўқувчига таъсир этадиган асосий омил эканлигини кўрсатиб, тарбиянинг ўзи тарбияланган шахс бўлиши кераклигини кўрсатди. Ўқитувчи миллий истиқлол ғоясига содиқ бўлиши таълим ва тарбияни мукаммал ташкил

этиши, ёшларни бозор иқтисодиёти амалга оширилаётган шароитда яшаш ва фаолият кўрсатишга ўргатиш талаб этилади.

Ўқитувчи ўзи таълим бераётган фанини чуқур ва мукаммал билиши ва ўқувчилар билан мулоқотда бўлиш эҳтиёжига эга бўлиши керак.

Ҳар бир ўқитувчи ўзи ўқитаётган фаннинг ўтмиш тарихини ҳозирги аҳволини ва келажagini мукаммал билиши керак. Кенг ва асосли билимга эга бўлган педагог ҳар бир дарсини эркин ўтади ва қийналмайди. Ўқувчиларнинг ҳар бир саволига жавоб бера олади. Дарс жараёнида келиб чиққан муаммони ўқувчилар билан эркин муҳокама этади, унга ўзининг тўғри ва аниқ муносабатини билдиради. Ўз фанини мукаммал билган ўқитувчи мукаммал саволлардан ўзини четга олмайди.

Ўқитувчи бутун фаолияти давомида ўз устида ишлашни билимини кенгайтириши талаб этилади. Педагогнинг ғоявий-сиёсий билими, назарий, педагогик-психологик, услубий ва технологик билими мукаммал бўлиши керак.

Талаба касбий билимларни чуқур эгаллаш билан бирга амалий педагогик фаолияти ҳам кенгайтириши керак.

Педагогик қобилият фаолият давомида шаклланиб, мукаммаллашиб боради.

Педагогик қобилият ўқитувчининг ўз фаолиятига қанчалик яроқлик эканлигини кўрсатувчи сифатлардир. Турли тадқиқотчилар педагогик қобилият ҳақида ўз ижобий фикрларини билдиришган.

Педагогик техника ўқитувчининг ўзини бошқаришда ва педагогик муаммоларни йечишда тарбияланувчиларга таъсир этишда ифодаланади. Ўқитувчи ўзининг ҳиссий (эмоционал) ҳолатини нутқини ва ўз кўринишини (танасини) бошқариши, энг муҳими алоқага кириша олиш техникасидир.

Педагогик техника вазиятни тушуниш, уни ҳисобга олиб мақсадни амалга оширишни талаб этади. Ўқитувчи бутун фаолияти давомида педагогик техникани амалга оширишига тўғри келади. Дарсга яхши тайёрланиб келган ўқитувчи аудиторияда турли вазиятларга дуч келиши мумкин. Шу вазиятда чиқишда педагогик техника намоён бўлади.

Кўриниб турибдики, педагогик маҳорат кўп қиррали мураккаб жараён ҳисобланади. Уни ўрганишга кўп куч сарфлаш, чидам билан тайёрланиш зарур.

Турли усул ва воситалардан фойдаланиб, уни ўқувчиларга етказишга ҳаракат қилади. Айрим ўқувчилардан билим қандай ўзлаштирилганлиги сўралиши ҳам мумкин. Лекин ўқитувчи ҳар бир дарсдан сўнг натижани тўлиқ ва аниқ белгилашга интилмайди. Бундай ҳолатда самарали натижага эришиш қийин бўлади. Талаба берилган билимини ўзлаштирган деб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда таълим жараёнини режалаштириш, ўқувчиларга етказиш ва натижасини аниқлашда талабанинг фаоллигини таъминлаш, талаба билан ҳамкорликда ишлаш ва билимларнинг ўзлаштирилишига тўлиқ эришиш талаби илгари сурилмоқда.

Шунингдек таълим жараёнида талабани (ўқувчиларни) фаоллаштирадиган интерактив методлардан фойдаланиш, таълим жараёнида талаба (ўқувчи) билан ҳамкорликда ишлаш, таълим жараёнида маълум билимлар ҳажмини талабага (ўқувчига) билан чекланмай, талабани мустақил билим олишга даъват этиш ғоясини илгари сурмоқда.

“Муסיқа маданияти” дарсларини ўтказишда янгича ёндошиш, ҳар бир машғулотда ўқувчиларнинг изланувчанлигини рағбатлантириш, мустақил ва эркин фикрлашига имконият яратиш, таълим жараёнида мунозара, тортишув каби фикрларнинг турли-туманлигини қўллаб қувватлаш ғояси илгари сурилмоқда. Таълим шундай ташкил этилса, талаба билмаганини фақат эслаб қолишга интирмай, фикрлашга ҳам ўрганади.

3. Ўқув иш жараёни фаолиятини лойиҳалаш.

Дарс машғулотларини юқори савияда ташкил этиш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитувчи дарс учун берилган вақтдан унумли фойдаланиш учун турли технологиялар, усул ва методлардан фойдаланиб дарс ўтиш, ўқитувчининг бу тажрибаларни пухта ўзлаштириши муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли ҳам ўқитувчи умуман муסיқий фанларни ўқитишда замонавий ёндашувлар қилиш ва турли фаннинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, инновацияларни қўллаган ҳолда, ўқитиш жараёнини ташкил этиш талаб этилади. Инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллаш учун биз ўқув иш жараёни фаолиятимизни лойиҳалашимиз лозим.

Лойиҳалаш - бу олдиндаги фаолият моделини тузиш, мавжуд шароитларда ўрнатилган вақт мобайнида йўл ва воситаларни танлаш учун, мақсадга эришиш босқичларини ажратиш, улар учун алоҳида вазифаларни шакллантириш, ўқув ахбороти ва қайтар алоқани етказиш воситаси, ҳамда йўллари аниқлашдир.

Режалаштириш - олдиндаги ўзаро боғлиқ педагогик ва ўқув фаолиятининг режасини ишлаб чиқишдан иборат бўлади. У технологик харита кўринишида расмийлаштирилади.

Мақсадни белгилаш – технологиялаштиришнинг асосий омили ҳисобланиб, педагогик технологияни лойиҳалаштириш, ўқув жараёнини тузиш, ҳамда ташкиллаштириш шундан бошланади.

Инновацион технологиялар педагогик жараён, ҳамда ўқитувчи ва талаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар бу – “жамоа бўлиб фикрлаш” маъносини англатади. Унинг ўзига хослиги шундаки, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- ўқувчининг дарс давомида бефарқ бўлмасликка, мустақил фикрлаш, ижод этиш ва изланишга мажбур этиши;

- ўқувчиларни ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;

- ўқувчининг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндошган ҳолда кучайтириши;

- ўқитувчи ва ўқувчининг ҳаммиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкиллаштириши ва таъминлаши.

Ўқитувчи ва ўқувчининг мақсаддан натижага эришишида қандай технологияни танлашлари улар ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади - аниқ натижага эришишга қаратилган, бунда ўқитувчи - ўқувчиларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технологиянинг услублари танланади. Масалан, натижага эришиш учун балким филм, таркатма материал, чизма плакатлар, турли адабиётлар, ахборот технологиялари керак бўлади.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиши лосим. Бунда ўқитувчи томонидан бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан ва эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда тузилади. Бундай технологик харитани тузиш осон эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика ва ахборот технологиялари, интерфаол услублардан хабардор бўлиши керак бўлади. Ҳар бир дарсни ранг-баранг, қизиқарли бўлиши, аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғиқ.

Дарснинг технологик харитасини қай кўринишда ёки шаклда тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади, фантазияси ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик ҳарита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши, аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган

бўлиши керак. Технологик хаританинг тузилиши ўқитувчи томонидан дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай ҳаритада дарс жараёнининг барча қирралари ўз аксини топади.

Ўқитувчи томонидан ўзи ўқитаётган фаннинг ҳар бир мавзуси, ҳар бир дарс машғулоти бўйича тузилган юқоридаги каби, технологик харита унга фан, предметини яхлит ҳолда, тасаввур этиб ёндошишга, тушунишига (бир семестр, бир ўқув йили бўйича), яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, мақсадидан тортиб, эришиладиган натижасини кўра олишига ёрдам беради.

Ўқув машғулотнинг технологик харитаси.

Технологик харитада таълим берувчи ва таълим олувчи фаолият (ўқув жараён) и босқичларининг кетма-кетлиги ва мазмуни, ҳамда уларда қўлланиладиган воситалар тавсифланади. Технологик харита талабаларнинг мустақил ишлашларини назорат қилишга ёрдам беради.

Технологик хаританинг тузилиши ва мазмуни.

1 - босқич. Ўқув машғулотига кириш.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати.

- Таълим берувчи мавзунинг номи, ўқув машғулотининг хусусияти билан (маъруза, ўргатувчили ўйин ва бошқалар.), мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини, ўқув машғулотида ўқув ишларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.

- Таълим олувчилар тинглайдилар, аниқлаштирадилар, саволлар берадилар, ёзиб оладилар.

2 - босқич. Асосий маълумот берувчилик.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати.

- Таълим берувчи ўқув машғулотининг режаси тузилишига мувофиқ тузиб чиққан таълим моделини амалга оширади кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича таълим олувчилар ўқув фаолиятини бошқаради.

- Таълим олувчилар кўзланаётган ўқув натижаларига эришиш бўйича режалаштирилган ўқув ҳаракатини бажарадилар.

3 - босқич. Якуний – натижа.

Таълим берувчи ва таълим олувчилар ҳаракати.

- Таълим берувчи мавзу бўйича якун ясайди, таълим олувчилар эътиборини асосийларга қаратади, бажарилган ишларни келгуси касбий иш фаолиятидаги аҳамиятини маълум қилади, гуруҳлар, алоҳида талабалар ишини баҳолайди ёки ўзаро баҳолашнинг якунини чиқаради; ўқув машғулоти мақсадига эришиш даражасини баҳолайди; мустақил иш учун топшириқ беради.

- Таълим олувчилар ўзаро баҳолашни ўтказадилар, савол берадилар, топшириқни ёзадилар.

Ўқув машғулоти технологик харитаси

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият | |
|---|--|--|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| 1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (дақ) | 1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. Машғулот режаси билан таништиради. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини айтади. 1.3. Ўқув машғулотида ўқув ишларини баҳолаш мезонлари билан таништиради. | Тинглайдилар, ёзиб оладиллар. Аниқлаштирадилар. Саволлар берадилар. |
| 2-босқич Асосий (дақ) | 2.1. Тезкор - сўров, савол – жавоб, ақлий ҳужум орқали билимларни фаоллаштиради. 2.2. Ўқув машғулоти мавзусининг режаси ва тузулишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича ҳаракатлар тартибини баён этади. | Жавоб берадилар. Ёзадилар. Гуруҳларда Ишлайдилар. Тақдимот қиладилар ва бошқ. |
| | 3.1. Мавзу бўйича яқунлайди, қилган ишларини келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига ўқувчилар эътиборини қаратади. 3.2. Гуруҳлар ишини баҳолайдилар, ўқув машғулотининг мақсадга эришиш даражасини таҳлил қилади. 3.3. Мустақил иш учун топшириқ беради ва унинг баҳолаш мезонларини етказди. | Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар. Савол берадилар. Топшириқни ёзадилар. |

4. Педагогик технологияларнинг асосий жараёнлари.

Педагогик технологияларнинг турлари коьп бўлиб, йўналиш ва мақсадларга асосий эътибор қаратилгани билан фарқ қилади.

Педагогик технология жараёнларини оьрганишнинг соддалаштирилган тартибини куйидагича тушуниш мумкин:

Тушунтириш – ахборотнинг маъно – мазмунини, ундан фойдаланиш тартибини турли восита ва усулларни кўллаб, тушунтирувчининг ўзи тушунган даражада бошқаларга етказиш фаолиятидан иборат жараён.

Тушуниш - ахборотнинг маъно-мазмунини идрок қилиш, ундан кўрсатилган тартибда мустақил фойдалана олиш.

Ўргатиш - ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни бажариш кўникмаларини ўргатувчининг ўзи ўрганган даражада бошқаларнинг такрорлай олишини, турли восита ва усулларни кўллаб амалга ошириш фаолиятидан иборат жараён.

Ўрганиш – ахборотдан фойдаланиш ва турли ҳаракатларни кўрсатилган тартибда мустақил бажариш кўникмаларини эгаллаш.

Ўзлаштириш – тушуниш, ўрганиш орқали ахборотнинг маъно-мазмуни, ундан фойдаланиш ёки ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида билим ва кўникмалар ҳосил қилиш.

Ўзлаштириш шартли равишда куйидаги учта даражага ажратилади.

- 1) Ўргатилган билим, кўникмаларни тўғри такрорлаш;
- 2) Уларни амалда, фаолиятда кўллаш, улардан тегишли мақсадларда фойдаланиш имкониятига эга бўлиш;
- 3) Уларни ижодий таҳлил қилиш, қиёслаш, умумлаштириш, хулосалар чиқариш асосида такомиллаштириш фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга бўлиш

| | |
|---|---|
| ? | НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР: |
|---|---|

1. Таълимни технологиялаштириш ғояси қачон ва ким томондан жорий этилган?
2. Дидактик машинага нима муҳимлиги ёзилган?
3. Ҳозирги вақтда педагогик технология нима учун кўлланилади?
4. Қандай жараён “**Таълимда технологиялар**” деб номланди?
5. 1958 йил – Н.Краудер томонидан қандай схема таклиф этилди?
6. Сиз қандай педагогик технология таърифларини биласиз?

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Г. К. Селевко. Современные образовательные технологии. М. 1998
2. Маллаев О. Янги педагогик технологиялар. Т. 2000
3. Ў.Толипов, М.Усмонбоева. Педагогик технология: назария ва амалиёт. Т. 2005.
4. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». - Т.:Ўзбекистон, 1997.
5. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Т.: ТГПУ им. Низами, 2003.

2-мавзу: Мусиқий фанларни ўқитишнинг моҳияти, мазмуни, мақсади ва вазифалари.**Режа:**

1. Мусиқий фанларни ўқитишнинг моҳияти, мазмуни, мақсади ва вазифалари ва ўқув-тарбиявий жараённинг тузилишини умумлаштириш
2. Ўқитиш фаолиятидаги методлар

Таянч тушунчалар: усул, услуб, воситалар, методика, метод, педагогик фаолият, шакл ва йўллар, ҳикоя ёки суҳбат йўли, кўргазмалилик

1. Мусиқий фанларни ўқитишнинг моҳияти, мазмуни, мақсади, вазифалари.

Ҳозирги даврда мусиқа фанларини ўқитиш жуда долзарб бўлиб муҳим ижтимоий, тарбиявий ва касбий аҳамиятга эгадир. мусиқий таълим йўналиши талабаларини мусиқа маданияти ўқитувчиси амалий фаолиятига тайёрлайди. Методика таълим – тарбия жараёнида ўқитувчининг ўқувчилар билан ишлаш усуллариининг мазмунини англатади. Мусиқа ўқитиш методикаси ўқитувчисидан истедод, қобилиятлар ва иштиёқлар мавжуд бўлишини талаб этади.

Мусиқа фанлари фантазияни ўстиради, мантиқий фикрлашни ривожлантиради. Мусиқа яна шунингдек инсон шахсининг камол топишида ҳам муҳим рол ўйнайди.

Мусиқий фанларни ўқитишнинг моҳияти, мусиқа курси тинловчиларини мусикавий амалий фаолиятини янада фаоллаштиришдан иборатир.

Бу мақсад куйидаги вазифаларни хал этишни кўзда туттади:

-мактабда мусиқа таълими ва тарбияси мазмуни, ташкил қилиниши, турли шакллар ва методлари хақида асосий маълумотлар бериш.

-Мақтабда муסיқа таълими ва тарбияси соҳасидаги илгор тажрибаларни умумлаштириш.

-Мақтабда ва синфдан ташқари педагогик амалиёт буйича методик адабиётларни ўрганишга тайёрлаш.

- Муסיкий асарларнинг бадий- педагогик тахлили методикаси асосларини бериш.

- Илмий тадқиқотчилик ишлари бошланғич малакаларини ҳамда болаларни муסיқа санъати воситасида ўқитиш ва тарбиялаш масалаларига тўғри ёндашувни шаклантириш.

Муסיкий фанларни уқитишда, ўрганишда педагогика, психология, муסיқа ўқув режасид а кўзда тутилган бошқа фанлардан олинган билимлар тарихий – назарий фанлар мазмунини ўзлаштириш ўқитувчиларга муסיкий санъат хусусиятларини болаларга самарали етказиш йулларини топишга, уларга хаётнинг муסיкий образларда акс этишини, ифода воситаларини тушунтира олишда ёрдам беради.

Муסיқа ўқитиш, асосий йўналишлар услуб ва жанрларнинг ривожланиши, йирик композиторларнинг ўзига хос ижод йўли хақидаги билимлар мақтаб ўқувчиларнинг муסיкий дидини тарбиялаш, уларнинг дунёкарошини шаклантиришга ёрдам беради.

Муסיқа фанлари куйлаш, дирижёрлик, муסיқа чолғуси, мақтаб репертуари каби фанлар орқали фақатгина ижрочи – муסיкачини тайёрлабгина колмай, балки ўзбек халқ чолғулари, куй ва кўшиқлари, жаҳон муסיқа маданияти дурдоналари хақида маълумот беради. Ўзбекистонимизга бағишлаб яратилган янги асарлар орқали ёшларимизни миллий гоя ва миллий истиқлол руҳида тарбиялашимизга хизмат қилади. Ватан туйғуси қалбимизга сингдирилиб муסיқа хақидаги билимларимизни олишга хизмат қилади ва педагогик технологик интерфаол услублар орқали, моҳир педагогни тарбиялашга кўмаклашади.

Психология, педагогика фанлари хозирги пайтда жамият олдида турган вазифалар, умумтаълим мақтабларни ва ўқитувчилар олдида қуйилаётган талаблар, ўқув – тарбиявий жараён **конуниятлари ва шакллари**, ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятлари, мақтабда муסיкий **тарбиянинг мақсад ва вазифалари**, унинг тузилишини аниқлашга ёрдам беради. Муסיқа ўқитиш методикаси муסיқа ўқитувчисининг касбий муסיкий педагогик тайёрлигини яқунлайди.

Муסיқа фанларининг асосий мазмунини тингловчилар маърузалар курсида ўзлаштиради, муаммоли, ноанъановий дарсларни тингловчиларнинг онги, ижодий фаоллигини, диккат ва кизикишни рағбатлантирувчи янги шаклларни кўллаш тавсия этилади.

Ушбу соҳада ҳам катта ўзгаришлар рўй бермоқда. «Та'лим тўғрисидаги» қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» сифат кўрсаткичи босқичига кирди. Республикамизда таълимни замон талабига кўтариш маънавий бой, ахлоқий пок ва жисмонан бақувват бўлган ёшларни тарбиялаш амалга оширила бошланди. Ва бу соҳадаги амалга оширилаётган ислохотлар натижасида талаба - ўқувчиларнинг таълим ва тарбия олишларига кенг имкониятлар яратиб берилмоқда. Таълим мазмуни фан ва ишлаб чиқариш талабларига мос келиши зарурлигини тақозо қилади. Кейинги йилларда таълим ва барча соҳаларни юқори даражага кўтариш борасида кўпгина қарор ва фармойишлар чиқарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил яқунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак», «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси каби меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Унда таълим мазмуни янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, бир қанча фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш, фан ва ишлаб чиқариш талабларига мос келиши жамият маданий ҳаётининг барқарорлашувини таъминлайди, унинг сара кадрларга бўлган эҳтиёжини қондиради. Буларнинг барчаси пировард натижада, жамиятнинг асосий муаммоларини ечишга кўмаклашади. Давлат таълим стандарти, ўқув дастури, янги авлод дарсликларини яратилиши, ҳамда маданий ривожланишини юқори босқичларга кўтариш, жаҳон ҳамжамияти сафидан муносиб ўрин эгаллашга йўналтирилган эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади.

Олий таълим муассасаларида муסיқий фанларни ўқитишда қўлланиладиган шакл, метод ва воситалар.

Ўқув-тарбиявий жараённинг тузилишини умумлаштириш. **Муסיқа ўқитиш методикаси** - бу педагогиканинг бир қисми ҳисобланиб, педагогика фани сифатида тажрибада синалган ишларни назарий қисмларини *-усул, услуб, воситаларини умумлаштириб, амалиётда самарали натижалар берган ўқитиш методларини тақдим этади.* Ушбу методлар Ўқув-тарбиявий жараённинг тузилишини умумлаштириб, унга қирувчи алоҳида ва бир бутун вазифаларни ҳал этиш билан шуғулланади.

Муסיқанинг ўқитиш методлари - мактаб болаларининг билим, маҳорат ва малакаларини эгаллашда, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ва дунёқарашини таркиб топтиришда муסיқа раҳбариларнинг қўллаган иш усуллари тушунилади.

Восита-Бирор мақсадга эришиш ёки бирор ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб хизмат қиладиган ва фойдаланиладиган нарса. Ахборот воситалари. Техника воситалари. (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.Ўз. илмий энциклопедияси.2006)

Шакл- кўриниш расм. Нарсанинг ташқи кўриниши. Сиртқи қиёфаси. ифодаси.

Методика асосан, педагогика, психология, эстетика ва санъатшуносликнинг тадқиқот натижаларига асосланади. У муסיқа ўқитишнинг қонун-қоидаларини таърифлаб беради, келажак ёш авлодни тарбиялашда қўлланадиган замонавий методларни белгилайди. Методика, таълим-тарбия жараёнида муסיқа ўқитувчисини ўқувчилар билан ишлаш усуллари, мазмунини аниқлатади. Муסיқа ўқитиш методикаси муסיқа ўқитувчисидан истеъдод, қобилиятлар ва иштиёқлар мавжуд бўлишини талаб этади, чунки, санъат педагогикаси машаққатли ва жуда масъулиятли соҳадир. Муסיқани ўқитиш методикаси, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, муסיқа дарсларининг ташкил этиш усуллари ва йўллари ўргатади.

Ҳозирги кунда муסיқа ўқитиш методикаси бирданига келиб шаклланган фан эмас, балки бунга қадар мазкур фанни шаклланиши ижодий ва мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтган. Республикамизда муסיқа ўқитиш методикасини шакллантиришда маҳаллий олимлар, методистлар, тажрибали муסיқа ўқитувчиларининг қатор изланишлари, ўқув қўлланмаларининг аҳамияти катта бўлади. Педагогиканинг методика соҳасидаги сўнгги ютуқлари талабаларни педагогика фаолиятига тайёрлаш, уларни методик билим ва маҳоратлар билан қуроллантириш, муסיқа ўқитиш методикасини бу мақсадга эришиш учун амалий машғулотлар мобайнида узоқ меҳнат қилишни талаб этади.

Демак, муסיқа ўқитиш методикаси талабаларнинг муסיқа санъатига ўргатишнинг мазмуни, вазифалари, методларини ўргатувчи ва ўқув жараёнларини ташиқил этувчи шакл ва йўлларини тадбиқ этувчи фандир. Муסיқа ўқитиш методикаси вазифаларини амалга оширишда, муסיқа ўқитишнинг қатор методлари билан биргалиқда, педагогиканинг амалий йўналишини унумли методлар эгаллаб, муסיқа машғулотларида қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

2. Ўқитиш фаолиятидаги методлар.

Муסיқа ўқитиш методикаси вазифаларини амалга оширишда, муסיқа машғулотларида ўқитишнинг унумли методларидан унумли фойдаланишга боғлиқ. Етук олимларимизнинг тадқиқотларида мактаб муסיқа ўқитувчисининг шахсияти ва унга бўлган касбий талаблар ва болалар муносабатини, хусусий методлардан фойдаланиш жараёнида ҳал қилиш лозимлигини илмий асосда таърифлаб берганлар. Унумли метод - бирор бир фаннинг амалий ва ижодий ишлари мазмунини ва мавзусини кенг ёритиб бериш ва мустаҳкамлашда, муסיқа ўқитувчиси ва ўқувчи фаолиятида ўзаро алоқадорлигини ва болаларни билиш жараёнида изланишга ундовчи методдир. Унумли методлар ўқитиш фаолияти ва мақсадига қараб тўртга бўлинади:

1. Дарсларнинг муסיқий умумлаштирувчи методи.

2. Ўтилажак дарсларга олдиндан «югуриб», боғлаб ўтиш ва илгари ўтилганларга қайтиш методи.

3. Дарслар мазмунининг эмоционал драматургияси методи.

4. Дарсларнинг педагогик жиҳатдан кузатилиши ва билимларнинг баҳоланиши методи.

Энди ҳар бир методни алоҳида кўриб чиқамиз.

1. Дарсларни муסיқий умумлаштирувчи методи етакчи методлардан бири бўлиб, болаларни муסיқа идроки, мантиқий бадий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга қаратилгандир:

а) Муסיқа ўқитувчиси дарсларда ҳал қилиниши лозим бўлган конкрет вазифаларни вужудга келтиради;

б) Муסיқа ўқитувчиси ва ўқувчи ўзаро ҳамкорликда масалани ечади;

в) ўқувчилар томонидан якуний хулосалар чиқарилади.

2. Олдинга «югуриб ўтиш», яъни илгари ўтилган материалдан фойдаланиб, ўқувчиларни янги материал ўзлаштиришга тайёрлигини синаб кўриш ва бунда олдин эгаллаган билимларга суяниш учун фойдаланилади.

3. Эмоционал драматургия методи билан машғулотларнинг мантиқий яхлитлигига эришилади.

Бунда чорак мавзуси асосида машғулотлар режаси учун асарлар танланади. Танланган мавзулар ҳам мақсадга мувофиқ бўлиб, бошланиши ва якунланишига боғлиқдир. Муסיқа ўқитувчиси дарсларни ижрочилик маҳорати, сўз усталиги билан қизиқарли қилиб ўтиши керак ва болаларни машғулотларга фаол қизиқтириб, машғулотларнинг эмоционал драматургияси, яъни авжига эришиши лозим.

Муסיқа маданияти ўқитувчиси мактабда муסיқа дарсларидан ташқари концертлар, бадий кечалар, учрашувлар ўтказиши талаб этилади.

Дарсларни педагогик кузатилиши ва билимларни баҳолаш мақсадга қараб бир неча турларга бўлинади:

а) Ўқувчиларни билиш фаолиятини ташкил этувчи ва амалга оширувчи тури.

б) Билим фаолиятини рағбатлантириш ва танбеҳлаш талабларини қўйиш.

в) Ўқиш, билиш фаолиятини самарадорлигини бошқариш ва назорат қилиш. Баҳолашда шундай эҳтиёткор бўлиш керакки, ўқувчиларнинг кайфияти тушиб кетмасин, машғулотларга, қўшиқ куйлашга қизиқиши сўнмасин. Рағбатлантиришда эса аксинча. Муסיқа ўқитувчиси ва ўқувчи муносабатлари меъёрдан чиқиб кетмаслиги керак. Балки, рағбатлантириш, гуруҳда бошқа ўқувчиларга намуна бўлиб хизмат қилсин ва улар одобли, ақилли бўлишга интилсинлар.

Шундай қилиб, муסיқа ўқитишнинг хусусий методларидан ташқари бошқа турлари ҳам мавжуд:

1. Муסיқа ўқитишнинг оғзаки методлари.

2. Кўргазмали ўқитиш методлари.

3. Амалий ўқитиш методлари.

4. Ўйин методлари.

5. Такқослаш методлари.

6. Муסיқий ўқуви, муסיқий эшитиш қобилияти бўш бўлган болалар билан ишлаш методлари.

1. Муסיқа ўқитишнинг оғзаки методлари.

Муסיқа дарсларида муסיқа ўқитувчисининг сўз маҳоратига алоҳида талаб қўйилади. Муסיқа ўқитувчиси ўзининг асар ҳақидаги бадий кириш сўзи билан ўқувчиларни ажойиб ва сеҳрли муסיқа оламига олиб киради ҳамда қизиқарли *ҳикоя ёки суҳбат йўли* билан ўқувчилар диққатини жалб қилиб, муסיқани бадий идрок этишларига эришади.

Ҳикоя - бу муסיқа ўқитувчисининг муסיқа асари ҳақида жонли, эмоционал ёрқин баёни. Ҳикоя қисқа, образли, **жонли, қизиқарли бўлиб, унинг мақсади ўқувчиларни асарни бадий идрок этишга ўргатиш.**

Сухбат - муסיқа ўқитувчилари ва ўқувчилар орасидаги диалог шаклидаги фаолиятидан иборат бўлиб, болаларни мустақил фикрлашга ундайди. Уларнинг нутқини ўстиради, фикрий фаолиятини кучайтиради, билиш қобилиятини фаоллаштиради **ҳамда дунёқарашини кенгайтиради.**

Тушунтириш-илмий исботлаш методи сифатида муסיқа машғулотида қўлланилади. Бу асосан, муסיқа саводи фаолиятида қўлланилади.

2. Кўргазмали ўқитиш методлари.

Маълумки, муסיқа ҳаракатланувчи куй ва гармоник товушларидан иборат бўлган санъатдир. Уни фақат эшитиш органи орқали тинглаб идрок этиш мумкин. Кўргазмали ўқитишни эса, нота ёзувларини, плакатлар, расмлар, муסיқа раҳбарининг сўзи, дирижёрлик ифодалари, рақс ҳаракатлари, болалар чолғу асбоблари, муסיқани жонли ва аниқ ижроси, техник воситаларидан фойдаланилади. Демак, муסיқанинг жонли янграши машғулотларда асосий кўргазма бўлиб хизмат қилади. Муסיқа таълимидаги кўргазмалилик турлари:

1. Табиий кўргазмалар (табиатдан олинган).
2. График кўргазмали қўлланмалар (чизма, схема, жадваллар).
3. Тасвирий кўргазмалар (суратлар, фотосурат, видеофильмлар).
4. Муайян белгиларни ифодалайдиган рамзий кўргазмалар.
5. Эшиттиришга доир кўргазмалар (компьютернинг эшиттириш мосламалари СД, ВСД, ДВД дисклар ва ҳ.).

Муסיқа таълимида иллюстрация методи асосан плакатлар, чолғу асбоблари, стенд, чизмалар, композиторларнинг суратлари, жадваллар кабиларни кўрсатишни ўз ичига олса; намойиш этиш методларига асл ҳолидаги табиий объектларни кўрсатиш, машғулотлар жараёнида эса техник намойиш, яъни замонавий компьютер, ахборот коммуникация тармоқлари ёрдамида, компакт диск электрон китобларидаги мавзуларни экранда ёритиш, мавзуга оид кино ва диафильмлар, аудио ва видеоматериаллар киради.

3. Амалий ўқитиш методлари. Амалий методлар воситасида ўқувчилар вокал-хор малакаларини, муסיқанинг тузилиши ҳамда ифода воситаларини таҳлил этиш, унинг жанр ва шакллари аниқлаш ва нота ёзувини ўрганиш малака-кўникмаларининг **шакллантириши** учун фойдаланилади. Амалий

методлар, вокал-хор малакаларини ривожлантиришда муҳим восита бўлиб ҳисобланади.

4. Ўйин методи - асосан бошланғич гуруҳларда кўпроқ яхши натижа беради. Янги дастур асосида яратилаётган қўлланма ва дарсликларда ўйин ва унинг элементлари кенг жорий этилади. Бошланғич гуруҳ болалари серҳаракат ва ўйинга мойил бўладилар. Дарсларда қўлланиладиган муסיқали ўйинлар болаларнинг муסיқий ўқувини ўстиради, муסיқий қобилиятини ривожлантиради, хотирасини мустаҳкамлайди ва муסיқа машғулотларига кизиқиш ўйғотади.

5. Таққослаш методи. Муסיқа машғулотлари жараёнида таққослаш методи кенг қўлланилади. У вокал-хор ишларида муסיқа раҳбари, болалар ва аудиоёзувдаги ижроларини таққослашда муסיқа асарининг таҳлили ва жанрларини белгилашда кенг қўлланилади. Масалан, ракс, марш, жанрларининг темпларини, турли чолғулардаги ижролар фарқини аниқлашда фойдаланилади.

6. Муסיқа ўқуви, муסיқий эшитиш қобилияти бўш бўлган болалар билан ишлаш методи. Муסיқа ўқуви бўш бўлган ўқувчилар билан машғулотлар жараёнида дифференциал гуруҳларга бўлиб ва машғулотлардан кейин вақт ажратиб, якка (индивидуал) тарзда иш олиб борилади. Дифференциал гуруҳ -деганда болаларнинг муסיқий қобилияти, ўқуви ва овозига қараб табақалаштириш ёки гуруҳларга бўлиш тушунилади.

1-гуруҳга овози жарангли, яхши муסיқий қобилиятга эга бўлган болалар киради.

2-гуруҳга овози, муסיқий қобилияти ўртача бўлган, яъни муסיқа раҳбарининг овозига эргашиб, таяниб куйлайдиган болалар киради.

3-гуруҳга эса овози унча яхши бўлмаган, муסיқий қобилияти бўш бўлган болалар киради

Муסיқа машғулотлари жараёнида бу болаларни қуйидаги тартибда ўтказиш керак: биринчи қаторга муסיқа ўқитувчисининг овозига таяниб куйлайдиганлар, иккинчи қаторга муסיқий ўқуви бўш, яхши муסיқий қобилиятга эга бўлмаган ўқувчилар, учинчи қаторга қобилиятли, овози жарангдор бўлган ўқувчилар ўтирадилар. Бунда иккинчи қатордаги ўқувчилар муסיқа оҳангларини атрофдагилардан эшитиб уларнинг овозларига эргашиб, чиройли, тўғри куйлашга ҳаракат қиладилар.

Шу услуб билан ўқувчиларни муסיқий ўқувини ўстириш мумкин. Баъзи муסיқий ўқуви бўш бўлган болалар билан, машғулотлардан кейин алоҳида,

якка тартибда шуғулланиб, топшириқлар берилади ва овозлари созланиб, кўшиқлар алоҳида ўргатилади. Шу тариқа, ўқувчиларда муסיқага қизиқиш, кўшиқ куйлаш, муסיқа тинглаш иштиёқи, муסיқий қобилият, муסיқий ўқув, кўшиқ куйлаш малакалари ҳосил бўлади.

7. Муסיқа билан таъсир кўрсатиш методи. Бу метод муסיқа тинглаш фаолиятида қўлланилади. Болалар муסיқани турлича тушунадилар. Масалан, П.И.Чайковскийнинг "Турғай" кўйини тинглаб, уни номини билмай туриб, турлича фикр юритадилар. Айримлари табиат манзарасига, бошқалари қушни куйлашини, қолганлари эса бошқача характер ҳис этиб айтадилар. Яна бошқаларида эса яхши кайфият туғилади. Шунинг учун муסיқа ўқитувчиси ўқувчиларга асарни тушунтириб беради. Ўқувчилар диққатини муסיқанинг *ифода воситаларига* қаратади.

Улар куйловчи қуш образини яратадилар. Бу муסיқа билан таъсир қилиш методидир. Болаларнинг муסיқага қизиқиш, муסיқа тинглашда таққослашга ўрганиш, куйлашда, рақсда, турли чолғулар ижросида ўргатилади. Муסיқа ўқитувчиси ушбу фаолиятларни кетма-кет олиб борганда аниқ мақсадга эришилади.

Муסיқа ўқитиш методикаси фанининг мақсади таълим мақсадидан келиб чиқиб, муסיқа маданияти ўқитувчисини дарс (машғулот) бериш жараёнига назарий ва амалий тайёрлаш. Бу мақсад қуйидаги вазифаларни ҳал этишни кўзда тутади.

- 1. Мактабда муסיқа таълимини ва тарбиясини мазмунини ташкил қилишнинг турли *шакл ва методлари* ҳақида асосий маълумотлар бериш.**
- 2. Муסיқа таълими ва тарбияси соҳасидаги илғор тажрибаларни умумлаштириш.**
- 3. Муסיқа таълими ва тарбияси жараёнида педагогик амалиёт бўйича методик адабиётларни мустақил ўрганишга тайёрлаш.**
- 4. Муסיқа асосларининг бадиий педагогик таҳлили методикаси асосини билиш.**
- 5. Илмий тадқиқот ишлари масалаларини ҳамда болаларни муסיқа воситасида ўқитиш ва тарбиялаш масалаларига тўғри ёндашувни шакллантириш.**

Муסיқа ўқитиш методикаси муסיқа ўқитувчисининг муסיқа таълими касбини мукамал билгувчи муסיқачи педагогни тайёрлайди.

Муסיқа ўқитиш методикасини ўзлаштиришда педагогика, психология, муסיқий педагогика тарихи, муסיқий таълимда инновацион технологиялар, муסיқий педагогика ва бошқа муסיқий, психологик ва педагогик фанларга асосланади.

Аждодларимиз баркамол инсонни вояга етказишда бадий эстетик тарбия воситалари, жумладан, муסיқа санъатининг аҳамиятини чуқур англаб, ёшларнинг ички дунёсини бойитишга, маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш ва камол топтиришга унинг таъсири жихатларига диққат-эътибор билан қарашган.

Аксарият кўпгина одамлар жиддий муסיқани тинглашмайди чунки уни тушунишмайди. Тушуниш учун эса тайёргарлик талаб этилади. Агар тайёргарлик кўрилмаса билим ҳам бўлмайди. Тинглашга ўргатиш кўшиқ ижро этишдан мураккабдир. (масалан: симфоник муסיқалар, опера ва бошқалар)

Ўқувчиларни муסיқадаги юксак бадийлигини таништириш лозим. Бундай асарлар ўқувчиларни дунёқарашини кенгайтиради ва муסיқий дидини тарбиялайди. Кўп сонли саводхон тингловчиларни тарбиялаш учун муסיқа шайдоларини болалигидан муסיқани тушунишга ва уни идрок қилишга ўргатиш лозимдир. **Муסיқани идрок қилиш – бу муסיқани тинглаш, тушуниш, ҳис этиш, таҳлил этиш, билиш демакдир.**

Аваламбор ўқувчиларни тинч ва бошидан охиригача асарни тинглашга ўргатишимиз керак. Ўқитувчи ўқувчиларга асарни тинглаш жараёнида нималарга эътибор бериш лозимлигини айтиб ўтиш керак. Ўқитувчи тинглаш давомида раҳбарлик қилиши лозимдир. Энг муҳими тингланаётган асар ўқувчилар ёшига мос ва эса қоладиган бўлиши лозимдир.

Ўқитувчи тингланаётган асар мазмуни орқали ахлоқий эстетик тарбия бериши лозим.

Муסיқа тинглашга ўргатишда ўқитувчи олдида қўйиладиган вазифалар:

Вазифалар- муסיқа санъатига ҳавас уйғотиш, муסיқа тинглаш ва **амалий воситалар** орқали қизиқтириш болаларда муסיқий эҳтиёжини кучайтириш, ўқувчиларда бадий таасуротларни тўплаб бориш. (савол жавоб, суҳбатлар орқали)

Бунинг учун:

1. Тингланаётган асарни оддий муסיқий педагогик таҳлил этиш.
2. Тинглашда оддий муסיқа терминларини ва атамаларини қўллаб бориш.
3. Куйнинг оддий тузилиши, унинг ифода воситаларини, ритмик тузилишларига қараб чапак чалиш ва куйлашга ўргатиш.

4. Муסיқа ижодкорлари, ижрочилар турлари чолғу асбоблари билан таништириш.

Шунингдек:

1. Муסיқий жанрларини билиш (ракс, балет, опера ва бошқалар)
2. Асарнинг тузилишини билиш (бандли, 2 қисмли ёки 3 қисмли)
3. Композиторларнинг ҳаёти ва ижодини билиш.
4. Муסיқий нутқни элементларини билиш (ҳарактери, темпи, динамикаси, муסיқий ифода воситалари ва бошқалар)
5. Муסיқий эстетик маълумотларини билиш. (тинглаш маданияти)

Ўқувчилар 1-синфдан оқ муסיқада мазмун борлигини у кишиларнинг ҳаётини акс эттиришини билишлари лозим. Шунингдек, муסיқада **шакл борлигини** билишлари керак. (мазмун - бу ифода этиш ёки тасвирлаш, **шакл - бу композиторни асар мазмунини ифода этишга боғлиқ**).

Ўқувчиларда муסיқа дидини тарбиялашда ўқитувчининг маҳорати муҳим роль ўйнайди.

Муסיқа тинглаш 4 босқичда олиб борилади.

1. Асарни тушуниш учун болалар диққатини жамлаш ва асар ҳақида ўқитувчининг кириш сўзи.

2. Ўқитувчи ижросида ёки аудио ёзувида муסיқий асарни тинглаш.

3. Асарни суҳбат йўли билан муסיқий бадиий жиҳатдан оддий таҳлил этиш ва чорак мавзусини ёритиш.

4. Асарни тўлиқ қайта тинглаш сўнг асар ҳақида болаларнинг умумий таасуротлари юзасидан якуний суҳбат ўтказиш.

Муסיқий фанларни ўқитишда педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш.

“Педагогик технология” тушунчаси юнонча “технос” - хунар “логос”-фан деган сўзлардан таркиб топади. Шунингдек “санъат”, “маҳоратни” талаб этади.

“Ахборот”- педагогик жараённи ташкил этиш ва бошқаришда, шунингдек мазкур жараён субъектлари ҳисобланган профессор –ўқитувчилар ва ўқувчи талабалар фаолиятини ташкил этиш ва уларни мувофиқлаштиришда, педагогик жараённи илмий асосда ташкил этиш ҳамда самарадорлигини оширишда ўзига хос, турли хил янгилик ларни ўз ичига олган маълумот ва хабарлардан иборат бўлиб, янги, ишончли ва зарур ахборотлар педагогик жараён субъектлари фаолиятини мувофиқлаштиришда ўзига хос аҳамият касб

этади. (С.Т.Турғунов ва б. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш техно-логиялари. “Сано-стандарт” н. Т.2012),

NIZOMIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA UNIVERSITETIDA TASHKIL ETILAYOTGAN TA'LIM – TARBIYA JARAYONIDA FOYDALANILAYOTGAN O`QITISH METODLARI

| № | ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ГУРУҲИ | № | МАЗКУР ГУРУҲГА МАНСУБ МЕТОДЛАР |
|-----------------------------|----------------------------|-----|---|
| Репродуктив методлар | | | |
| | | 1. | Маъруза методи |
| | | 2. | хикоя методи |
| | | 3. | Сухбат методи |
| 2. | Кўргазмали метод | 4. | Кўргазмали –тушунтириш методи |
| | | 5. | Кўргазмали –изланиш методи |
| 3. | Амалий метод | 6. | Амалий характердаги лаборатория методи |
| | | 7. | Изланиш характердаги амалий метод |
| | | 8. | Муаммоли амалий метод |
| Продуктив методлар | | | |
| 4. | Муаммоли методлар | 9. | Муаммоли маъруза методи |
| | | 10. | Муаммоли хикоя методи |
| | | 11. | Муаммоли сухбат методи |
| | | 12. | Қисман-изланишли муаммоли метод |
| | | 13. | Ижодий характердаги муаммоли метод |
| | | 14. | Ақлий хужум |
| | | 15. | Фикрлар тўқнашуви |
| 5. | Мунозара методи | 16. | Ўқув баҳси методи |
| | | 17. | Ўқув мунозаралари методи |
| | | 18. | Давра сухбати |
| 6. | Мустақил ишлаш методи | 19. | Дарслик устида мустақил ишлаш методи |
| | | 20. | Матн устида мустақил ишлаш методи |
| | | 21. | Қўшимча адабиётлар устида мустақил ишлаш методи |

| | | |
|---------------------|-----|--|
| | 22. | Кўргазма воситалари ёрдамида устида мустақил ишлаш методи |
| 7.Мантиқий методлар | 23. | Таҳлил методи |
| | 24. | Қиёслаш методи |
| | 25. | Синтезлаш методи |
| | 26. | Умумлаштириш методи |
| | 27. | Индукция методи |
| | 28. | Дедукция методи |
| | 29. | Умумлаштириш методи |
| | 30. | Хулосалаш методи |
| 8.Назорат методлари | 31. | Ўз-ўзини назорат қилиш методи |
| | 32. | Тестлар воситасида назорат қилиш методи |
| | 33. | Атамалар варағи воситасида назорат қилиш методи |
| | 34. | Компьютернинг назорат дастурлари воситасида назорат қилиш методи |
| | 35. | Дастурлаштирилган назорат дастурлари воситасида назорат қилиш методи |

NIZOMIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT PEDAGOGIKA
UNIVERSITETIDA TASHKIL ETILAYOTGAN TA'LIM – TARBIYA
JARAYONIDA FOYDALANILAYOTGAN PEDAGOGIK
TEKNOLOGIYALAR

| № | Локал даражада қўлланилаётган педагогик технологиялар | № | Хусусий методик даражада қўлланилаётган педагогик технологиялар |
|---|---|---|---|
| 1 | “Агар мен ... бўлсам” | | Дидактик ўйин технологияси |
| 2 | “Айланма хат” | 1 | Сюжетли ролли ўйинлар |
| 3 | “Анжуман” | 2 | Ижодий ўйин |
| 4 | “Бурчаклар стратегияси” | 3 | Конференция |
| 5 | “Ижодий лойиҳа” | 4 | Матбуот конференцияси |
| 6 | “Пинборд” | 5 | Ишбилармонлар ўйини |
| 7 | “3x4” | 6 | ўйин машқлар |
| 8 | “6x6” | | Ҳамкорликда ўқитиш технологияси |



| | | | |
|----|-----------------------|------------------------------|--|
| 9 | Инсерт | 7 | Командада ўқитиш |
| 10 | Кластер | 8 | Кичик гуруҳларда ўқитиш |
| 11 | “Имитацион ўйинлар” | 9 | “Зиг-заг” ёки “арра” |
| 12 | “Аквариум” | 10 | “Арра-2” |
| 13 | “Ақлий ҳужум” | 11 | Кичик гуруҳларда ижодий изланишларни ташкил этиш |
| 14 | “БББ” | Модулли таълим технологияси | |
| 15 | “Бумеранг” | 12 | Талабаларнинг индивидуал ишлашига мўлжалланган модул дастури |
| 16 | “Бир нуқта” | 13 | Икки талаба ҳамкорликда ишлашига мўлжалланган модул дастури |
| 17 | “Биргаликда ўйнаймиз” | 14 | Талабаларнинг кичик гуруҳларда ишлашига мўлжалланган модул дастури |
| 18 | “Блиц ўйини” | Лойиҳалаш технологияси | |
| 19 | “Венн диаг-раммаси” | 15 | Тадқиқот характеридаги лойиҳалар |
| 20 | “Галерия” | 16 | Ижодий характердаги лойиҳалар |
| 21 | “Дебатлар” | 17 | Сюжетли-ролли лойиҳалар |
| 22 | “Дельфин” | 18 | Амалий характердаги лойиҳалар |
| 23 | “Елпиғич” | 19 | Изланиш характеридаги лойиҳалар |
| 24 | “Занжир” | 20 | Мўлжал олишни таркиб топтирадиган лойиҳалар |
| 25 | “Атамалар занжири” | Муаммоли таълим технологияси | |
| 26 | “Концептуал харита” | 21 | Муаммоли маъруза |
| 27 | “Мозаика” | 22 | Муаммоли конференция |
| 28 | “Музёра” | 23 | Муаммоли давра суҳбати |
| 29 | “Резюме” | 24 | Эркин фикрлаш |
| 30 | “Скарабей” | 25 | “Фикрлар тўқнашуви” |
| 31 | “Тармоқлар” | | |
| 32 | “Тақдимот” | | |
| 33 | “ФСМУ” | | |
| 34 | “Чорраха” | | |

35

“Фикрга қарши-фикр”

?

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Метод ва муסיқанинг ўқитиш методлари қандай тушунилади?
2. Методика, таълим-тарбия жараёнида муסיқа ўқитувчисиини ўқувчилар билан ишлашнинг қандай мазмунини англатади?
3. Муסיқа ўқитиш методининг қандай турларини биласиз?
4. Муסיқа ўқитишнинг оғзаки методларига қандай шаклдаги фаолиятлар киради?
5. Амалий ўқитиш методлари қандай кўникмаларни шакллантиради?
6. Республикамизда муסיқа ўқитиш методикасини шакллантиришда қандай изланишлар аҳамияти бўлди?

Foydalanilgan adabiyotlar ro`uxati:

1. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии – М.: Педагогика, 1989.
2. Боголюбов В.И. Эволюция педагогических технологий // Школьные технологии. 2004. № 4.С.12-21.
3. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах/Учебное пособие// Под общей редакцией академика С.С.Гулямова. - Т.: ТГЭУ, 2005.
4. Голиш Л.В. Что нужно знать обучающему о современных технологиях обучения? // Экспериментальное учебно-методическое пособие. Ташкент: ИРССПО, 2002.
5. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Муסיқа таълими йўналиши бакалаврларини тайёрлашда мустақил таълимнинг аҳамияти // Мактаб ва ҳаёт. –Тошкент, 2004. -№ 1. -Б.18-20.

3-мавзу: Муסיқа фанларни ўқитишда хорижий мамлакатлар тажрибалари**Режа:**

- 1.Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда санъат орқали ҳаётни ўрганиш.
2. АҚШда муסיқа таълим тизими.
3. Англияда бошланғич мактаб ўқитувчиларини тайёрлайдиган коллежлар.
4. Болгариядаги оммавий ҳаваскорлик жамоалари.

5. Россия, Эстонияда муסיқа талими тизими.

Таянч тушунчалар: Релятив тизими, интеллектуал, корпорация, Тоник-соль-фа, тизими, эстетика, АҚШда муסיқа таълим тизими, Англия муסיқа таълим тизими, мелодика, металлофонлар столбница.

1.Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда санъат орқали ҳаётни ўрганиш.

Ҳар бир мамлакатнинг муסיқа тарбияси ғоявий-сиёсий жиҳатдан халқнинг ижтимоий тузумига хизмат қилади. Ҳар бир халқнинг маорифида муסיқа тарбияси методикаси педагогиканинг дидактик қонуниятларига ва шу миллатнинг муסיқа маданияти, тили ва маданий анъаналарига асосланади. Шу билан бирга муסיқа тарбиясининг тузилиши, тизими ва илмий-методик ютуқлари бошқа миллатнинг маърифий маданиятига ҳам ижобий таъсир этади.

Ягона ўқув режа ва дастурга- Хорижий мамлакатларда амал қилинмайди. Давлат мактаблари билан бирга шахсий мактаблар, коллежлар ва олий таълим даргоҳлари мавжуд бўлиб уларда турлича даражада эстетик тарбияни амалга оширишда ўқитувчига кенг ижодий эркинлик берилган.

Хорижий мамлакатларда ягона ўқув режа ва дастурга амал қилинмайди. Давлат мактаблари билан бирга шахсий мактаблар, коллежлар ва олий таълим даргоҳлари мавжуд бўлиб уларда турлича даражада эстетик тарбияни амалга оширишда ўқитувчига кенг ижодий эркинлик берилган. Ўқитувчи ўз давлатининг мактаб шароити, имкониятлари ва ўқувчиларнинг билим даражасига қараб дастурга ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Таълим ва тарбия жараёнида ўқувчиларда санъат орқали ҳаётни ўрганиш ва унга шахсий муносабат билдириш, ижодий муносабатда бўлиш малакаларини ривожлантиради. Муסיқа дарсларида юксак ривожланган техник воситаларидан кенг фойдаланилади. Ўқувчилар электро рганларда чалиб куйлайдилар, турли фаолиятларни (айтишув, ҳаракатлар, бир-бирига жўрнавозлик қилишларни) бажарадилар. Бунда асосан ўқувчиларда ижодий қобилиятни руёбга чиқаришдан иборат.

Юнеско қошидаги муסיқий тарбия халқаро жамияти ўз фаолиятини ривожлантирмоқда. Бу жамият ўз олдида долзарб ва эзгу мақсадларни қўйиб, бутун жаҳонда болалар ва усмирларни муסיқий тарбиялаш, бу жараённи ёш авлодни ахлоқий, интеллектуал ва эстетик жиҳатдан шакллантиришда қудратли восита сифатида ўрганади.

Бу ташкилот фаолиятининг асосий шаклларида бири халқаро миқёсида ўтказилаётган анжуманлар бўлиб, буларнинг ичида композиторлар, етакчи ташкилотлар, амалиётчи-педагоглар, болалар хор жамоаларининг раҳбарлари иштирок этадилар.

Анжуманлари икки йилда бир марта ўтказилиб, жаҳоннинг турли мамлакатларидаги муסיқий тарбия тажрибалари билан турли мамлакатлардаги муסיқий тарбия тажрибалари билан тула танишиш имконини беради.

Дунёнинг жуда кўп мамлакатларида болаларга муסיқий тарбияни бериш, хор санъати ёрдамида баркамол, мукамал ривожланган шахсни ривожлантиришида бой тажриба орттирилган. Қатор мамлакатларда мактаб ҳамда мактабдан ташқари ташкил топган ўқув жараёни, унинг шакл ва усуллари шубҳасиз катта қизиқиш ўйғотмоқда.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ёш авлодга муסיқий тарбия бериш ишлари умумдавлат аҳамиятига эга бўлиб, шахс шакллантиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Хор ижрочилиги элементларини ўз ичига олган муסיқий тарбиянинг замонавий хорижий услублари орасида куйида баён этилган йўналишлар бутун дунёда оммалашиб кетган.

Шунингдек, Толбухин шаҳри ва Болгариядаги "Бодра Смяна", хор жамоалари, Берлиндаги усмирлар хор жамоаси, Польшадаги "Познан булбуллари", Чехиянинг Борно шаҳри усмирлар саройи хор жамоалари ва бошқалар машҳур хор жамоалари қаторига киради. Лейпцигда ХИИИ асрда ташкил топган "Томанерхор" жамоасида гуруҳли куйлашнинг кўҳна анъаналари ривожланмақда. Жумладан, З.Кодай (Венгрия, сольфеджио, муסיқа ўқувини ривожлантириш). Л.Даниел ва Ф.Лиссек (Чехия "таянч"қўшиқлари, сольфеджио), Б.Тричков (Болгария, сольфеджио), Р.Мюнних (Германия, "ялен" тизими, сольфеджио, қўшиқчилик), К.Орф (Германия - Австрия, муסיқали ижод, метроритмик ўқувини ривожлантириш), Е.Жак-Далькроз (Швецария, муסיқали ижод), Т.Судзуки (Япония скрипка ижрочилигига ўргатиш орқали муסיқий малакаларни ривожлантириш), Дж.Кервен (Англия, "Тоник-соль-фа" тизими, сольфеджио), П.Ван Хауве (Голландия, муסיқали ижод), Д.Б.Кабалевский (Россия, муסיқа асарларини идрок этиш тажрибасини ривожлантириш).

2. АҚШда муסיқа таълим тизими.

АҚШда муסיқа таълими соҳаси бўйича аниқ бир тизим бўлмаганлиги, таълим муассасаларини турили хил шахслар, компаниялар бошқариши туфайли таълим тизимида нотурғунлик ва номутаносиблик мавжуд.

Муסיқа машғулотларининг ўтказиладиган вақти, шакли ва мазмунини педагоглар томонидан белгиланади. Мамлакатда мутахассис ўқитувчилар етишмаслиги, муסיқа машғулотларига махсус маълумотга эга бўлмаган, ёш композитор ва ижрочиларни жалб этиш эҳтиёжини туғдиради. Натижада, мактабларда ягона муסיқий ижро репертуари вужудга келади.

Ихтисослашган муסיқий таълим коллежлардан бошланади. Коллежларда ўқиш муддати тўрт йил бўлиб, талабалар кейинчалик ўқишни давом эттиришлари ва магистр унвонини олиш учун икки йил. Докторлик илмий даражасини олиш учун беш йил, жами етти йил ўқишлари керак бўлади.

Муסיқага ихтисослашган коллежларнинг уч хил йўналиши - ижрочилик, муסיқашунослик ва педагогик йўналишларда муסיқа ўқитувчилари тайёрланади.

Коллеждаги таълимдан кейин талабалар ўқишни университетларда давом эттиришлари мумкин. АҚШда XIX асрда консерваториялар ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда улар университетларга кўшиб юборилган. Бундан асосий кўзланган мақсад таълим сифатини яхшилаш, ёшларга муסיқий таълим билан бирга адабиёт, санъатнинг бошқа турларидан ҳам керакли билимларни бериш, уларнинг дунёқарашларини кенгайтиришдир.

3. Англияда бошланғич мактаб ўқитувчиларини тайёрлайдиган коллежлар.

Англия мактабларида буржуа мамлакатлари жумладан, АҚШ катори, ягона дастур ва услубиётнинг йўқлиги сабабли мамлакатдаги муסיқий тарбия ишларининг ахволи турли савиядадир.

Ижобий мисол тариқасида 1969-1970 йилларда Британия радио корпорациясининг радио орқали 6-7 ёшдаги болалар учун ташкил этилган 10 минутлик муסיқа эшиттиришларини келтириш мумкин.

Бу эшиттиришлардан кўзда тутилган мақсад - болаларнинг муסיқа чолғулари ижрочилигига хоҳишларини ўйғотиш бўлган: болалар радио эшиттириш жараёнида муסיқани ижро этишлари лозим бўлган. Кейинчалик бу дастурлар магнит тасмаларига ёзилиб, мактабларга, улардаги "муסיқа бурчак"ларига жўнатилган.

Ҳозирги кунда Англия мактабларида кўпроқ Дж. Кервен (1816-1880) томонидан ишлаб чиқилган релятив тизимига асосланган ўқитиш усуллари қўлланилмоқда.

Англияда бошланғич мактаб ўқитувчиларини ўрта махсус ўқув юртлари - икки ёки уч йиллик коллежлар тайёрлайди.

Миллий муסיқа, қироллик муסיқа коллежи ва ҳатто Қироллик муסיқа академиясини битирган муסיқачилар учун 1 йиллик махсус педагогик курслар

ташкил этилган. Ўрта мактаб муסיқа ўқитувчиларини университетларнинг муסיқа - педагогика факультетлари тайёрлайди. Уларда ўқиш муддати 4 йилни ташкил этади. Университетлар ўрта мактаб учун универсал муסיқа ўқитувчисини тайёрлашни ўз олдидларига мақсад қилиб қўйганки, ўқитувчи нафақат хор жамоасига раҳбарлик қилиши, шунингдек оркестрни бошқариш, муסיқа ва чолғу ансамблида машғулоти олиб бориш, болаларни муסיқий чолғуда ижро этишга ўргата билиши лозим¹.

Англияда бошланғич синфларда 5 ёшдан 11 ёшгача бўлган болалар ўқийдилар. Барча ўқув фанларини битта ўқитувчи олиб боради. Бошланғич мактабни битиргач, болалар гуманитар ёки техник йўналишга асосланган ўрта мактабларга ўтадилар. Буларда муסיқа таълимига кўпроқ эътибор берилади.

4. Болгариядаги оммавий ҳаваскорлик жамоалари.

Болгарияда муסיқа дарслари, ўқув режасига мувофиқ, мактабни биринчи синфидан тўққизинчи синфига қадар ўтказилади, 10 - 12 синфларда эса, ихтиёрий машғулоти тарзида, ҳафтада икки соатдан олиб борилади. Биринчи синфда муסיқа дарсига 1 «шартли» соатдан иборат, чунки биринчи синф тайёрлов синфи бўлиб, унда муסיқий эшитиб куйлайдилар ва рақсга тушадилар. 2-4 синфлардан эса муסיқа дарсларига икки соатдан ажратилади.

2-синфдан бошлаб ўқувчилар дарсда муסיқа саводини ва қўшиқ айтишни тизимли равишда ўргана бошлайдилар. Болгариядаги оммавий муסיқий тарбиянинг асоси - бу халқ қўшиқларидир.

6-синфдан бошлаб ўқувчилар асосий жанрлар ва Болгария муסיқа маданияти билан таниша борадилар. Болгар халқ муסיқаси ўзига хос усул, оҳанг ва бошқа хусусиятларга кўра ҳозирги замон ёшларининг муסיқа этиёжларини қондира олиш имкониятига эгадир. Болгарияда асосан диққат эътибор оммавий ҳаваскорлик жамоалари - фолклор ансамблларига қаратилган. Уларнинг фаолиятида халқ ижоди намуналари миллий ижрочилик услубига яқин кўринишларда намоён бўлади. Халқчиллик руҳида тарбиялашга хизмат қилаётган болалар ва ёшларнинг қўшиқ ва рақс халқ ансамбллари маънавий-ахлоқий тарбияси ва бадиий-эмоционал таъсирнинг воситаларидир.

Болгар халқ қўшиғининг бойлигини эгаллаш, унинг ўзига хос оҳанг куйларини ўзлаштириш, болаларда муסיқий тасаввур ҳамда ижро малакаларини эгаллашга кўмаклашади, миллий ҳамда жаҳон мумтоз муסיқа асарларининг гўзаллик ва бойликларини баҳолашга имкон беради. Болгария оммавий муסיқа таълимининг миллий услубиёти, унинг болаларда муסיқавий

¹ 6 *Music Education in England: A review by Darren Henley for the Department for Education and Department for Culture, Media and Sport, 7 February 2011.*

ижрочилик, ритмик қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган усуллари, муסיқий тарбиянинг дастлабки босқичида ўқувчининг бадиҳа ва бошқа ижодий ҳаракатларини рағбатлантиради.

Болгария муסיқа таълими тизимида нотасиз куйлашдан, нотага қараб куйлаш жараёнига ўтишда

1923 йилда Борис Тричков томонидан ишлаб чиқилган "столбица" (устун) методи кенг тарқалди. Оддий, оммабоп, кизиқарли бўлган "столбица" усули, айниқса, умумтаълим мактаб болалари билан ишлашда катта ёрдам бермоқда. Бу услуб асосан муסיқа саводи жараёнига кўл келди

Бироқ амалиётда - қўшиқ куйлаш, муסיқа тинглаш жараёнларида бу методдан фақат до мажор миқёсидагина фойдаланиш мумкин. Бошланғич синфларда муסיқа дарсини барча ўқув фанларидан машғулоти олиб борадиган педагоглар ўтказадилар.

Улар гимназияни битиргач, муаллимлар институтида таълим оладилар. Муаллимлар институтида ўқиш муддати уч йил.

5-8-синфларда ашула дарсини, икки ўқув фани (масалан, тил ва ашула) бўйича педагогика институтининг махсус факультетида таълим олган ўқитувчи ўтади.

9-12-синфларда эса, консерваториянинг муסיқий педагогика бўлимларининг битирувчилари олиб борадилар. Уларнинг ўқиш муддати 4 йил.

Ўқув дастурларида кўрсатганидек, муסיқа дарсини асосини гуруҳли куйлаш ва муסיқа чолғуларида ижро этиш ташкил этади. Дарсларда қўлланиладиган муסיқа чолғулари турли-тумандир: уриб чалинадиган чолғулар - болгар (миллий) ва мактаб ўқувчилари томонидан ясалган ҳаваскорлик чолғулари; металлофонлар, миллий пуфлаб чалинадиган (сурнайча, хуштак ва ҳоказо), фуруйлар (венгер халқ чолғуси); "мелодика" (аккордеонга ўхшаш катта бўлмаган чолғу). Бу чолғуларда ижро этиш унчалик қийинчилик туғдирмайди ва болаларни муסיқа дарсларига фаол жалб қилади.

Кўпчилик болгар ўқитувчилари муסיқий чолғуларни дарсларда кенг қўлланишига эҳтиёткороналик билан қарашмоқда. Уларнинг фикрларига кўра мазкур чолғуларни дарс жараёнига татбиқ этиш бошқа фаолият турларига кам эътибор берилишига сабаб бўлмоқда. 1970-йилларда қабул қилинган дастурга кўра муסיқа тинглаш жараёнига жуда кам соат ажратилган бўлиб, муסיқа дарсларининг асосий фаолиятлари - жамоа бўлиб куйлаш ва муסיқий чолғуларда ижро этишдир. Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатдики, мазкур дастур ўзини оқлай олди.

Мактабдаги ўқув жараёни дарсликлар ва ўқитувчиларга мўлжалланган услубий қўлланмалар билан таъминланган бўлиб, бу нарса, албатта, оммавий муסיқий тарбияни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди. 2-9-синфлар учун яратилган дарсликлар ўқувчи ва ўқитувчилар учун муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Бундан ташқари ўқитувчилар учун чиқарилган ўқув қўлланмалар нотага қараб куйлаш, методика масалалари, вокал-хор малакаларини шакллантиришга қаратилган бир қатор муаммолар ечимига қаратилган.

Болгарияда синфдан ташқари таълим масаларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, хор маданиятини ривижлантиришга София ўсмирлар саройининг - "Бодра смяна" болалар хор жамоаси ўзининг улкан хиссасини қўшди. Жамоа 1947 йилда ташкил топган бўлиб, у кўп йиллар давомида бу жамоага Болгария халқ артисти, профессор Бончо Бочев раҳбарлик қилган эди. Хор жамоаси таркибида 380 - аъзоси бўлиб, катта ва кичик ёшдаги болалар гуруҳлари, 100 кишилик концерт гуруҳидан иборат. Мазкур жамоа дастурига мураккаб кўповозли, турли жанр ва услубдаги асарлар кирган.

Болалар ва ўсмирлар ҳаваскор хор мактаб - студияси болалар хор жамоаларининг замонавий кўриниши сифатида ёш ижрочилар учун маълум касбий истиқболларини очиб беради. Шундай жамоанинг мунтазам концерт фаолияти, ҳаваскор хор жамоанинг хор мактабига айланишидаги муҳим шарт-шароитларидан биридир.

Юқорида тилга олинган жамоадан ташқари, Болгарияда бошқа жуда кўп болалар ва ўсмирлар хор мактаблари мавжуд. Ушбу мактабларда таълим олаётган ўқувчилар касбий хор жамоаларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Бундай хор жамоалари негизида - турли хил репертуарга эга бўлган камер, модрегал, катта концерт жамоалари шакл топиши мумкин. Б. Бочев "Бодра смяна" хор жамоасининг иш тажрибасини ҳар бир болалар хор жамоасига тадбиқ этиш мумкин.

Болалар ва ўсмирлар ҳаваскор хор мактабларини мустаҳкамлаш замон талабларига жавоб берадиган, мукамал ташкилий - ўқув шаклларини вужудга келтириш мумкин.


5. Россия, Эстония, муסיқа талими тизими.

Россияда муסיқа педагогикаси катта муваффақиятларга эришди ва жаҳон муסיқа жамоатчилигининг шрмат - эътиборига сазовор бўлди. Шу жумладан, таниқли композитор, педагог, муסיқа ва жамоат арбоби Д.Б.Кабалевский (1909-1982) ҳозирги замон муסיқий тарбиясига катта ҳисса қўшди.

Д.Б.Кабалевский ишлаб чиққан тарбия тизимида ички алоқалар бирлиги мезони асосий ўрин тутди. Унинг фикрича дарснинг таркибий муштараклиги

машғулотлар изчиллигининг асосини ташкил этиши керак. Бирлик мезони билан бир қаторда, дастурда, умумлаштириш қондасига ҳам муҳим ўрин ажратилган. Таъкидлаш лозимки, болалар билим эгаллашида "хусусийликдан умумийликка" формуласи "умумийликдан хусусийликка" қондаси билан алмаштирилган.

Д.Б.Кабалевский тизимининг асосида "уч кит" яъни қўшиқ, рақс, марш туради. Бу ишда оддий жанрлар болалар учун муסיқа ҳақида тушунчаларнинг шаклланишида биринчи кадамдир. муסיқий асар орқали яъни, қўшиқ, рақс, марш жанрида ёзилган асарларни эшитиб, уларни фарқлаш, аниқлаш, тинглаганда фаҳмлай олишини мақсад қилиб қўйган



Дми́трий Бори́сович Кабале́вский ([1904-1987](#))-[композитор](#), [дирижёр](#) и [пианист](#), [педагог](#). ([1963](#)). Меҳнат қаҳрамони ([1974](#)).

Кейинги босқичда ушбу тушунчалар чуқурлаштирилади, яъни рақссимон, маршсимон, қўшиқсимон асарлар болаларга эшиттирилиб, улар ҳақида эркин фикр юритиш малакалари ривожлантирилиши мақсад қилиб қўйилади.

Д.Б.Кабалевскийнинг ишлаб чиққан муסיқий ўқитиш тизими, муסיқий асарлар орқали ҳамма билим ва малакаларни болаларга тақдим этиш асосида тузилган. Шу билан бирга педагогиканинг муаммоли ўқитиш тизими Кабалевскийнинг тизимида асосий воситалардан бири бўлиб қолган. Яъни болалар ўзлари фикр юритиб муҳокама қилиб, ўқитувчининг раҳбарлигида маълум бир билим ва малакаларга эга бўлишлиги назарда тутилади.

Эстонияда муסיқа таълими. Эстониядаги муסיқа тарбия тизими кўшиқ байрамларининг кўп йиллик халқ анъаналари асосида шаклланди, ҳамда эстон халқининг юксак хор санъатини сақлаб қолишга интиланган муסיқа ўқитувчиларининг, муסיқачиларнинг улкан ташаббуслари ҳисобига ривожланиб борди. Ҳозирги замон муסיқий тарбиясининг илдизлари XIX асрга қараб ўтилган. Санкт-Петербург консерваториясида муסיқа таълимини олган биринчи эстон композиторлари болаларга берадиган муסיқий тарбиянинг зарурлигини ангадилар ва болалар учун хор пьесалари ҳамда кўшиқларини шунингдек, мактаблар учун кўплаб тўпламларни яратишга эътиборларини қаратдилар.

Эстония муסיқа ҳаётида кўшиқ байрамларини ўтказиш катта воқеадир. Бу байрамларни ўтказишдан олдин ҳар бир туманда кўшиқ кунлари ўтади. Биринчи оммавий кўшиқлар байрами 1869-йили Тарту шаҳрида ўтказилган. Бунда ҳамма воҳалардан эркаклар хор жамоалари (саккиз юз кишидан иборат) оммавий равишда қатнашиш учун тўпланадилар.

Ушбу байрам бугунги кунга этиб келган анъаналарга асос солди. Болалар хор жамоалари 1870-йилдан бошлаб (доимий равишда бўлмаса ҳам) кўшиқлар байрамида иштирок этмоқдалар. Кўшиқлар байрами биринчи кундан бошлаб, аҳолининг ҳамма қатламларини санъатга жалб этишга асосланган эди.

1947-йилдаги умумреспублика кўшиқ байрами 25000дан ошиқ қатнашчиларни йиғини ва умумхалқ оммавий байрамга айланди. 1947-йилдан бошлаб мактаб хор жамоалари ҳам ҳамма кўшиқ байрамларида иштирок эта бошлайдилар. Дастлаб, байрамларда мактаб болалар хор жамоалари, аралаш ва аёллар хор жамоалари шуниндек, дамли чолғулар жамоалари иштирок этдилар. 1960-йилдан бошлаб ўғил болалар хор жамоалари ҳам иштирок эта бошлайдилар. В.Лаул бошчилигидаги ўғил болалар кўшма хорини алоҳида кўрсатиш лозим.

1965-йили, биринчи марта республика ёш скрипкачилар ансамбли иштирок этиб, кўшиқ байрамини анъаналарига янгилик киритди. Мактаб хор жамоалари қатнашчиларининг сони ошиб бораётганлиги, шу муносабат билан кўшиқ байрамларини ташкил этишда пайдо бўлган қийинчиликларни ҳисобга олиб, умумреспублика кўшиқлар байрами орасида мактаб ўқувчилари хор жамоаларининг кўрикларини ўтказишга қарор қилинди. Биринчи шундай байрам 1962-йилнинг ёзида Таллин шаҳрида ўтказилди. Қатнашчиларнинг умумий сони 20000га яқин эди. Хор ишида энг муҳим ва қизиқарли шакллардан бири 1963-йилдан бошлаб ўтказилаётган ёзги кўшиқ оромгоҳларидир.

Икки соатлик кўшиқ машғулотлари болаларнинг кашфиётларига ижобий таъсир кўрсатади, спорт ва бошқа ўйинлар эса куннинг қолган вақтини

тўлдиради. Эстониядаги кўшиқлар байрамига тайёргарлик жараёнида семинар ва ёзги йиғилишлар ўтказилади. Семинарнинг алоҳида шакли-дирижёрларнинг республика кўшма хори бўлиб унинг таркибига 200дан ортиқ муסיқа ўқитувчилари ва хор дирижёрлари киради.

Бу хор жамоасини республиканинг энг яхши дирижёрлари, шу қаторда Густав Эмесакс, Юрий Варисте эди. Уларнинг хорни бошқариши мамлакат хормейстрларининг малакасини ошишига таъсир кўрсатади. Болалар ва ёшларнинг муסיқа маданиятини ривожланишига мактабдан ташқари муסיқий тарбия ҳам катта аҳамиятга эга.

1951-йили Ю.Варисте раҳбарлиги остида Таллиндаги ўсмирлар саройи қошида болалар хор жамоаси ташкил қилинди. Бугунги кунга келиб бу жамоа хор мактабига айланиб, ҳамма синф ўқувчиларини қамраб олган. Хор жамоаси битта асосий ва учта тайёрлов хор жамоаларидан иборат. 1964-йилдан бошлаб хор мактаби ўқувчилари нота ўқишнинг янги "Ё-ЛЕ-МИ" тизимига ўтди, янги репертуарни муваффақият билан эгаллаб, нотани жуда яхши ўқиб, муסיқа оҳанглари тўғри куйламоқ.

1964 йили республикада болалар муסיқа мактаблари ўқувчиларидан иборат ёш скрипкачилар ансамбли ташкил этилди.

Оркестр репертуарини болалар ўзининг турар жойларида ўрганадилар ва ҳар йили 3-4 марта концертлар учун репетицияга йиғиладилар. Оркестр катнашчиларининг ёши 7 дан 17 гачадир, яъни ўқишни бошлаётган ва уни тугатаётган ўқувчилар бир жамоага бирлашган. Оркестр концертлари доимо муваффақият билан ўтмоқда.

Ўсиб келаётган ёш авлодга муסיқа-хор тарбияси бериш ишига республикадаги энг яхши болалар хор жамоаларидан бири "Эллерхейне"нинг раҳбари Х.Калюстенинг ҳиссаси каттадир. Бу жамоадаги ижрочилик маданиятининг юқори савияда эканлиги - болалар билан яхши ташкил этилган ишнинг бевосита натижасидир.

Хор жамоасидаги машғулотлар натижалари фақат кўшиқ ижро этиш билан чегараланиб қолмаган. Хор жамоасида кўшиқ айтиш болаларнинг ҳис-туйғулари ва салоҳиятига кучли таъсир кўрсатади, уларнинг маънавий камолотига туртки бўлади. Муסיқа билан шуғулланиш болаларнинг бадиий билим даражасини кенгайтиради, уларнинг дунёни тасаввур қилишларига ёрдам беради. Шахсга бериладиган эстетик тарбиянинг муҳим таркибий қисмларидан ҳисобланган хор кўшиқчилигини буюк мазмуни ана шундадир.

Хориждаги муסיқий тарбия соҳасидаги салбий ҳолатлар, зиддиятлар, асосан, муסיқа ўқитувчиларнинг тайёрлаш жараёнида, шунингдек, умумтаълим мактабларда ягона ўқув режалари ва дастурларининг йўқлигида намоён бўлмоқда.

Жаҳон муסיқий тарбия тизими бугун изланишлар босқичидадир. Унда мавжуд бўлган турли мақсад ва вазифаларига қарамасдан муסיқий тарбиянинг умумий томонларини ҳам кўрсатиш мумкинки - унинг асосини ижодий ва асосан жамоавий (оммавий) муסיқа ижроси ташкил қилиш керак.

Болалар муסיқий тарбиянинг энг янги усуллари билан танишиш, тажриба алмашиш, учрашув, семинар, анжуманлар, болалар хор жамоалари кўрикларини ўтказиш ва бошқа чора- тадбирлар болалар муסיқа таълими ва тарбияси соҳасида жадал ривожланишга олиб боради.

Ҳозирда, консерватория ва муסיқа академияларининг Европа Ассоциацияси ва Умумжаҳон хор федерацияси ташкил қилинган. Ушбу халқаро ташкилотлар фаолиятида қатнашиш юртимизнинг муסיқа педагогикаси, муסיқий тарбия назарияси ва амалиётининг бундан кейинга ривожланиши ва мукаммаллашуви учун зарур бўлган илғор услубиётнинг эгаллашда муҳим ўрин тутди.

?

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Англияда болалар муסיқий тарбияси тизими қандай олиб борилади?
2. Болгарияда муסיқа дарслари қандай олиб борилади?
3. Россияда муסיқа талими тизими хақида нималар биласиз?
4. Педагог, муסיқа ва жамоат арбоби Д.Б.Кабалевский (1909-1982) ҳозирги замон муסיқий тарбиясида қандай тизим яратади?
- 5 Эстониядаги болалар муסיқий тарбияси тизими қандай олиб борилади?
6. Хорижий мамлакатларда муסיқа дастурлари қандай тузилади ва эстетик тарбияни амалга оширишда ўқитувчига қандай эркинлик берилган?

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Муסיқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. Методик қўлланма. -Т.: ТДПУ, 2006. - 46 б.
2. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А. Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим интеграцияси. Методик қўлланма.-Т.: Низомий номидаги ТДПУ. 2006. -47б.
3. R.J. Ishmuhammedov Innovatsion texnologiyalar yordamida ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari.T.2000 yil.
4. Епишева О.Б. Основные параметры технологии обучения // Школьные технологии, 2004. № 4.

5. Кушнир А.М. Методический плюрализм // Школьные технологии, 2004. № 4. С.3-11.

4-мавзу: Муסיқа таълими фанларини ўқитишда инновацион технологиялар асосида маъруза, семинар ва амалий машғулотларини лойиҳалаш

Режа:

1. Такдимот материалларни тайёрлаш.
2. Электрон ўқув қўлланмасидан фойдаланиш.

Таянч тушунчалар: педагогик фаолият, лойиҳалаш, маъруза, семинар, Power Поинт, Ариал, Вердана, методологик талаб, мантиқий яхлитлик, амалиётга боғлаш, табақалаш, ўқувчиларнинг ёшига хос хусусиятлари.

1. Такдимот материалларни тайёрлаш.

Power Поинт маъруза такдимотида Power Поинт маърузани тетиклаштирувчи жуда самарали восита бўлиши мумкин. Графикалар, фотосуръатлар, жадваллар, графалар, аудио ва видео клипларни такдим этиш ва веб сайтларни кўрсатиш осондир. Тўғри фойдаланилса, бу қизиқишни пайдо қилиши ва бой ва кенг маълумот олишни таъминлаши мумкин.

Бахтга қарши, Power Поинт такдимотлари кўп ҳолларда бу хусусиятни жалб этмайди ва маърузачи эски йўлларда ўрганиб қолган кўп сонли зерикарли слайдларни варақлаш билан тугайди. Бу слайдлар ҳеч қандай муаммо бўлмаслиги керак; бу фикрлар фойдали бошлаш нуктаси бўлиши мумкин, агарда қўшимча маълумот ва иллюстрациядан фойдаланилган бўлса. Асосий фикрлар бошқа материаллар билан бойитилган слайдлар ҳайратланарди даражада яхши ишлаши мумкин. Бироқ фақат асосий фикр кўрсатилган слайдлардан вақтга мос келмайдиган даражада кўп миқдорда фойдаланиш, талаба қизиқишини секинлаштиради. Бу янада кучаяди, агар маърузачи бу гапларни ўқиш учун қўшимча вақт сарфласа. Нима маърузачига талабалар ўзи ўқиб олмасдан ўрганишига ёрдам беради? Бундан ташқари Свеллер (2007) мия фаолиятида олиб борган изланишларидан шуни хулоса қилдики, такдимотда кўрсатилган сўзларни ўқиб бериш билимни қабул қилиш даражасини пасайтиради. Шу сабабли, у шундай деб айтган (тхэ Тимес? 18-апрель 2007 йил), PowerПоинт бу ҳалокатдир ва ишдан чиқиши керак. Бироқ бу танқид асосли бўларди, агар жуда кам ҳолларда тўғри бўлган слайддаги матн шунчаки ўқиб берилса.

PowerПоинтдан маърузада самарали фойдаланиш:

- Слайдлар сонини минимумга тушуриш. Слайдлардан тақдимотни кучайтириш ва бойитиш учун фойдаланиш; агар слайдлар кўшимча ҳеч нарса бермаса, уни кўшманг;
- Дикқатни бузувчи қийинлаштирилган орқа фондан фойдаланманг. Матн ва фон ўртасидаги ранглар мувозанатини сақланг
- Жуда мураккаб графалардан фойдаланманг
- Ариал ва Вердана каби сенсериф шрифтларидан фойдаланиш
- Асосий фикрни намоеън этиш учун фақат слайдли маърузалардан қочинг;
- Агар ёрдам берса, мураккаб ғояларнинг график ҳолда тушунтиришни куриш учун PowerPointда анимациядан фойдаланишни инобатга олинг.
- Рақамлашган суръатлардан, овоз ёки видео материаллардан тақдимот ичида мос бўлса фойдаланиш ва ҳисобга олинг;
- Материал бўйича ўрганишга имкон берувчи актив тугмалар ёки гиперссылкалардан фойдаланиш. Савол-жавоб слайдлари да биргина тугмани босиш билан бошқа слайдга этиш ва яна қайтиб шу слайдга олиб келиш учун айниқса самаралидир.

PowerPoint ва матнлар

Ҳозирда талабалар маърузачилардан дарс вақтидаги тақдимот нусхасини муссава веб сайти ёки ВЎМ (Вертуал ўрганиш муҳити орқали беришларини сўрашади. Бу ҳолат маърузачилар томонидан талабалар қоралама матнлар ёки электрон тарзда келмаган дарсларининг ўрнини тўлдириш учун ишлатишади деб тушунилади. Ҳақиқат эса шундаки, агар маърузага қатнашиш уларга PowerPoint усидан ҳеч қандай кўшимча бермаса, ҳақиқатдан ҳам шундай деб ўйлашади. Умумлаштириш ва қизиқишни кўтариш ва талаба қатнашуви каби томонлар маъруза сифатини оширади. Маърузачи талабаларга шунчаки матнни олиш улар билим савиясини оширмаслигини тушунтириши ва уларнинг маъруза ўқишга имкон бериш жуда муҳимдир.

Янги маърузачи учун ҳар хил гуруҳ талабаларига маъруза ўқиш учун жуда муҳим тажриба бўлиб ҳисобланади. Материални шунчаки билиш етарли эмас. Маърузачи маърузани қизиқарли ва эътиборни тортадиган қилиб, яхши тайёргарлик кўриши ва мос ва мавзули мисоллардан фойдаланиб мавзунини тушунтира олиши зарур. Маърузани тўғри ўтиш маҳорат ва вақт талаб қилади. Талаба ва ҳамкасблардан маъруза тўғрисида фикрларини сўраш маъруза ўқиш

сифатини кўрсатиш учун муҳим омил ҳисобланади ва Сиз ўз амалиётингизни кучайтиришни хоҳлашингиз мумкин².

Маълумки, узлуксиз таълим тизимининг барча турларида фундаментал билимлардан иборат бўлган умумтаълим фанлар бўйича ўқув адабиётлари, асосан, анъанавий босма шаклда тайёрланади. Ҳозирги замонавий ўқув дарсликлари уларнинг электрон вариантлари ҳамда зарур бўлган дастурларнинг дисклари билан илова қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида машғулотларни замонавий электрон техник воситалардан унумли фойдаланиб ташкил қилишга қулай бўлмоқда.

Бугунги кунда электрон ўқув адабиётларининг тўртта кўриниши мавжуд:

1. Ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклида.
2. Ўқув материаллари икки ўлчамли график шаклида.
3. Мультимедиа (кўп ахборотли) қўлланмалар, яъни уч ўлчамли график, кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал шаклида.
4. Тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, ўқувчини «экран олами» да стерео нусхаси тасвирланган ҳақиқий оламга кириши ва ундаги объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади [9].

Бундай электрон ўқув адабиётларини яратишдан асосий мақсад куйидагилардан иборат:

1. Янги ахборот-таълим методини шакллантириш, замонавий ахборот ва компьютер технологияларни қўллаш орқали таълим жараёнининг самарадорлигини, яъни сифати ва унумдорлигини ошириш;
2. Узлуксиз таълим тизимида замонавий ўқув манбалари – электрон ўқув дарсликларини кенг қўллаш ва электрон кутубхоналарни ташкил этиш, таълимнинг масофадан ўқитиш усулларни амалда жорий этиш ва умумжаҳон электрон ўқув тизимига кириш.

Юқоридаги фикрлар асосида олдинги параграфларда қайд этилган техник чизмачиликфанидан қийин ўзлаштириладиган мавзуларни компьютер технологияларидан фойдаланиб ўқитиш бўйича электрон қўлланма яратиш орқали тадқиқотимиз мақсади амалга оширилди. Электрон қўлланманинг мазмуни мутахассис олимларнинг тадқиқотлари (А.Абдуқодиров, У.Юлдашев, Н.Тайлоқов ва бошқалар) натижаларига таянган ҳолда, чизмачилик таълими муаммолари ва уни бартараф этиш йўллари асосланиб ишлаб чиқилди.

² A Handbook for Teaching and Learning in Higher Education, published 2009 by Routledge 270 Madison Ave, New York, NY 10016, chapter V: Lecturing to large groups, Ann Morton, 59-71p.

Электрон қўлланма қўйидаги талабларга риоя қилинган ҳолда яратилди:
Методологик талаб – қўлланма матнидан унинг иллюстрациясигача бўлган барча ўқув материаллари фан мазмунига мувофиқ тузилди.

Мантиқий яхлитлик – қўлланмада мавзулар мазмуни муайян тизим шаклида тугалланиб, ҳар бир мавзу битта машғулоти учун мўлжалланди.

Амалиётга боғлаш – ҳар бир тушунча, қоида ва чизмалар илмий ва амалий асосланиб, уларни амалиётда қайси соҳаларда кўпроқ қўлланилиши ҳақида маълумотлар билан бойитилди.

Табақалаш – ўқувчилар салоҳиятини ва қизиқишдаги муқаррар тафовутларни назарда тутиб, матнни бир неча даражада табақалаб берилди. (Бунинг учун майда ҳарф, қуюқ ва рангли ёзув сингари усуллар қўлланилган)

Ўқувчиларнинг ёшига хос хусусиятларини назарда тутиш – матн ҳам, кўрсатмалар ҳам ўқув фанига хос мазмунда бўлиб, улар ўқувчи тафаккурини зўриқтирмасдан, педагогик, психологик ва физиологик меъёрларга риоя қилинган ҳолда тузилди.

3-кўринишдаги электрон қўлланмалар мультимедиа маҳсулоти бўлиб, уларда график амаллар видеолар ва анимациялар ёрдамида намоёиш этилиши билан касб-ҳунар таълимида ўқувчиларнинг самарали билим олишларини таъминлаб, таълим сифатини оширишга хизмат қилади (2.1-расм).



**Маърузани фаоллаштириш, қизиқарли ва самарали ўтказиш учун
Таълим бериш воситаларидан фойдаланиш лозим.**

- **Видео**
- **Графопроектор**
- **Флип-чарт**
- **Дидактик талабларни бажариш**
 - -маърузанинг батафсил режасини тузиш;
 - таълим олувчилар учун аниқ тузилмага келтирилган машғулот (кириш, асосий саволлар, асосий жойлар, яқун ва хулосаларни ажратиб кўрсатиш);
 - -мустақил ўқиш учун мавзу, мақсад, вазифа ва маъруза режаси, адабиётларни маълум қилиш;
 - - режанинг ҳар бир қисмидан сўнг умумлаштирувчи хулосалар қилиш;
 - -маърузанинг бир қисмидан бошқа қисмига ўтишда мантиқий боғлиқликни таъминлаш;
 - -ёзиш зарур бўлган жойларни: асосий тушунча, ифода, вақт, далиллар ва бошқ. айтиб туриш.
- **Фаол таълим усуллари қўллаш**
- -Муаммоли маъруза
- -Анжуман-маъруза
- -Конспектсиз маъруза –
- фикрни сўз билан ифодалаш
- -Муаллифлик маърузаси
- -Мунозарали маъруза
- -Қайтар алоқадан фойдаланилган маъруза
- -Аниқ вазиятларни кўриб чиқиш маърузаси
- -Маъруза-суҳбат
- *Педагогик техникани қўллаш*

Семинар - ОўЮда таълимни ташкил этиш шакли

Семинар - таълим берувчини таълим олувчилар билан фаол суҳбатга киришишига йўналтирилган, назарий билимларни амалий фаолиятда амалга ошириш учун шароитни таъминловчи, машғулотни ўқитиш шакли

Семинар машғулоти-нинг асосий мақсади

1. Назарий материални (билимларини) тартибга солиш
2. Амалий малака ва кўникмаларини ҳосил қилиш
3. Билимларини назорат қилиш

Семинар турлари

1 Таълимий

Назарий билимларни тартибга солиш, фаоллаштириш, ёки уларни мустақил ривожлантириш

Ўқув жараёнининг техник жиҳозланганлиги

Ўзлаштирилган билимларни амалий қўллаш кўникмаларини шакллантириш

2 Ривожлантирувчи

Таълим олувчиларда муаммоли қуриш, тахлилий қобилиятлар ҳамда башорат қила олиш кўникмаларини шакллантириш

Натижалари

Талабаларнинг назарий билимларини тизимлаштириш ва таркиб-лаштириш, мустаҳкамлаш ҳамда кенгайтириш.

Аввал ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва таркиблаштириш, мавзунинг назарий тушунчаларини ички ўзаро боғлиқлигини ва мавзуни курснинг бошқа мавзулари ёки бошқа фанлар билан боғлиқлигини анилаш.

Семинарнинг самарадорлигига
таъсир этувчи омиллар

Таълим берувчининг тайёргарлиги,
бунда савол-жавоб техникасига эга
бўлиши

Таълим олувчилар гуруҳининг ҳолати,
унинг мотивацияси, фаолиятни ташкил
этиш хусусиятлари

2. Электрон ўқув қўлланмасидан фойдаланиш.

Биз электрон қўлланмани яратиш технологиясини қуйидаги босқичлар орқали ифодаладик:

1. Электрон қўлланмани ишлаб чиқишнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш. «Муסיқа таълими»ни ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг ўзлаштириши қийин бўлган ва ўқитувчидан кўп меҳнат ва вақт талаб қиладиган мавзуларни ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга асосланган электрон вариантини яратиш, ўқувчиларнинг мустақил билим олишларини йўлга қўйиш ҳамда масофали ўқитишни амалга ошириш. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, электрон қўлланма фаннинг маълум бир мавзуларини осон, қулай ва батафсил ўрганиш учун яратилди.

2. Электрон қўлланманинг тузилишини асослаш. “Муסיқа таълими” фанидан ўзига хос мураккабликларга эга бўлган мавзулар ажратиб олинди ва ушбу асосда электрон қўлланма қуйидаги таркибий қисмлардан ташкил топди (2.1-жадвал):

2.1-жадвал

Электрон қўлланманинг тузилиши

| Меню | |
|---|----------------------|
| Мавзулар | Интеллектуал ўйинлар |
| 1. Тутаשמалар | 1. Ребус |
| 2. Геометрик сиртларнинг ўзаро кесишуви | 2. Кроссворд |
| 3. Кўринишлар | 3. Чархпалак |
| 4. Қирқимлар | 4. Лабиринт |
| 5. Кесимлар | |
| 6. Резьбали бирикмалар | |

3. Электрон қўлланма учун мавзуларни ишлаб чиқиш:

– анкета сўровномалари асосида аниқланган, ўрганилиши зарур бўлган мавзулар давлат таълим стандарти, намунавий дастур ва ўқув режа асосида тузилди;

– муҳандислик графикасифани бўйича интеллектуал ўйинлар дастурлари учун тест саволлари ҳамда амалий топшириқлар тизими оддийдан мураккабга тамойили асосида такомиллаштирилди;

– мавзулар бўйича амалий машғулотлар учун топшириқ ва вазифалар тузилди.

4. Электрон қўлланманинг таълим қоидаларига мос келиши:

1. Таълимнинг илмийлиги. “Муסיқа таълимида” ҳар бир ўтиладиган мавзу ДТС талаби даражасида ва унда бажариладиган чизмалар КҲЯТ

(конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими) томонидан белгиланган тартиб ва қоидаларга мувофиқ бажарилади. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўқув материалидаги қонуниятларни тўлиқ акс эттириши, тушуниши ва ўзлаштириши учун тўғри шароит яратиш мақсадида ҳозирги замон фан-техника тараққиёти даражасига мувофиқ келадиган илмий билимлар билан қуроллантириб, ёшларни илмий-тадқиқот усуллари билан кўпроқ таништириб боришга қаратилган.

2. Таълимнинг тизимлилиги ва изчиллиги. Таълимда изчилликка риоя қилиб ўқитиш деганда, бугун ўрганилган билимлар кеча ўрганилганини мустаҳкамлаши ва эртага ўтиладиганларга замин тайёрлаши зарурлиги кўзда тутилади. Таълимнинг тизимли узвий боғланган бўлиши унинг изчил бўлиши билан боғлиқ. Бу тамойил жуда яққол кўзга ташланади. Масалан, ўқувчилар электрон қўлланма учун танланган мавзуларни ўқувчиларга етказишда, нота чизиқлари ва ноталар ёзилишига эътибор берилди.

3. Таълим ва тарбия бирлиги. Танланган мавзуларнинг мазмуни илмий ва ғоявий жиҳатдан тўғри ташкил қилиниб, унинг тарбиявий моҳияти ҳаётий мисоллар ёрдамида очиқ берилди. Баён қилинаётган илмий билимларнинг пухта ва мустаҳкам ўзлаштирилиши учун қизиқарли ўйин ва компьютер тест назоратларидан фойдаланилди. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг қизиқишларини, фаоллик ва ташаббускорликларини таъминлаб, уларда уюшқоқлик, интизомлик, интилувчанлик каби мажбурият ва фазилатларни таркиб топтиришга хизмат қилади.

4. Таълимда назарияни амалиёт билан боғлаб ўқитиш. Ўқувчилар ўқув материалининг туб моҳиятини, табиат ва жамият тараққиёти қонуниятларини илмий асосда атрофлича тўғри, чуқур тушуниб олиб, уни амалий фаолиятлари даврида қўллайдилар. Масалан, нота чизиқлари ва ноталардан фойдаланиб куй, қўшиқлар ёзиш мумкин. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

5. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик. Бунда ўқувчиларнинг янги материални идрок қилишда нафақат таърифлар ва шартли белгиларни, балки уларнинг ҳаётий ҳодисалар, жараёнлар билан боғлиқ бўлган мазмунини ҳам тушунишини талаб этади. Онглилик ва фаоллик ноталарни ёзишда ўқувчиларни мустақил ишлашга қобилиятларини шакллантиришга ундайди. Ўқувчиларда кузатувчанлик, хотира, диққат, тасаввур ва мантикий фикрлаш каби қобилиятларнинг ривожлантиришга хизмат қилувчи ўйин дастурлари ўқувчиларнинг онгли равишда мустақил фикрлашга ўргатади.

6. Таълимда кўрсатмалилик. Кўрсатмалилик таълим жараёнининг сифатини орттиради, ўқувчиларнинг билим олишини осонлаштиради. Электрон қўлланмада мавзуларнинг мазмунига мос келадиган материаллардан унумли ва тўғри фойдаланиш, ўқувчиларнинг ўтилаётган

материалларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишини таъминлайди. Компьютерда анимация кўргазмалари дарс ишланмалари ўқувчиларнинг ёши, ўзига хос характер хусусиятларини инобатга олган ҳолда содда, тушунарли тарзда ишлаб чиқилган бўлиб, ўқувчиларда фазовий тасаввур ва образли ҳамда мантиқий фикрлашни ривожлантиради.

7. Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиш. Мослик қондасини таълим мазмунини болаларнинг куч-қувватига қараб «енгиллаштириш» эмас, аксинча, ўқувчиларнинг савиясига мувофиқ равишда, аста-секин чуқурроқ ва мукамал билимлар бериш тушунилади, яъни билиш жараёни: осондан қийинга; соддадан мураккабга; маълумдан номаълумга тамойили асосида амалга ошади.

Ўйин дастурларини тузишда айнан мослик қондасига алоҳида эътибор берилди.

8. Таълимда билим, кўникма ва малакаларни пухта ва мустаҳкам ўзлаштириш. Пухта ўзлаштиришнинг муваффақияти таълимни мустаҳкам узоқ вақт эсда сақлаб қолиш, такрорлаш ва машқ қилиб боришга бевосита боғлиқ. Ишимизда электрон қўлланма дарс ўтиш ҳамда ўргатувчи дастур асосида ишлаб чиқилгани боис, ўқувчилар истаган пайтида мавзуларни такрорлаши, мустақил равишда ўрганишлари мумкин.

9. Таълимда ўқувчиларга хос хусусиятларни ҳисобга олиб, қизиқтириш. Муסיқа дарсларида чизмаларни ўқитувчи томонидан доскада эмас, балки проектор экранда компьютерни бошқарган ҳолда, муסיқий куй ва кўшиқларни кетма-кетлиги асосида бажарилиши, унда ҳар бир куйчан, шўх, муסיқий оҳангларни тасвирланиши ва энг муҳими, қисқа вақт ичида ўқувчиларнинг қизиқишини орттиради.

Жадвалда кўрсатилган мазкур белгилар куйидаги вазифаларни ифодалайди:

«-» таълим жараёнида иштирок этмасликни;

«+» таълим жараёнида иштирок этишни;

«+!» таълим жараёнида фаол иштирок этишни.

Кўргазмалари воситаларни компьютер технологиялари ёрдамида такомиллаштириш, ўқувчилар ўзлаштириши зарур бўлган материални компьютер имкониятларидан фойдаланган ҳолда турли шакл ва усулларда кўрсатиш орқали тез, аниқ ва тўғри ҳамда зарур бўлганда қайта тушунтириш имконини беради (2.2-расм).

Муסיқа фанини ўқитишда интеллектуал инфорацион технологиялардан фойдаланиш ўқитувчининг маърузаси ва тушунтиришини, муסיқа куйларини

2.2-жадвал

Муסיқа таълими электрон қўлланмадан фойдаланиш жараёнида ўқитувчи, ўқувчи ва электрон қўлланма вазифаларининг тақсимланиши

| № | Таълим жараёнини ташкил этиш босқичлари | Ўқитувчи | Электрон қўлланма | Ўқувчи |
|----|---|----------|-------------------|--------|
| 1. | Таълим методи тинлаш | + | - | - |
| 2. | Ўқув материали ва топшириқларни саралаш | + | - | - |
| 3. | Мавзуни кўргазмали тушунтириш | + | + | - |
| 4. | Амалий машқлар бажариш | - | + | + |
| 5. | Дарс давомида назарий ва амалий ёрдам | + | + | - |
| 6. | Дарсни мустаҳкамлаш | + | + | + |
| 7. | Билимларни текшириш ва баҳолаш | + | + | - |
| 8. | Натижани эълон қилиш | + | + | - |
| 9. | Вазифа бериш | + | - | - |



2.2-расм. Муסיқа таълими дарсида мултимедиали электрон қўлланмадан фойдаланишнинг афзаллиги

Чунки ўқувчилар ўқитувчининг маърузасини тинглаб, катта экранда намойиш этиладиган муסיқа куйларини анимацион тарзда кетма-кет бажарилишини кўргазмали равишда қабул қилиб (иллюстратив), уни топшириқ бажариш жараёнида мустаҳкамлайдилар (когнитив). Когнитив функциясининг тўлиқ бажарилиши учун ўқувчилар топшириқларни ҳам компьютердан фойдаланиб бажаришлари зарур.

Бу борада Б.Ф.Ломовнинг фикрларини келтириш мақсадга мувофиқ: “Компьютерлар тасаввур ва фантазияни ривожлантирувчи кучли восита сифатида қўлланилиши мумкин. Компьютер экрани инсоннинг миёсида шаклланаётган образни компьютер дисплейига фикран кўчириш имконини беради, шунда инсон ички эмас, худди ташқи объект устида ишлаётгандек бўлади. Бу дегани, компьютер тафаккур қилиш жараёнида фаол қатнашади” [67].

Демак, электрон қўлланмадан фойдаланиш нафақат мавзуни кўргазмали тушунтиришда, балки ўқувчиларнинг билимини текшириш ва баҳолаш ҳамда уни эълон қилишда, шунингдек, дарсни мустаҳкамлашда ўқитувчи учун «беминнат» ёрдамчи бўлади. Ундан фойдаланиш жараёнида мавзуларнинг қисқа ва тушунарли баёни, гипермуружоатлар, анимация ва ҳажмли тасвирларнинг мавжудлиги ҳисобига ўқувчиларнинг фазовий образли тасавури ривожланади.

Хулоса қиладиган бўлсак, муסיқа таълимида ўқитишни компьютерлаштириш, яъни дарсда замонавий ахборот технологияларидан унумли ва ўринли фойдаланиш натижасида:

- ўқувчиларнинг муסיқий саводхонлиги ортади, бу эса уларнинг касбий шаклланишида муҳим аҳамиятга эга;
- ўқитувчиларни анъанавий усулдан воз кечиб, уларни ижодий изланишга ундайди.

Демак, муסיқа дарсларида мультимедиали электрон қўлланмадан фойдаланиб, бир вақтнинг ўзида мавзуни тушунтириш ва унга параллел равишда муסיқий куй- оҳанглари компьютерда бажарилишини кўрсатиб бориш ҳамда мустаҳкамлаш тарзида топшириқ бериб, уни амалда бажариб кўришларига имконият яратиш орқали ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларини кескин ошириш мумкин бўлади.

Тизимли фаолият ёндашуви асосидаги модулли ўқитиш технологияси.

Тизимли фаолият ёндашуви мутахассиснинг фаолиятини ўрганиши, ушбу фаолиятини амалга ошириш учун ўрганиш лозим бўлган ўқув фанларни рўйхатини, ўқув материалларни мазмунини аниқланиши, модулларни тузилиши ва ўқув жараёнини ташкил этилиши билан характерланади.

Модулли технологияга тизимли фаолият ёндашуви, энг аввало касб-хунар таълимида қўлланилади. Бунинг ёрқин мисоли бўлиб, ЮНЕСКО нинг халқаро меҳнат ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган «Меҳнат кўникмалари модуллари (МКМ) концепцияси» ҳисобланади.

Концепция, ўқув фанларига бўлинмасдан, яхлит ўқитишга йўналтирилганлиги билан ажралиб туради.

Концепциянинг афзалликлари бўлиб, модуллар технологияларининг лойиҳалаш жараёнининг аниқ таркиблаштириш ва модулли вариантдаги ўқув-дастурий хужжатлар шаклини тўла шаклланганлиги ҳисобланади.

МКМ - ўқитишнинг модулли дастури, мутахассис фаолиятининг таҳлили, унинг мазмуни ва таркибини ўрганиш асосида тузилади ва модулли блоклар ҳамда ўргатувчи модуллари йигиндисидан иборат бўлади.

Мутахассиснинг ишлаб чиқариш фаолияти, қатор ишлаб чиқариш топшириқлар бажарилишини ўз ичига олади (4.5-расм). Улар ўз навбатида белгиланган кетма-кетликда бажариладиган ишлаб чиқариш амалларидан (ишлар қадами) иборат бўлади. Ишлаб чиқариш топшириғи таркибига кирувчи амалларни бажариш учун, мутахассис маълум даражадаги назарий билимлар ва амалий малакаларга эга бўлиши керак. Бунга ишлаб чиқилган ўргатувчи модулларни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши орқали эришилади. МКМ дастурлар касб-хунар таълими тизимининг муайян ихтисослиги бўйича ишлаб чиқилади. Модулли ўқитишнинг мазкур концепцияси касб-хунар коллежларида, ихтисосликка ўргатиш учун жуда ҳам мос келади. Бу эса энг аввало «Касбий таълим» олаётган таҳсил олувчиларга тизимли фаолият ёндашуви асосидаги модулли ўқитиш технологиясини ўзлаштиришни тақозо этади.

Мазкур дастурларни, олий ўқув юртларининг «Муסיқа таълими» йўналишлари бўйича таълим олаётган таҳсил олувчиларни ихтисосликка ўргатишда ҳам қўллаш мумкин бўлади. Олий ўқув юртларда ихтисосликка ўргатиш учун «Касб маҳорати» фани ўқув режаларга киритилган. Демак, мазкур фанни тизимли фаолият ёндашуви асосидаги модулли ўқитиш технологияси бўйича таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштиришини ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Юқорида ифода этилганларни ҳисобга олиб, тизимли фаолият асосидаги модулли ўқитиш технологиясининг қуйидаги асосий хусусиятларини қайд этиш мумкин:

- ўқитиш мазмуни, мутахассис фаолиятининг тизимли таҳлили асосида, шакллантирилади;

- модулли дастур таркиби мутахассис фаолияти таркибига мос шакллантирилади. Ўқитиш дастури алоҳида элементлардан, модуллардан, ўргатувчи модуллардан, модулли блоклардан иборат бўлади. Модулли ўқитиш дастурининг таркибий қисми бўлиб, мутахассис ҳаракатининг «бошланиши ва охири» аниқ кўрсатилган тугалланган иш бўлагидир.

- ҳар қайси модулни ўрганиш «Ўргатувчи модул» деб аталувчи махсус ишланган услубий қўлланмалар бўйича амалга оширилади. Унда билим,

кўникма ва малакаларни шакллантириш учун зарурий ахборотлар, назорат тестлари келтирилади.

•зарурият туғилганида, ҳар қайси ўқувчи учун индивидуал ўқитиш дастурлари тузилади. Улар таълим буюртмаси талаблари ва бошланғич тайёргарлик даражаси асосида тайёрланади.

•ўргатувчи модул ўқувчига, мустақил равишда ўқув материални ўзлаштиришга имконият беради, Педагог ва ўқувчининг ўзаро муносабати тенг ҳуқуқлилиқ ва билвосита мулоқоти ва муносибатлари асосида кечади.

Тизимли фаолият асосидаги модулли ўқитиш - лойиҳалаш ва рўёбга чиқариш жараёнларини ўз ичига олади. Лойиҳалаш жараёни тўрт босқичдан иборат бўлади.

Биринчи босқич: касбий фаолият мазмуни ва таркибий таҳлили.

Мазкур таҳлил ишнинг тафсилоти, модулли блоклар рўйхати ва тафсилотини тузиш мақсадида ўтказилади. Ишнинг тафсилоти қуйидагиларни ўз ичига олади:

- касбнинг ва касбий соҳанинг номланиши;
- иш соҳаси (фаолиятнинг аниқланган тури);
- мазкур ихтисослик бўйича мутахассисни вазифалари тафсилоти;
- мутахассис маъсулияти ва унинг бевосита раҳбари;
- иш шароити (ўрни);
- ихтисосликни эгаллаш учун номзодга қўйиладиган талаблар

Модулли блоклар рўйхати ва тафсилоти мазкур ихтисослик доирасида бажариладиган ишлаб чиқариш топшириқлар мажмуаси асосида тузилади. Ишлатиладиган «модулли блок» атамаси, унинг мантиқан тугалланган қисмини ўзида мужассамлашган ишлаб чиқариш топшириғининг мазмунини ифодалайди.

Таҳлил натижалари бўлиб, мутахассиснинг иш ўрнидаги вазифаси, бу вазифаларни бажаришдаги ташкилий тузилмалар, мазкур ихтисосликни эгаллашни истаганларга қўйиладиган талаблар, ҳамда мазкур ихтисослик доирасида мутахассис томонидан бажариладиган барча ишлаб чиқариш топшириқлари рўйхати ҳисобланади.

Иккинчи босқич: Модулли блокларнинг мазмуни ва таркибининг таҳлили.

Мазкур таҳлилнинг мақсади, модулли блок доирасидаги муайян ишлаб чиқариш топшириғини бажариш учун зарур бўлган амаллар (қадамлар) кетма-кетлигини аниқлаш ҳисобланади. Ишлаб чиқариш фаолияти таҳлилинини бажариш учун биринчи навбатда касбий соҳа ва шу билан бир қаторда тизимли таҳлил бўйича юқори малакали мутахассис талаб этилади. Олий ўқув юртида ёки касб-ҳунар коллежида бундай ишни фақат бу соҳада малакага эга бўлган педагоглар бажариши мумкин. Демак, ихтисослик фанлари

ўқитувчилари чуқур билимлар билан бир қаторда ўргатиладиган ихтисослик бўйича малакага ҳам эга бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш фаолияти, модулли блоклар, қадамларнинг таҳлили, тегишли ишни бажариш учун мутахассис эга бўлиши лозим бўлган назарий билимлар ва амалий кўникмалар рўйхатини аниқлаш имкониятини беради. Лойиҳалашнинг бу босқичи натижалари «Модулли блок таҳлили жадвали» кўринишида тизимланади. Бу жадвалда иш қадамлари ва уларни бажариш учун зарурий амалий малакалар ва стандартлар тафсилотлари лўнда ҳолда келтирилган.

Учинчи босқич: ҳар қайси қадам бўйича малакалар таҳлили ва зарурий ўргатувчи модулларни аниқлаш.

Ҳар қайси қадамни бажариш учун зарур бўлган малакалар таҳлили, бу малакаларни шакллантириш учун талаб қилинадиган ўргатувчи модулларни тузиш мақсадида бажарилади. МКМ да ўргатувчи модул – бу услубий кўлланма, махсус рисола кўринишида бўлиб, қуйидаги тузилмага эга бўлади:

- Мувофиқлаштирувчи блок – ўқув мақсадлари зарурий жиҳозлар ва материаллар; кўлланмалар ва зарур бўлган бошқа ёрдамчи воситалар кўрсатилади.

- Ахборот-йўриқлар блоки - муайян ишлаб чиқариш амали (ишнинг қадами) ни ўрганиш учун зарур бўлган назарий қоидалар, амалий маълумотларни ўз ичига олади. У матн ва кўргазмали материаллардан иборат бўлади. Матнлар лўнда ифодаланиши, тушунарли тузилиши ва ўқилганда фақат битта маъно билдириши лозим. Матн қатор бошидан варақнинг чап қисмида абзас қолдириб, маълум интервал (масофа) билан ёзилади. Варақнинг ўнг қисмида кўргазмали материал жойлаштирилади. Ахборот-йўриқлар блокани тузишда, тушунарлилик, кўргазмалилик ва илмийлик принципларига риоя этиш лозим. Бу блок ҳам малакаларни амалиётда машқ қилиш топшириқларини ўз ичига олади.

- Назорат блоки – ўргатувчи модулнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун хизмат қилади ва назорат топшириқлари, саволлар, тестларни ўз ичига олади. Улар назорат блокида кўрсатилган, ўқув мақсадларига мувофиқ тузилади.

Ўзлаштирилган билимлар ва малакаларни баҳолаш қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

- агар ўргатувчи модул давлат таълим стандарти ва ўқув режалар асосида тузилган бўлса ва касб-ҳунар коллежида ўрта махсус касбий маълумотли мутахассис тайёрлаш учун мўлжалланган бўлса, ўқитиш натижаларини баҳолаш мазкур ўқув юртида ўрнатилган қоидалар бўйича амалга оширилади;

• агар фақат ишчи ихтисослиги бўйича тайёрланса, баҳолаш «Ҳа-йўқ» принципи асосида амалга оширилади. Яъни ўрганувчи малакага эга бўлиши мумкин ёки йўқ.

Малакалар таҳлили натижалари бўйича «Модулли блок - ўргатувчи модул» маълумот жадвали тузилади. Жадвалда малакалар ва уларни эгаллаш учун зарурий ўргатувчи модуллар гуруҳланади. Бундай жадваллар ҳар бир модулли блок учун тузилади.

Ўргатувчи модуллар жадвалда олтига асосий тоифага гуруҳланади:

01 - Умумий техника хавфсизлиги.

02 - Касбий фаолият турлари.

03 - Назария

04 - График ахборот (схемалар)

05 - Техник ахборот: материаллар (маърузалар матни), усуллар

06 - Техник ахборот: асбоблар (жиҳозлар), машиналар.

Тўртинчи босқич: МКМ - ўқитиш дастурларини тузиш.

Модулли - ўқитиш дастурлари жадвал кўринишида тузилади. Уларни тузиш учун асос бўлиб, «Модулли блок – ўргатувчи модул» маълумот жадвали хизмат қилади. Ушбу дастур мазкур ихтисослик доирасида бажариладиган барча модулли блокларни ва уларга тегишли ўргатувчи модулларни ўз ичига олади. Ушбу модулли ўқитиш дастурининг афзалликлари - ўзгарувчанлик ва мосланувчанлик бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эгадир.

Мазкур дастурлар, кенг ихтисосли касблар учун ҳам ва алоҳида ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш учун ҳам тузилиши мумкин. Биринчи ҳолда дастурлар муайян ихтисосликка тегишли барча ўргатувчи модулларни ўз ичига олади. Иккинчи ҳолда эса фақат муайян фаолиятга тегишли модулли блок ва ўргатувчи модуллардан ташкил топади. Баъзи вазиятларда дастур фақат битта модулли блокдан тузилиши мумкин. Модулли ўқитиш дастури касбий фаолиятнинг турли соҳаларига тегишли модулли блоклардан иборат бўлиши мумкин, бу эса хизмат кўрсатиш соҳаси унча катта бўлмаган корхоналари учун муҳим аҳамият касб этади.

Шундай қилиб, модулли ўқитиш дастурларни муайян вазият учун маълум иш ўрини учун зарур бўлган модулли блок ва ўргатувчи модуллардан тузиш мумкин. Ушбу дастурни бу афзаллиги ўргатувчи модуллар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимида қўллаш имкониятини яратади.

Модулли ўқитиш дастурлар янги модулли блоклар ва ўргатувчи модуллар билан тўлдирилиши мумкин, бу эса янги технологияларни ўзлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлади. Мазкур дастур, ўзгарувчан (харакатчан) ўқув

дастурий ҳужжат бўлиб, технологиялар, жиҳозлар, асбоблар ва материаллар такомиллашгани билан уни янгилашга имконият мавжуд бўлади.

Модулли ўқитиш дастурини амалга ошириш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

• Ўқитиш индивидуал модулли дастур, мустақил, қадамба-қадам ўзлаштириш шаклида амалга оширилганда. Бунда ҳар бир таҳсил олувчи ўргатувчи модул билан таъминланади, назарий билим ва амалий малакаларга эга бўлиш учун шарт-шароитлар яратилади.

• Билимлар ва малакалар шаклланишини қадамба-қадам назорат қилиш. Ўргатувчи модуллар ҳар бир эгалланган малака учун алоҳида тузилади ва шунинг учун билим ва малакаларни шаклланганлиги ҳар бир малака бўйича узлуксиз назорат асосида амалга оширилади, бунда назорат топшириқлари, саволлар ва тестлардан фойдаланилади.

Ўргатувчи модуллар асосида ўқитишда, педагогнинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади: мувофиқлаштирувчи, маслаҳатчи, назоратчи.

Модулли ўқитиш дастурлар, ўқувчининг индивидуал эҳтиёжларига осонлик билан мослашади ва эркин вақт омилига эга бўлади, чунки бу ерда индивидуаллаштирилган ўқитиш жараёни устунлик қилади. Модулли ўқитиш дастурини ўзлаштириш учун зарурий вақт таҳсил олувчининг табиий қобилиятларига боғлиқ бўлади.

?

НАЗОРАТ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Электрон қўлланманинг афзалликлари нимада?
2. Мусиқа таълими дарсида мультимедиали электрон қўлланмадан фойдаланишнинг афзаллигини ва аамияти нимада?
3. Мусиқа таълимида талабалар мустақил таълимини ташкил этиш қандай олиб борилади?
4. Электрон ўқув адабиётларнинг қандай кўринишлари мавжуд?
5. Электрон қўлланма учун мавзулар қандай ишлаб чиқилади?
6. Кўргазмали воситаларни компьютер технологиялари ёрдамида такомиллаштириш, ўқувчиларни материалларни ўзлаштиришига қандай имкон беради?

Фойдаланиш учун адабиётлар:

1. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии / Учебное пособие. М.: Народное образование, 1998.



2. J.G' Yo'ldoshev, S.A.Usmonov. Pedagogik texnologiyalarning tabiiy asoslari. -Toshkent, O'qituvchi 2004 yil.
3. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии – Т.: ФАН, 2000.
4. Гузеев В.В. Образовательная технология: от приема до философии. М.: Сентябрь, 1996.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-амалий машғулот: Инновацион таълим муҳитининг назарий асослари ва Олий таълим муסיқа ўқитувчисининг инновацион педагогик фаолияти босқичлари

(Муסיқа таълими фанларини ўқитишда инновацион технологиялар асосида маъруза, семинар ва амалий машғулотларини лойиҳалаш)

Муסיқий фанларни ўқитишда ўқувчиларни мавзуларни ўрганишда, ўзлаштиришда, уларни муסיқий фанлар бўйича билим, малакаларни эгаллашларига эришиш катта аҳамият касб этади. Бу жараён ўқувчиларнинг муסיқий савиясини оширишдаги етакчи омиллардандир.

Педагогларда муסיқий таълим фаолиятни ташкил этишга имкон берадиган малакалар гуруҳлари:

- 1) билишга оид малакалар;
- 2) лойиҳалаш малакалари;
- 3) ижодий-амалий малакалар;
- 4) тадқиқотчилик малакалари;
- 5) мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) малакалари;
- 6) ташкилотчилик малакалари;

Қуйида ушбу малакалар орқали гуруҳларининг моҳияти ёритилади:

Билишга оид малакалар:

- ✓ талабаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятлари, жамоанинг
- ✓ ижтимоий-психологик ўзига хослигини инобатга олган ҳолда ўқув-тарбиявий вазифаларни аниқ белгилаш;
- ✓ замонавий таълим талабларидан келиб чиққан ҳолда ўқув-тарбия жараёнини дидактик, психологик ва методик жиҳатдан режалаштириш ва таҳлил қилиш;
- ✓ таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг самарали шакл, метод ва воситаларни асосли равишда танлай олиш;
- ✓ талабалар томонидан ўқув дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда материалларни ўзлаштирганлик натижаларини, ўқувчиларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини аниқлай билиш;
- ✓ талабаларнинг билишга бўлган қизиқиш, эҳтиёж ва фаолликларини ривожлантириш бўйича турли кўринишдаги ишларни олиб бориш;
- ✓ дарсда, дарсдан ташқари шароитларда, тўғаракларда турли тарбиявий ишларни олиб бориш;

- ✓ талабалар, уларнинг ота-оналари билан индивидуал ишларни амалга ошириш;
- ✓ таълим жараёнида турли кўрсатмали қуроллар, замонавий техник воситалар, ахборот ва илғор педагогик технологияларидан самарали фойдаланиш;
- ✓ дидактик материал ва кўрсатмали қуролларни ишлаб чиқиш;
- ✓ ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш ва шахсий фаолиятда йўл кўйилган камчиликларни тузатиш.

Лойиҳалаш малакалари:

- ✓ дарс ёки тарбиявий тадбирларнинг лойиҳаларини яратиш;
 - ✓ дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик харитасини яратиш;
 - ✓ дарс ёки тарбиявий тадбир моҳиятини босқичма-босқич ёритиш;
 - ✓ таълимий ёки тарбиявий фаолият мақсадини аниқ белгилаш;
 - ✓ мақсадга мос келадиган вазифаларни аниқлаш;
 - ✓ ўқув материалининг дидактик, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларини баён этиш;
 - ✓ ўқув ёки тарбиявий характердаги материал мазмунини шакллантириш;
 - ✓ ўқув ёки тарбиявий материал мазмунини очиб берадиган бир қанча маълумотлар ўртасидаги ўзаро изчилликни таъминлаш;
 - ✓ талабаларни мустақил фикрлашга рағбатлантирувчи саволлар тизимини ишлаб чиқиш;
 - ✓ дарс ёки тарбиявий тадбирнинг методик тузилишини асослаш;
 - ✓ дарс ёки тарбиявий тадбир жараёнида бажариладиган педагогик топшириқлар тизимини аниқлаш;
 - ✓ янги материални баён этишда турли замонавий ёндашувларни қўллаш;
 - ✓ муайян изчилликка эга тест топшириқларини ишлаб чиқиш;
 - ✓ талабаларнинг билим даражасини ташхислаш жараёнини асослаш;
 - ✓ талабалар жамоаси ҳамда алоҳида талабанинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини баҳолаш механизминини яратиш.
- Ижодий-амалий (конструктив) малакалар:
- ✓ алоҳида-алоҳида маълумотлардан фойдаланган ҳолда яхлит ўқув ва тарбиявий характердаги материални шакллантириш;
 - ✓ ўқув материалини турли расм, сурат, жадвал, диаграмма, модел ва бошқалар билан бойитиш;
 - ✓ ўзига хос, оригинал ўқув материалини тайёрлаш;
 - ✓ мустақил равишда янги методни асослаш;
 - ✓ ўқув машғулоти (дарс) ва тарбия тадбир учун кўрсатмали қуроллар тўпламини яратиш;

- ✓ дарс ёки тарбиявий тадбирнинг технологик паспорти, харитасини яратиш;
- ✓ дарс ёки тарбиявий тадбирда фойдаланиш учун мультимедия материалларини яратиш;
- ✓ ўқув материалнинг тақдимот вариантини тайёрлаш;
- ✓ турли мавзулардаги тарбиявий тадбирлар учун талабаларнинг фаол иштирокида видео роликлар яратиш;
- ✓ дарс конспектини тайёрлаш;
- ✓ турли шакл ва методларга асосланган синов топшириқлари (савол, топшириқ, масала, мисол, машқ, тест), баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- ✓ назорат ишларини ташкил этишга ижодий ёндашиш.

Тадқиқотчилик малакалари:

- ✓ илмий изланиш олиб бориш метод ва воситаларини танлаш;
- ✓ манбалар билан ишлаш (назарий таҳлил, муҳим маълумотни топиш, тезис, конспект, реферат, картотека билан ишлаш, адабиётлар рўйхатини тузиш);
- ✓ нашр манбалари ва ахборот технологиялари (Интернет) материаллари билан танишиш;
- ✓ анкета сўровини ташкил этиш;
- ✓ замонавий педагогик муаммоларни аниқлаш, долзарблигини асослаш;
- ✓ мавжуд манбалар асосида муаммонинг ишланганлик даражасини ўрганиш;
- ✓ педагогик тажриба олиб бориш методикасини ишлаб чиқиш;
- ✓ уч (ёки тўрт) босқичли педагогик тажрибани илмий-методик ташкил этиш;
- ✓ илмий мақола, ахборот ва ҳисобот тайёрлаш;
- ✓ илмий мақолаларни нашрга тайёрлаш;
- ✓ педагогик тажриба натижаларини умумлаштириш ва таҳлил қилиш;
- ✓ таҳлил натижаларини математик-статистик таҳлил қилиш;
- ✓ статистик таҳлил натижаларига кўра хулоса чиқариш ва илмий-тавсияларни илгари суриш;
- ✓ педагогик тажриба натижаларини муҳокама қилиш (саволлар қўйиш, шахсий фикрни билдириш, танқидий фикрларни айта олиш, амалий таклифлар бериш).

Ташкилотчилик малакалари:

- ✓ талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини бошқариш;
- ✓ талабаларда илмий билимларни ўзлаштириш кўникма, малакаларини шакллантириш;

✓ дарс жараёнида вақтни тўғри тақсимлаш ва режани самарали бажариш;

✓ талабалар билан индивидуал ишларни ташкил этиш;

✓ гуруҳ жамоаси билан жамоавий ёки гуруҳли ишларни олиб бориш;

✓ талабаларда таълим муассасаси ички тартиб-қоидаларига риоя этиш

кўникмаларини шакллантириш;

✓ талабаларга ўқув ва ижтимоий топшириқларни бериш;

✓ ўқувчиларнинг диққатини бошқариш;

✓ талабалар ўртасида баҳс-мунозара ташкил этиш ва уни бошқариш;

✓ дарсларда ўйин технологияларидан фойдаланиш;

✓ талабаларнинг ўқув фаолликларини ошириш, уларнинг

мустақиллигини таъминлаш;

✓ кичик гуруҳларни шакллантириш асосида топшириқлар бажарилишини таъминлаш;

✓ талабалар билан ҳамкорликда тарбиявий ишлар рўйхатини ишлаб чиқиш.

Мулоқотга кирувчанлик (коммуникатив) малакалари:

✓ талабалар, ота-оналар, таълим муассасаси раҳбарияти, ҳамкасблар билан мулоқотда турли шакл, методлардан фойдаланиш;

✓ педагогик амалиётнинг барча иштирокчилари билан амалий, ишчанлик ёки шахсий муносабат ўрнатиш;

✓ талабаларга маълумотларни етказишнинг самарали йўл ва воситаларини топиш;

✓ топшириқлар юзасидан талабанинг жавоби ёки шахсий фикрларини тинглай билиш;

✓ педагогик жараёнларда юзага келадиган низоларнинг олдини олиш, бартараф этиш ёки ривожлантириш;

✓ жамоа ва турли босқичдаги талабалар ўртасида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш;

✓ жамоада соғлом рақобатга асосланган муҳитни қарор топтириш;

✓ талабаларнинг фаолиятларини рағбатлантириш;

✓ талаба жавобидаги хато ёки хатти-ҳаракатидаги камчиликларга муносабат билдириш;

✓ талабалар билан таълимий ҳамкорликка эришиш.

Изчилликни таъминловчи (процессуал) малакалар:

✓ ўқув материали мазмунини баён қилишда нутқий изчилликни таъминлаш;

- ✓ оғзаки ва ёзма нутқни баён қилишда ўзаро изчилликни қарор топтириш;
- ✓ талабаларнинг мавжуд билимлари билан янги ўзлаштириладиган билимлар ўртасида муайян изчилликни юзага келтириш;
- ✓ талабаларнинг мавжуд ҳаётий қарашларини янги ғоялар билан бойитиш;
- ✓ дарсда ва дарсдан ташқари тарбиявий ишларда талабаларни фаол фаолиятга ундовчи методлардан фойдаланишда муайян изчилликка эришиш;
- ✓ талабалар БКМ даражасининг ДТС талабларига мувофиқ келишида маълум изчилликка эришиш; гуруҳ жамоасининг ижтимоий-психологик ҳолатини ўрганиш методларидан фойдаланишда
- ✓ педагогик фаолият изчиллигини таъминлаш; талабаларнинг тарбияланганлик ва ривожланганлик даражасини баҳолашда доимий изчилликка эришиш.
 - Техник-технологик малакалар:
 - ✓ таълим жараёнига замонавий техник воситаларини татбиқ этиш;
 - ✓ дарс жараёни мазмунини технологик паспорт ва технология харита ёрдамида ёритиш;
 - ✓ ўқув материали мазмунини ёритувчи слайдларни тайёрлаш;
 - ✓ ўқув машғулотларини ахборот технологиялари, интерфаол методлар ёрдамида ташкил этиш;
 - ✓ ихтисослик фани хусусиятидан келиб чиққан ҳолда турли техник воситалардан фойдаланиш;
 - ✓ дарсларда проекторни қўллаш олиш;
 - ✓ ўқув материалларини аудио ва видео ёзувлари, тақдимот асосида баён қилиш;
 - ✓ талабаларда ўқув материални мустаҳкамлаш ва ўқув топшириқларини беришда ахборот технологияларини қўллаш;
 - ✓ компьютер имкониятларидан фойдаланишга доир ўқув топшириқларини ишлаб чиқиш;
 - ✓ талабаларнинг БКМни баҳолашни компьютер асосида ташкил этиш;
 - ✓ талабаларнинг билим олганлик ва тарбияланганлик даражаларини ташхис қилишда компьютер ёрдамига таяниш ва б.ш.

Муסיқа дарсларида «Бумеранг» технологиясини қўллаш.

«Бумеранг» технологияси.

«Бумеранг» техногия бир машғулот давомида ўқув материални чуқур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий тушуниб етиш, эркин эгаллашга йўналтирилган. У турли мазмун ва ҳарактерга (моммоли, муозарали, турли

мазмунли) эга бўлган мавзуларни ўрганишга ярқли бўлиб ўз ичига оғзаки ва ёзма иш шакиллари қамираб олади ҳамда бир машғулот давомида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларини бажаришини, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши керакли баллини тўплашга имконият беради.

«Бумеранг» технологияси танқидий фикрлаш мантиқни шакиллантиришга имконият яратади; хотирани, ғояларни фикрларни, далилларни ёзма ва оғзаки шакилларда баён қилиш кўникмаларни ривожлантиради.

- жамоа билан ишлаш маҳорати;
- муомилалик;
- ҳушфеллик;
- кўникувчанлик;
- ўзгалар фикрига ҳурмат;
- фаоллик;
- раҳбарлик сифатларини шакиллантириш;
- ишга ижодий ёндошиш;
- ўз фаолиятининг самарали бўлишига қизиқиш;
- ўзини ҳолис баҳолаш.


1-топшириқ. Ушбу расмда берилган Яккановозни, жўрнавозни ва жўрсозни топинг. (1-расм)



Машғулотнинг бориши:

1. Яккановозлик, жўрнавозлик ва жўрсозликларни ютуқ ва камчиликларни ифодаланг.

2. Муסיқа тинглашни қоидагаларини ифодаланг.

1-Топшириқ. Яккановозлик, жўрнавозлик ва жўрсозликларни ютуқ ва камчиликларни ифодаланг.



| | |
|-------------------------|---|
| <p>Жўр навоз</p> |  |
| <p>Жўрсоз</p> |  |

1-расм

2-расм

Танланган жавобни карточкаларда тасвирланган расм ёнидаги бўш катакчага жойлаштиринг. (2-расм)

Тўлдирилган карточкалар доскага илиниб қўйилади.

Ҳар бир гуруҳдан вакил чиқиб мавзунини тушунтириб беради.

Ҳар бир карточкалардаги гуруҳ жавоблари таҳлил қилинади ва хулоса келтирилади.

1-Топшириқ. Муסיқа тинглашни қоидагаларини ифодаланг.

Тинглаш маданияти:

Сиз ҳаётда жуда кўп муסיқа тинглайсиз:

Радио - телевидение орқали. театр ва концертларда. кино лавҳаларида, мактабда ва уйда. Муסיқа янграйди. Халқ ўз ҳаётини қўшиқда, муסיкий оҳангда, рақсда ифода этади. Кўп муסיқаларни композиторлар яратадилар.

Улар қўшиқлар, куйлар, опера, балетлар, хор ва оркестр учун асарлардадир.

Муסיқа тинглашни билиш зарурдир. Бунинг учун қуйидаги қоидагаларга риоя этиш жуда зарурдир.

1. Муסיқани диққат билан тинчликда тингла.

2. Тўғри ва қулай ўтир.

3. Шовқин қилманг, гаплашманг, дўстларингизга муסיқа тинглашга халақит берманг.

4. Муסיқа тўхтаганида қалбингдаги муסיқани тинглаб ва ўйлаб кўринг.

Муסיқа сизда қандай таасурот қолдирди?

Муסיқа тинглаганда кўз олдингизга нима келди?

Композитор ушбу муסיқа орқали нима демоқчи?

Муסיқа қандай ўзгарди?

Ким уни ижро этди? (яккаовозми? жўрнавоз-ликми? Жўрсозликми? оркестрми? ва бошқалар.)

5. Диққат билан ўқитувчини саволини эшит, ўз таасуротларинг ҳақида



гапириб бер, муסיқа ҳақида фикр юрит, асар ҳақидаги суҳбатда қатнаш.
6. Уйда муסיқа тингланг.

2-амалий машғулот: Муסיқий фанларни ўқитишнинг моҳияти, мазмуни, мақсади ва вазифалари.

1-топшириқ. Муסיқа таълим жараёнининг қонуниятларини изоҳлаб беринг.

2-топшириқ. Касбий таълимнинг ташкил этиш шакл, метод ва воситаларини тоифалаш жадвалида изоҳланг.

ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ

Тоифа-хусусият ва муносабатларни муҳимлигини намоён қилувчи (умумий) аломат.

Ажратилган аломатлар асосида олинган маълумотларни бирлаштиришни таъминлайди.

Тизимли фикрлаш, маълумотларни тузилмага келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

| Шакллар | Методлар | Воситалар |
|---------|----------|-----------|
| | | |
| | | |

2-амалий машғулот

«Skarabey» texnologiyasiga misol (3-sinfda musiqa darslari)

Dars ishlanmasi «Skarabey» metodi misolida)

Darsning mavzu: 1. Musiqaning ifoda vositalari.

2. Musiqadagi dinamik belgilar.

Darsning maqsadi: O`quvchilarni mustaqil fikrlash, erkin so`zlash, o`zining mehnati bilan ko`proq natijaga erishishga o`rgatish.

Darsni jihozlash: Reja konspekt, 3- sinfuchun darsligi, mavzuga mos rasmlar, tarqatma kartochkalar, mavzu yuzasidan savollar.

Darsning turi: No`ananaviy.

Darsning borishi:

Tashkiliy qism:

1. O'quvchilar davomatini aniqlash, tashqi ko'rinishlarini, ish qurollarini tashkil etishni tekshirish.

2. O'tgan dars mavzusini va yangi mavzu uchun zaruriy materiallarni takrorlash.

O'tgan dars yuzasidan savol-javob o'tkazish, yangi pedagogik texnologiyalarini qo'llagan holda o'quvchilar bilimini nazorat qilish.

3. Yangi mavzu yuzasidan yo'l-yo'riqlar ko'rsatish.

A) O'quvchilarda yangi mavzularni tushuntirishdan avval o'tilgan mavzular mustahkamlanadi va darsda yangi mavzu oldingi mavzularga bog'lab o'tiladi, ushbu darsda «**Skarabey**» texnologiyasi qo'llaniladi.

Musiqaning mazmunini yoritishda turli ifoda vositalaridan foydalaniladi. Ifoda vositalariga sur'at, usul, tovush kabilar kiradi. Quyidagi uch misolda musiqaning ifoda vositalaridan biri bo'lgan sur'atning kuy kayfiyatiga qanday ta'sir etishini kuzating.

Quvnoq, o'rtacha va og'ir sur'atdagi asar parchalaridan o'quvchilarga tinglash uchun berilib o'qituvchi tomonidan tushuntiriladi.

Musiqaning dinamik belgilari.

Kompozitorlar biron – bir musiqa asarini yaratganlarida ularning ma'lum qismlarini kuchli yoki kuchsiz ijro qilinishini maxsus belgilar bilan ko'rsatadilar. Bu belgilar asarni yoqimli, jiloli eshutilishiga yordam beradi. Musiqada bu belgilar «Dinamik belgilar», deb ataladi.

f - (forte) – kuchli

mf – (metsso forte) – kuchliroq

p – (piano) - kuchsiz

mp – (metsso piano) – kuchsizroq

So'ngra tarqatma materiallar orqali yangi mavzu mustahkamlanadi. Sinf o'quvchilari 3 ta guruhga bo'linadilar. Guruhlarga kartochkalar aralashtirilib tarqatiladi va topshiriq tushuntiriladi.

Guruhdagi o'quvchilarning vazifasi:

1) Sur'ati, tovush jo'shqinligi, tovush jarangdorliklarini quyidagi rasmda ko'rsatilgandek mustaqil joylashtirish.

2) O'quvchilarga o'qituvchi tomonidan musiqiy asarlar (quvnoq, nafis, kuychang) tinglash uchun beriladi (audioyozuvda yoki ijro etiladi). Guruhlar shu musiqa mazmuniga mos ertak so'zlab berishlari kerak.


Sur'ati

Tez

O'rtacha

Og'ir

Tovush jo'shqin.



Har bir guruhning joylashtirgan kartochkalari doskaga skoch yordamida ilib qo'yiladi. Har bir guruhdan vakil chiqib, mavzuni va guruhlarining musiqaga mos ertak mazmunini tushuntirib beradilar. Guruh javoblari tahlil qilinib xulosa keltiriladi.


3-амалий машғулот: Муסיқа фанларни ўқитишда хорижий мамлакатлар тажрибалари

1-амалий машғулот. Касбий таълим бўйича ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалар. (4 соат)

1-топшириқ.

1. Муסיқа таълим йўналиши бўйича АҚШ ва Англия таълим тизимини “Венн” диаграммасида ифодаланг.

2. Касбий таълим йўналиши бўйича Франция ва Корея таълим тизимини “Венн” диаграммасида ифодаланг.



2-топшириқ.

1. Муסיқа таълим бўйича ривожланган Норвегия, Туркия ва Дания мамлакатлардаги илғор тажрибаларни таҳлил қилинг ва Т-жадвалида изоҳланг.

| Асосий фарқлар | |
|----------------|--------|
| Ижобий | Салбий |
| | |

2-амалий машғулот

«TARMOQLAR» metodi (Klaster)

(misol) “Balet haqida tushuncha”

O'qituvchi: Bolalar! Balet haqida qani, kim gapirib beradi?

O'quvchilar:

O'qituvchi: Raqs tushishda u oddiy raqsdan nimasi bilan farq qiladi?

O'quvchilar:

O'qituvchi: Baletda raqsdan tashqari qanday muhim element bor?


O'quvchilar:

O'qituvchi: Uning musiqasini kuylab bera olasizlarmi?

O'qituvchi: Endi birgalikda tinglaymiz. Bu asarning kuyini P.I CHaykovskiy yozgan. Baletning nomi «Oqqush ko'li».


Balet – musiqa va raqs harakatlari orqali obrazlar, voqealar yaratish san'atidir. Balet asarini dramatik mavzu, raqs, imo-ishora, nafis harakatlar, musiqa, sahna bezaklari va kiyim-kechaklar tashkil qiladi. Butun dunyoga mashhur bo'lib ketgan «Oqqush ko'li», «Qarsildoq» va «Uyqudagi go'zal» baletlarini XIX asrda yashagan rus kompozitori Petr Ilich CHaykovskiy yaratgan.

Rus kompozitori P.I.CHaykovskiyning mashhur balet asarlari



Bu baletlarni bizning xalqimiz ham yaxshi biladi, sevib tomosha qiladi. Yana XX asrda yaratilgan «Gayane», «Spartak» (A. Xachaturyan), «Bog'chasaroy fontani» (B.Asafev), «Romeo va Juletta» (S.Prokofev) baletlarini ham ko'pchilik biladi.

O'qituvchi: Balet san'ati O'zbekistonda ham rivoj topgan. XX asrning 30-yillaridan boshlab «Paxta» (Roslavets), «Orzu» (I.Akbarov), «Sevgi tumori» (M.Ashrafiy), «Tanovar» (A.Kozlovsikiy) kabi baletlar yaratildi. 80-yillarda o'zbek bastakori Ulug'bek Musaev tomonidan yaratilgan «Hind dostoni» va «To'maris», Avaz Mansurovning bir pardali «SHarq afsonasi» baletlari, 90-yillarda esa Mustafobafoev «Ulug'bek burji» va «Nodira» milliy raqs uslubidagi baletlar yaratilgan.



4-амалий машғулот: Муסיқа таълими фанларни ўқитишда инновацион технологияларга асосланган маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаш.

НАЗАРИЙ ДАРС ВА АМАЛИЙ МАШЃУЛОТЛАРНИ РЕЖАЛАШТИРИШ БОСҚИЧЛАРИ

Муסיқа таълими фанида назарий дарс- режали ташкиллаштирилган, аниқ мақсадга қаратилган ва таълим берувчи томонидан бошқариб туриладиган таълим ва тарбия жараёнидир. Бу жараёнда маълум бир махсус соҳа бўйича назарий билимлар тизимли равишда таълим олувчиларга етказилади. Бу жараёнда таълим берувчи назарий билимларни амалиётда қўллаш йўллари билан таништиради.

Назарий дарс асосан махсус жиҳозланган синфхоналарда ўтказилади. Бу синфхоналарда турли техник воситалар ишлатилиши мумкин.

Амалий машғулот - аниқ мақсадга қаратилган ва таълим берувчи томонидан бошқариб туриладиган, аниқ бир топшириқни бажариш учун керакли назарий дарсда олинган махсус билимлар асосида малака ва кўникмалар шакллантириш мақсадида олиб бориладиган режали дидактик ҳаракатга айтилади.

Амалий машғулот касб-ҳунар таълимнинг таркибий қисми бўлиб, ўқув устахоналарида, лабораторияларда, ўқув полигонларида иш ўрнида жойлашган реал воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Касб-ҳунар таълими тизимининг хусусияти шуки, назария ва амалиёт бир биридан алоҳида, яъни назарий таълим ўқув аудиторияда, амалий

машғулотлар устахона ва лабораторияларда амалга оширилади. Назарий дарсда керакли махсус билимлар амалий дарсга нисбатан илгарироқ берилиши таъминланиши керак. Амалий машғулотларда таълим берувчи иш ўрнида фақат иш топшириқларига тегишли қўшимча билимларни бериши керак. Агарда амалий машғулотларда таълим берувчитаълим олувчиларнинг дастлабки билимларида камчиликлар борлигини аниқласа, у керакли назарий билимларни беради.

Дарсни режалаштириш - кутилаётган ўқув натижаларига эришиш мақсадида ўқув жараёнига тайёргарлик кўриш: таълим методларини танлаш, тарқатма материаллар ва ўқув-дидактик воситалар тайёрлаш.

Барча имкониятларни инобатга олган ҳолда, бир марта тузилган режада ўзгаришлар бўлмаслигига ҳаракат қилиш керак. Таълим берувчи учун режалаштириш ўқув жараёнини бошқаришда хатоларга йўл қўймаслик деганидир. Таълим олувчи учун режалаштириш, у бўлажак ўқув жараёни тўғрисида ва таълимдан нималарни кутиши мумкинлиги ҳақидаги аниқ тасаввурга эга бўлиши деганидир.

Назарий дарс ва амалий машғулотларни режалаштириш қуйидаги даражаларда амалга оширилиши мумкин:

- бутунтаълимдавридаражасида;
- бирўқувйилидаражасида;
- бир семестр даражасида;
- бир ой даражасида;
- бирҳафтадаражасида;
- бир кун даражасида;
- назарий дарснинг бир соати даражасида.

Кўпинча ҳар хил вақт даражалари учун мўлжалланган режалар бир вақтнинг ўзида қўлланади.

Мақсадлар ва мазмунларни режалаштириш одатда махсус бир соҳа бўйича бўлади ва уни таълим берувчининг ўзи тузади. Бунинг учун танланган махсус соҳа бир неча мавзуларга ёки материал соҳаларига бўлинади. Сўнг методлар ва шароитлар режалаштирилади.

Бу муносабатда эътиборингизни «Таълим берувчининг дидактик ҳатти-ҳаракатлари» моделига қаратмоқчимиз (1.1-чизма).

1.1-чизма. Таълим берувчининг дидактик ҳатти-ҳаракатлари



Юқорида тасвирланган таълим берувчининг дидактик ҳатти-ҳаракатлари модели бир махсус соҳани режалаштириш мақсадида қўлланиши мумкин.

Назарий дарс ва амалий машғулотларни тўғри режалаштириш учун, таълим берувчи ўзининг вазиятидан бошлаши лозим, яъни «Мавзун илм-фаннинг энг сўнгги замонавий талабларига мувофиқ ўргата оламанми ёки бунинг учун мен яна алоҳида тайёрланишим керакми?» ҳамда «Бирор ишлаб чиқарилган назарий дарс режаси ёки амалий машғулотларнинг режаси борми?» деган саволга жавоб бериши керак.

Бундан кейин, таълим берувчи таълим олувчиларнинг дастлабки билим ва кўникмаларини аниқлаб олиши лозим.

Бунинг учун қуйидаги асосий саволлар қўйилиши лозим:

- Назарий дарс ёки амалий машғулотларни ўтказиш учун таълим олувчиларнинг дастлабки билимлари қай даражада?
- Назарий дарс ва амалий машғулотларни ўтказиш учун қандай шарт-шароитлар мавжуд?
- Қандай ўқув мазмунлар ўргатилиши кўзда тутилмоқда?

Режалаштириш учун юқоридаги саволларни ўрганиб чиқиш – назарий дарс ва амалий машғулотнинг бошқа барча тайёрлаш ҳаракатларига асосдир. Бу тушунчалар ва саволлар ўртасидаги боғлиқликни қуйида кўрсатилган омиллар аниқ кўрсатади.

Мақсадлар: Нима учун ?

Ҳар бир назарий дарс ва ҳар бир амалий машғулот олдиндан белгиланган мақсадларга риоя қилиши лозим. Одатда ўқув дастури асосида белгилашимиз мумкин бўлган аниқ бир мақсадга эришилиши лозим. Мақсадлар ёзма равишда назарий дарс режасига киритилади ва мақсад эришилган-эришилмаганлиги тест ва топшириқлар ёрдамида текширилади ва мустаҳкамланади.

Мазмунлар: Нима ?

Белгиланган ўқув мақсадларга мувофиқ равишда билимлар соҳанинг мазмуни (шу жумладан кўникмалар ва ўзини тутиш тарзлари) белгиланади. Бу мазмунлар бир томондан керакли дастлабки билимларни (назарий дарс мазмунини) ва бошқа томондан топшириқларни бажариш учун керакли махсус билимларни (амалий машғулот мазмунини) инобатга олиши керак.

Метод: Қай тарзда ?

Агар мақсадлар ва мазмунлар аниқ бўлса, айнан шундай методлар танлаб олиниши кераки, улар шу мақсад ва мазмунларни ўлчанадиган натижаларга айлантира олишлари лозим. Бу муносабатда “анъанавий” ва “интерфаолметодлар” деб аталган методлар таълим берувчи томонидан танлаб олинади ва қўлланади.

Шароитлар: Нималар ёрдамида ?

Шароитлар деганда, биринчи навбатда моддий-техникшарт-шароитлар тушунилади. Бир томондан, моддий-техник шароитлар, яъни бинолар, синфхоналар, ўқув устахоналар, лабораториялар, уларнинг жиҳозланганлик даражаси, инструментлар, чиқим материалларнинг умумий ҳолати ва ҳоказо, чунки улар маълум сифат стандартларига жавоб бериши керак.

Бошқа томондан эса, ўқув воситалари тушунилади, чунки улар ўқув жараёндаги билимларни ўзлаштирилишига ёрдам беради. Ўқув мақсадларига мўлжалланган кўплаб ўқув воситалари мавжуд. Лекин гап воситаларнинг кўплигида эмас, балки муайян ўқув мақсадига эришиш учун маъқул келадиган воситаларни танлаб олишдадир.

Ташкиллаштириш: Бу қандай амалга оширилади?

Юқорида айтилган ҳамма нарсалар вақт омилини инобатга олган ҳолда ташкил қилиниши керак. Чунки ҳар бир назарий дарс ва ҳар бир амалий машғулот учун аниқ вақт меъёрлари бор ва айнан шу вақт доирасида ўқув мақсадларга эришиш лозим. Бунинг учун нафақат пухта режа, балки унумли ташкиллаштириш ҳам керак. Вақт даври, вақт давоми ва ўқув жойи – ташкиллаштириш жараёнида белгиланади. Ўргатиш ва ўрганишни ташкил қилишнинг хилма-хил имкониятлари мавжуд.

Натижалар: Мақсадга эришилдими?

Назарий дарс ёки амалий машғулотнинг охирида мақсадларга эришилган-эришилмаганлиги текширилиши керак. Бунинг учун баҳолаш воситалари, методлари ва мезонлари белгиланиши лозим. Бунинг имкониятлари – машқлар, оғзаки ва ёзма тестлар ҳамда имтиҳонлар. Улар таълим олувчиларнинг қобилиятлари, билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш имкониятини яратади.

Ўқитиш ва ўқиш цикли- назарий дарс ва амалий машғулотларни режалаштириш омилларига асосланган бўлиб, назарий дарс ва амалий машғулотлар режалаштириш, амалга ошириш ҳамда хулоса чиқариш босқичларига тааллуқли дидактик ҳатти-ҳаракатларни тушунтиради (1.2-чизма).



1.2-чизма. Ўқитиш ва ўқиш цикли

Бу циклда назарий дарс ва амалий машғулот бир-биридан ажратилмайди.

1-босқич:

Назарий дарс ва амалий машғулотга нисбатан инобатга олиниши керак бўлган мавжуд вазият ва дастлабки шарт-шароитларни ўрганиш. Шу ўринда 3 хил таҳлил, яъни адресатлар (таълим олувчилар) таҳлили, шарт-шароитлар таҳлили ва махсус соҳа (мазмун) таҳлили амалга оширилиши лозим. Бу таҳлиллар одатда таълимнинг бошланишида, натижалари эса кейинроқ керак бўлади.

2-босқич:

Ўқув дастури асосида ўқув мақсадларни белгилаш ёки аниқлаш. Назарий дарс ва амалий машғулоти учун махсус ўқув мақсадлар белгилаб олинади.

3-босқич:

Назарий дарс ёки амалий машғулоти режасини тузиш. Бу режада барча мазмунлар, мавзулар, режалаштирилган методлар, танлаб олинган ўқув-дидактик материалларга мувофиқ ҳолда ўқув воситалар ҳамда умумий вақт тақсимоти аниқ этилади.

Бу режада нафақат таълим берувчининг ҳатти-ҳаракатлари, балки таълим олувчиларнинг режалаштирилган ҳатти-ҳаракатлари ҳам кўрсатилса мақсадга мувофиқ бўлади.

4-босқич:

Ўқув-дидактик материалларни тайёрлаш, чунки улар амалга ошириш босқичининг асосий дастлабки шартларидан биридир. Агар тайёр материаллар бор бўлса, уларнинг орасидан тўғри келадиганлари танлаб олинади. Агар тайёр ўқув-дидактик материаллар ёки ўқув воситалар бўлмаса, улар ишлаб чиқарилиши керак. Одатда босма ўқув воситалар, масалан тарқатма материаллар, слайдлар ва топшириқ варақалари керак бўлади, уларга қўшимча равишда эса матнли ўқув адабиётлари ишлатилади. Худди шунга ўхшаб дарсдан олдин плакат лойиҳалари ва плакатларнинг ўзи ишлаб чиқилади.

5-босқич:

Режалаштириш ва ташкиллаштириш асосида назарий дарс ва амалий машғулоти амалга ошириш (ўтказиш). Бу дегани, барча ўқув воситалари билан жиҳозланган синфхона ҳамда, керак бўлса, устахонада жойлашган ўқув бурчаги ва вақт етарлича бўлиши керак.

6-босқич:

Назарий дарс ва амалий машғулоти давомида ўзлаштирилган назарий билимларни баҳолаш. Бир томондан, бу – таълим олувчилар керакли билимларни ўзлаштириб олганликларининг назорати. Яъни «Таълим олувчилар мақсадга эришишдими?» деган саволга жавоб берилиши керак.

Бошқа томондан эса, таълим берувчи учун ўз-ўзини ҳамда ишининг сифати қандай бўлганлиги текшириш. Яъни «Мен олдимга қўйган мақсадларимга эришдимми?» деган саволга жавоб берилиши керак. Иккала ҳолда ҳам ўлчанадиган натижалар бўлиши муҳимдир.

5-амалий машғулот: Иқтидорли талабаларни қидириб топиш. танлаш ва улар билан мақсадли ишлаш методлари.

Иқтидорли талабалар билан ишлаш Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 10 июль 1998 йил 185-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш тўғрисида Низом"да белгиланган вазифалар асосида амалга оширилади. Тошкент Давлат педагогика институти ҳам ушбу юқорида кўрсатилган қонун ҳужжатлари асосида «Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими» Низомини тасдиқлаган. Иқтидорли ёшлар - Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб урин эгаллашини таъминловчи муҳим омил ва миллат зийнати ҳисобланади. Иқтидорли талабалар билан ишлаш тизими қунидаги кўринишга эга:

1. Иқтидорли талабалар Олий ўқув юртларида психологик-педогогик тестлар ўтказиш оркали танлаб олинади;

2. Аниқланган иқтидорли талабани мақсадли тайёрлаш чуқурлаштирилган дастур бўйича ўқитиш ва мақсадли дастур бўйича яқка тартибда ўқитиш каби ўқув-ижодий, тарбиявий йўналишларда олиб борилади. Вазирликнинг 237- буйруғига асосан иқтидорли талабаларга мутахассислик кафедралари олимлари номзодлик диссертация мавзуси берилади (2-босқичдан), диссертация мундарижаси, календар режаси илмий раҳбари тасдиқланади. "Устоз -шогирд" тизими асосида фаолият йўлга қўйилади (мисол келтирамиз).

1-расмда иқтидорли талаба билан ишлаш тизими, 2-расмда таянч ОТМ ва турдош ОТМ билан кадрлар тайёрлаш тизими келтирилган.

3. Иқтидорли талабаларга дарс беришга илмий даражали ва талабани мақсадли тайёрлаш дастури бўйича етарли билимга эга бўлган профессор-ўқитувчилар жалб этилади. Илмий раҳбар сифатида эса ижоди ва услубий ишлаш тажрибасига эга бўлган ўқув-услубий ва илмий фаолияти бўйича рейтинги юқори бўлган профессор ва доцентлар тайинланади;

5. Иқтидорли талабалар билан ишлаш ўқитишнинг индивидуал-лаштриш, талабаларнинг интеллектуал салоҳияти ва қобилият имкониятларини билим олишга йўналтириш ҳамда максимал шарт-шароитлар яратиш каби шакл ва услубларда ташкил этилади.

Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлимининг вазифалари: иқтидорли талабаларини излаш ва аниқдашни ташкил этиш; таълим олаётган иқтидорли талабаларнинг интеллектуал салоҳдѐтини мунтазам равишда аниқлаб бориш;

иктидорли талабаларнинг мойиллигига караб, мақсадли тайёрлашни уюштириш; чет тили ва компьютерни мукамал эгаллаш мақсадида машғулотларни ташкил этиш; фундаментал илмий-тадқиқот ишларига, илмий тўғаракларга ва муаллифлик жамоаларига жалб қилишни уюштириш; иктидорли талабаларнинг илмий макалаларини чоп этишига ҳамда уларнинг илмий ишлари ва илмий ишланмаларини амалиётга жорий этишда кўмаклашиш; иктидорли талабаларнинг республика ва халқаро микёсда ўтказиладиган илмий анжуманларда иштирок этишини ҳамда хорижий давлатларга ўқиш ва стажировкага юборишни ташкил этиш; иктидорли талабалар сафидан Ўзбекистон Республикаси давлат стипендияларига номзодларни махсус тайёрлаш; иктидорли талабалар ўртасида мунтазам равишда социологик тадқиқотларни ўтказиб туриш; маркетинг тадқиқотлари, буюртмачилар талабаларини чуқур ўрганиш ва ташкил этилаётган таълим хизматлари банки асосида иктидорли талабаларга бозор конъюктурасини белгиловчи фанларни танлашда ёрдам курсатиш; иктидорли талабаларнинг долзарб мавзулар асосида илмий мақолалари ва илмий изланишларини Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ёритиб бориш.

Асосидаги, 237 буйруқ асосида иктидорли талабаларни номзодлик ИТИлари бўйича тегишли мониторинг олиб борилади.

Иктидорли талабалар билан ишлашнинг шакл ва услублари.

Қуйидагилар киради:

-ўқитишни индивидуаллаштириш; талабаларнинг интеллектуал салоҳиёти ва қобилиятларини, имкониятларини билим олишга йуналтириш;

-талабалар қобилиятини ривожлантириш учун максимал шарт-шароитларни яратиш; илмий раҳбар ва маслаҳатларни белгилаш.

-Иктидорли талабалар билан ишлашни сифатли ташкил этиш мақсадида институт, факультет ва кафедраларда қуйидаги иш коғозларини юритиш тавсия этилади; иктидорли талабалар билан ишлаш булимнинг Низоми; иктидорли талабалар билан ишлаш бўлимнинг иш режаси; йиллик ҳисоботлар; талабаларга оид ректорнинг буйруқлари; факультет, кафедралар бўйича иктидорли талабалар рўйхати; мураббийларнинг иктидорли талабалар бўйича берган тавсиялари ва унта илова этилган ҳужжатлар ва фотосуратлар; конференция, олимпиада, танлов, викторина ўтказилишига оид ҳужжатлар; иктидорли талабаларни излаш ва уларни мақсадли тайёрлашга тегишли Ўзбекистон Республикаси Призеденти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг Карорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари ва Ҳайъат қарорлари; хат ва аризаларни қайд этиш;

Мақсадли тайёрлашнинг ўқув-ижодий ва тарбиявий дастури иктидорли талаба томонидан танланади ва унинг бажарилиш бўйича назорат муддатлари

кўрсатилган шахсий ўқув режа ва илмий-ижодий ишлар режаси тузилади ҳамда факультет илмий кенгаши тавсиясига биноан олий ўқув юртининг фармойиши билан тасдикланади. (асосан 237- буйруқ асосида)

Илмий раҳбар иқтидорли талаба ва чуқурлаштирилган ҳолда ўрганилиши назарда тутилган фан ўқитувчилари билан ҳамкорликда кўшимча ишчи дастур ва тематик -календарь режаси тузилади. (асосан “Устоз-шогирд” тизимига таяниб).

Хар ўқув йилининг якунида иқтидорли талабанинг қобилияти, ўқув-илмий ва сифатларнинг рейтинги аниқланади ҳамда унинг шахсий ишига тикилади.

Иқтидорли талабалар билан ишлаш ва аниқлашни ташкил этиш; таълим олаётган иқтидорли талабаларнинг интеллектуал салоҳиятини мунтазам равишда аниқлаб бориш; иқтидорли талабаларнинг мойиллигига караб, уларнинг мақсадли тайёрлашни уюштириш; чет тили ва компьютерни мукамал эгаллаш мақсадида машғулотларни амалга -ошириш; фундаментал илмий-тадқиқот ишларига, илмий тўғарақларга ва муаллифлик жамоаларига жалб қилишни уюштириш; иқтидорли талабаларни илмий мақолаларни чоп этишга ҳамда уларнинг илмий ишлари ва илмий ишланмаларини амалиётга жорий этишга кўмаклашиш; иқтидорли талабаларни республика ва халқаро миқёсда ўтказиладиган илмий анжуманларда иштирок этишини таъминлаш ҳамда хорижий давлатларга ўқишга ва стажировкага юборишни ташкил этиш; иқтидорли талабалар сафидан Ўзбекистон Республикаси Давлат стипендияларига номзодларни махсус тайёрлаш; иқтидорли талабаларни илм ва фан арбоблари, ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарлари ва йирик мутахисислари билан учрашувларни ташкил этиш; иқтидорли талабалар учун ихтисослик бўйича касб ўйинларини ташкил этиш; иқтидорли талабалар ўртасида мунтазам равишда социологик тадқиқотларни ўтказиб туриш; маркетинг тадқиқотлари, буюртмачилар талабларини чуқур ўрганиш ва ташкил қилаётган таълим хизматларин банки асосида иқтидорли талабаларга бозор конъюктурасини белгиловчи фанларни танлашда ёрдам кўр-сатиш; замонавий ахборот тизимидан фойдаланишга шарт-шароитлар яратиш.

Олий ўқув юртларида "Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими" ташкил этилади ва унинг раҳбарларини илмий даража ва унвонга бўлган психолог ёки педпгоглар сафидан тайинланади.

3. Талабалар олимпиадаси

Талабалар олимпиадаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига илова сифатида тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари талабалари олимпиадаси НИЗОМи асосида ўтказилади. Республика талабалар олимпиадаси талабаланинг олий таълим дастуридаги фанлардан

олган билим кўникмаларни бўлажак мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини ошириш, иқтидорли ва истедодли ёшларни кадрлар тайёлаш миллий дастурида кўрсатилган вазифалар асосида мақсадли тайёрлаш бўйича оммавий равишда ўтказиладиган интеллектуал мусобақалардир. Республика олимпиадаси “Муסיқа назарияси ва тарихи”дан иборат: Касбий фан танлови-келажақдаги касб фаолияти учун зарур бўлган билим, малака, ва кўникмаларлар тизимини шакллантирувчи ихтисослик фанлар мажмуасини ўрганган юқори курс талабларининг мусобақаларидир. Республика талабалар олимпиадаси ташкил этиш ва ўтказишда биринчи босқич ОЎЮларига услубий ёрдамни мутасадди ОЎЮлари таъминлайди. Биринчи босқич ўтказиш учун ушбу низом асосида хар бир ўқув юртида ташкилий кўмита тузилади ва унинг рахбари этиб олий ўқув юрти ректори тайинланади. Ташкилий кўмита олий ўқув юрти берадиган билимларга асосланиб, олимпиада ни ўтказиш муддатларини белгилайди, топшириқларни тайёрлашни ва баҳолашни назорат қилади. 2-босқич ОЎМТВ томонидан тасдиқланган мутасадди олий ўқув юртларида ўтказилади. Уларни самарали ўтказиш мақсадида мутасадди олий ўқув юрти ректори рахбарлигида ташкилий кўмитта тузилади. Унинг таркибига ҳакамлар, Адолат Хайати ва Фанлар комиссияси киради.

Республика талаблар олимпиадаси жорий йил давомида икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқич хар бир ОЎЮларида феврал ойида ўтказилади. 2-босқич мутасадди ОЎЮларида апрелдан-5май кунларида ўтказилади.

Биринчи босқич ўтгандан сўнг олий ўқув юрти Ташкилий кўмитаси ҳисобот тайёрлайди. Ушбу ҳисоботда иккинчи босқичда иштирок этувчи талабалар рўйхати ф.и;о., курси кўрсатилган ҳолда Низомнинг 2,3-иловалари бўйича 20 мартгача Олий ва Ўрта махсус мактаб муаммолари институтига тақдим қилиниши шарт. Биринчи босқич ғолиблари рўйхати - Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институтининг "иқтидорли талабалар" маълумотлар банкида умумлаштирилади. Ушбу маълумотлар асосида мониторинг олиб борилиб, талабаларнинг иккинчи турга катнашиши расмийлаштирилади. Биринчи босқич маълумотларини муддатда етказмаган олий ўқув юртининг талабалари иккинчи босқичда катнашишдан маҳрум қилинади. Биринчи босқичда 1,2,3-ўринларни эгаллаган талабалар олимпиаданинг иккинчи босқичида иштирок этиш ҳуқуқини оладилар. Улар иштирокида ташкил этилган командалар - иккинчи босқичда катнашадилар. Иккинчи босқични ўтказиш тадбирлари мутасадди олий ўқув юртларида тузилган Ташкилий кўмиталар томонидан амалга оширилади.

4. Фан илмий тўғараклари

Иктидорли талабалар билан ишлашни сифатли ташкил этиш мақсадида институт, факультет ва кафедраларда куйидаги иш қўғозларини юритиш тавсия этилади; иктидорли талабалар билан ишлаш бўлимининг Низоми; иктидорли талабалар билан ишлаш бўлимининг иш режаси; йиллик ҳисоботлар; талабаларга оид ректорнинг буйруқлари; факультет, кафедралар бўйича иктидорли талабалар руйхати; мураббийларнинг иктидорли талабалар бўйича берган тавсиялари ва унга илова этилган ҳужжатлар ва фотосуратлар; конференция, олимпиада, танлов, викторина ўтказилишига оид ҳужжатлар; иктидорли талабаларни излаш ва уларни мақсадли тайёрлашга тегишли Ўзбекистон Республикаси Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари ва Хайъат қарорлари; хат ва аризаларни кайд этиш.

Ҳар бир фан ва ижодий тўғарак ички низоми ишлаб чиқилади, йиллик иш режалари тузилади ва фаолияти даврий равишда назорат қилинади.

5. Талабалар ИТИларига раҳбарлик қилиш

Иктидорли талабалар кафедралар, деканатлар томонидан тақдим этилган рўйхат асосида улар билан индивидуал суҳбат ўтказиш орқали белгиланади. Талабаларнинг келажакда ҳар томонлама етук инсон ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишига интилишлари, етук сиёсий билимга ва дунёкарашга, мустақил фикрлаш қобилиятига эга бўлган, чет тилларини ва компьютер технологиясини ўзлаштирганлиги, интилувчанлиги ва келажакда илмий иш қилишга мойиллиги инобатга олинади. *

Олий ўқув, юртларида иктидорли талабаларни излаш ўқишнинг дастлабки кунларидан ва касбга йўналтириш ишларини олиб бориш жараёнида амалга оширилади. Иктидорли талабалар, бошланғич билимлар ҳисобга олган ҳолда, психологик ва педагогик тестлар ўтказиш орқали қобилиятнинг ривожланганлик даражасига қараб аниқланади. Аниқданган иктидорли талабани мақсадли тайёрлаш куйидаги ўқув-ижодий, тарбиявий масалалар ва йўналишлардан иборат: - кенгайтирилган ўқув режаси бўйича ўқиш ва қўшимча малакага эга бўлиш (танланган йўналиш бўйича: чет тилидан таржимон, мақсадли дастур бўйича яқка тартибда (индивидуал) ўқитиш; - чуқурлаштирилган дастур бўйича ўқитиш.

Раҳбарлик “Устоз шогирд” тизими орқали амалга оширилади.

6. Хулоса

Иктидорли талабалар билан ишлаш ҳар бир профессор – ўқитувчи фаолиятини асосий қисми ҳисобланиши шарт.



1-Топшириқ.

1. Саволларга қисқа жавоб беринг.

1. Таълим-тарбиянинг узвийлиги-
2. Таълим-тарбиянинг узлуксизлиги –
3. талабалар мустақил таълимини –
4. Муסיқа таълимда мустақил таълимини ташкил этиш шакли –

2-Топшириқ

1- Ўқитиш жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлигини изоҳлаб беринг.

2- Касбий таълимда талабаларнинг мустақил таълимини ташкил этиш жараёнини ифодаланг.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс. Педагогика бўйича яратилган адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдики, уларда “Таълим жараёни” тушунчасининг моҳияти турлича ёритилган.

Таълим жараёни – бу:

1. Ўқувчиларга билимларни бериб, уларда кўникма, малакаларни бериш орқали у ёки бу даражада уларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш (ўқитиш)га қаратилган фаолият.

2. Ўқувчилар томонидан БКМнинг ўзлаштирилиши (ўқиши)ни таъминловчи жараёнини бошқаришга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти (чунки ўқитиш ва ўқитиш – таълимнинг ўзаро алоқадор ва ўзаро шартланган томонларидир).

3. Ўқитувчининг ўқувчилар томонидан БКМни онгли ва пухта ўзлаштирилишига йўналтирилиб, бу жараёнда билимларнинг мустаҳкамланиши, ақлий ва жисмоний меҳнат маданияти элементларини ўзлаштириш, дунёқарашни бойитиш ва ўқувчилар хулқ-атворининг шаклланишини таъминловчи раҳбарлиги ва ҳаракатларининг изчиллиги.

4. Ўқувчиларнинг ўқитувчи раҳбарлигида БКМни ўзлаштириш, қобилиятларини ривожлантириш ва дунёқарашларини шакллантиришга қаратилган фаол билиш фаолияти.

Саволлар:

1. Улардан қайси бири таълим жараёнининг моҳиятини тўла ёритади?

2. Фикрингизни қандай асослайсиз?

Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:

“Педагогика” фанига оид бир неча манбалар.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.

2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқланг.

3. Аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратинг.

4. Ана шу омиллар асосида ечимни асослашга уринг.

5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.

2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадошлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.

3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.

4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.

5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими

1. Мазмунига кўра барча таърифлар ҳам таълим жараёнининг моҳиятини ёритишга хизмат қилади. Бироқ, муайян фан ҳар бир категория бўйича ўзининг аниқ терминологиясига эга бўлиши, тушунчалар воқеа, ҳодиса ёки жараённинг умумий тавсифини, объект ва предметларга хос муҳим белгиларни ёритишга хизмат қилиши зарур.

2. Келтирилган таърифлар асосида тегишли жараёнга хос умумий тавсифлар негизида тушунчани куйидагича шарҳлаш мақсадга мувофиқ: таълим жараёни – ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасида ташкил этилган ҳолда илмий билим, уларни амалиётда қўллаш кўникма, малакаларини ўзлаштиришга йўналтирилган педагогик жараён.

2-кейс. Биринчи синфда ўқиётган Дилшод шеърни ифодали ўқиб бергани учун “беш” баҳо олди. Ўқитувчи уни бунинг учун мақтади. Дилшод уйга қайтгач, шошганича, бу хабарни ойисига айтди. У, ҳатто, ўзи ёд олган шеърни ойисига ҳам ўқиб бермоқчи бўлди. Аммо, ойиси Дилшоднинг хабарини совуққонлик билан тинглади ва ўғлига қайрилаб ҳам қарамасдан деди:

- Беш олдингми? Жуда соз, баракалла, - энди овқат тайёрлашимга халақит бермагин-да, ўйнаб кел!

Дилшод тушлик ҳам қилмай кўчага чиқиб кетди.

Саволлар:

1. Вазиятни қандай баҳолайсиз?

2. Дилшоднинг онаси тарбиянинг қайси тамойилларига зид иш қилди?

3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига қандай таъсир ўтказади.

Тингловчиларга тавсия этиладиган манбалар:

“Педагогика” ва “Психология”га оид адабиётлар.

Тингловчилар учун кўрсатмалар:

1. Кейс моҳиятини етарлича англаб олинг.

2. Берилган манбаларга таянган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқланг.

3. Аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган, энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратинг.

4. Ана шу тамойил (тамойиллар) асосида ечимни асослашга уринг.

5. Ечимни баён этинг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадослари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.

2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадослари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи тарбия тамойилларини аниқлайди.

3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган тарбия тамойиллари орасидан муаммога барчасидан энг муҳим тамойил (ёки иккита тамойил)ни ажратиб олади.

4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган тарбия тамойили (иккита тамойил) асосида баён этади.

5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади.

Ўқитувчининг ечими

1. Ниҳоятда ёқимсиз вазият. Онаси Дилшоднинг мактабга қандай бориб келганлиги билан ҳам қизикмади.

2. Дилшоднинг онаси тарбияда боланинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш, тарбия жараёнида рағбатлантириш тамойилларига зид иш қилди.

3. Шу каби вазиятлар Дилшоднинг тарбиясига салбий таъсир ўтказди, аста-секин унда кўрслик, бефарқлик, ўз-ўзини паст баҳолаш, ўзига ва атрофдагиларга ишонмаслик каби хислатлар шаклланади.

3-кейс. 1. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шаклларни аниқлаш.

2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали методларни танлаш.

3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришга хизмат қилувчи тарбия воситалари белгилаш.

Тингловчилар учун методик кўрсатмалар

1. Тегишли адабиётлардан шакл, метод ва восита тушунчалари қандай маъно англатишини ёдга олинг.

2. Оиланинг тарбиявий имкониятлари ва шахс маънавиятини шакллантириш жараёнларининг моҳиятини чуқур ўрганинг.

3. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситалар аниқланг.

4. Оиланинг тарбиявий имкониятлари асосида талабалар маънавиятини юксалтиришда самарали бўлган шакл, метод ва воситаларини тизимлаштиринг.

5. “Кўзгазма” методи ёрдамида оила тарбиясининг талабалар маънавиятини юксалтиришдаги самарали шакл, метод ва воситалари асосида плакат ишланг.

Кейсни ечиш жараёни:

1. Талабалар кейс моҳиятини у билан икки-уч марта танишиш орқали, шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадoshлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда етарлича англаб олади.


2. Талаба шериги (жуфтликда), гуруҳдошлари (кичик гуруҳларда) ёки жамоадoshлари (жамоада) билан муҳокама қилган ҳолда муаммонинг ечимини топишга хизмат қилувчи омилларни аниқлайди.

3. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) аниқланган омиллар орасидан муаммога барчасидан кўпроқ даҳлдор бўлган омил (ёки иккита омил)ни ажратиб олади.


4. Талаба (жуфтлик, кичик гуруҳ, жамоа) ечимни ажратиб олинган омил (иккита омил) асосида баён этади.

5. Ечим индивидуал, кичик гуруҳлар ёки жамоа иштирокида муҳокама қилинади. Ўқитувчининг ечими

1-топшириқ бўйича



2-топширик бўйича



VI. ГЛОССАРИЙ

| Термин | Ўзбек тилидаги шарҳи | Инглиз тилидаги шарҳи |
|-------------------|--|--|
| Долзарблик | ниманингдир ҳозирги вазият учун муҳимлиги, аҳамиятлилиги, замонавийлиги | the importance, the significance of anything to date, modern, topical. |
| Таҳлил | анализ, объектни элементларга (хаёлан ёки реал) бўлаклаш | the dismemberment of (mental or actual) object to the elements |
| Ансамбль | 1) биргаликда чиқиш қиладиган ижрочилар гуруҳи; 2) биргаликдаги ижронинг гўзаллиги, равонлиги | 1) a group of singers, speakers together, and 2) Slim, well-coordinated joint performance. |
| Ассоциация | таассурот, икки ёки ортиқ психик тузилма ўртасида маълум шароитларда юзага келадиган алоқадорлик | the connection that occurs under certain conditions, between two or more mental formations |
| Тарбия | шахсни ижтимоий ва маданий фаолиятга тайёрлаш мақсадида унинг маънавий ва жисмоний ривожланишига тизимли ва мақсадли таъсир кўрсатиш жараёни | the process of systematic and deliberate action on the spiritual and physical development of the individual in order to prepare it for the social and cultural activities. |
| Фараз | гипотеза (лот.), ҳодисаларнинг қвонуниятли алоқадорлиги ҳақида тахминий фикр | (from the Greek. Hypothesis - base assumption), a speculative judgment about the legitimate (reason) respect the phenomena. |
| Фаолият | атроф оламга ўзига хос инсоний муносабат шакли | the specific form of human relationship to the world |
| Дидактика | педагогиканинг таълим ва ўқитиш назарияси баён этилган қисми | the section of pedagogy, a theory of education and training |

| | | |
|-------------------------------------|---|---|
| Дирижер | муסיқачи-ижрочи, оркестр, хор, ансамбль, опера труппаси ва ш.к. раҳбари | musician, bandleader, choir, ensemble, opera company, etc. |
| Дифференциация | фарқлаш, бутунни турли қисм, шакл ва даражаларга бўлаклаш | the division, a division of the various parts, the form and degree |
| Билим | воқеликни ўрганиш (билиш)нинг амалиётда текширилган натижаси, унинг инсон онгида тўғри акс эттирилиши | the result of proven practices of knowledge, reality, or rather its reflection in the mind of man |
| Импровизация | тарихан тобора қадимий мусиқалаш типи, бунда мусиқа яратиш уни ижро этиш вақтида рўй беради | historically the most ancient type of music- making, in which the process of composing music occurs during its execution |
| Индивидуаллик | қандайдир ҳодиса, алоҳида мавжудот, инсоннинг бетакрор ўзига хослиги | the unique identity k.-l. phenomenon, an individual creature, man |
| Инновацион технологиялар | тизимда изчил, бири биридан келиб чиқадиган, ижобий якуний натижага эришишга қаратилган ҳаракатлар алгоритми | the algorithm of successive actions in the system under one of the other, aimed at obtaining a positive outcome |
| Санъат | 1) бадий ижод, умуман – адабиёт, меъморчилик, хайкалгарошлик, рангасвир, графика, декоратив-амалий санъат, мусиқа, рақс, театр, кино ва инсон фаолиятининг бошқа турлари; 2) фаолиятнинг исталган турида юқори даражадаги малака, маҳорат | 1) creativity in general - literature, architecture, sculpture, painting, drawing, arts and crafts, music, dance, theater, cinema and other kinds of human activity, and 2) a high degree of skill, skill in any sphere of activity. |
| Малака | меҳнатнинг маълум турига тайёргарлик даражаси, яроқлилиқ даражаси | the level of preparedness, the degree of fitness for k.-n. type of work |
| Концепция | қандайдир ҳодисани тушуниш, талқин | a certain way of understanding, |

| | | |
|-----------------------|--|---|
| | қилишнинг маълум усули, уларни ёритишда асосий нуқтаи назар, раҳбар ғоя; фаолият турларида етакчи ғоя, конструктив тамойил | interpretation k.-l. Phenomena, the basic point of view, the guiding idea for lighting, a leading design, construction principle of the various activities |
| Мезон | критиерий, ниманидир баҳолаш, белгилаш ёки таснифлаш учун асос бўладиган белги | a sign, which is based on the assessment, definition or classification of something |
| Маданият | етиштириш, тарбиялаш, ривожлантириш | the cultivation, education, training, development, devotion |
| Метод | қандайдир мақсадга эришиш, муайян вазифани ҳал қилиш усули | a method of achieving k.-l. The goals address a particular problem |
| Муסיқий таълим | муסיқа санъати (ижод, ижодкорлик) ва муסיқа фанига профессионал ўргатиш, шунингдек, бу каби ўқитиш натижасида эгаланган билимлар тизими, йиғиндиси | a systematic purposeful development of musical culture and musical abilities of man, brought up in it responsive to the music, a deep and holistic understanding of the experience of its content, the transfer of socio-historical experience of the new generation of music |
| Тафаккур | инсоннинг билиш, объектив воқеликни акс эттириш жараёнининг олий шакли | the highest stage of human cognition, the process of reflection of objective reality |
| Маълумот | тизимланган билим, малака ва кўникмаларни | learning process and the result of systematic knowledge and skills |

| | | |
|-----------------------------|--|--|
| | ўзлаштириш жараёни ва натижаси | |
| Партитура | кўп овозли асарни иккитадан ортик, бир-бири билан устма-уст жойлашган ва такт чизиқлари билан ажратилган нота ташувчида ёзиш усули | a way of notation of polyphonic works by more than two notonostsah arranged one above the other and separated by barlines |
| Педагогик технология | ўз олдида таълим шакллари оптимизациялаш вазифасини кўйган, билимларни техник ва инсоний ресурслар ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш ва ўрганиш жараёнини яратиш, кўллаш ва белгилашга тизимли ёндашув (ЮНЕСКО). | conceived in every detail model of educational activities for designing, organizing and conducting the training process is certain to ensure a comfortable environment for students and teachers. (V.M.Monahov) |
| Муаммо | кенг маънода – ўрганиш, ҳал қилиш талаб этиладиган мураккаб назарий ёки амалий масала | in the broadest sense - a complex theoretical or practical issue that requires study permit |
| Касб | маълум тайёргарликни талаб қиладиган ва одатда, мавжудлик манбаси саналадиган меҳнат фаолияти тури | kind of work that requires some training and is the usual source of livelihood |
| Жараён | 1) ниманингдир ривожда ходиса, ҳолатларнинг изчил алмашилиши; 2) қандайдир натижага эришиш учун изчил ҳаракатлар йиғиндиси | 1) a succession of events, states in the development of something 2) The set of sequential actions to achieve any result |
| Тизим | бир-бири билан муносабаи ва алоқадорликда бўлган, маълум яхлитлик, бутунлик ҳосил қиладиган элементлар кўплиги | a set of elements that are in relationships and connections with each other, forming a certain integrity, unity |

| | | |
|----------------------|--|--|
| Мутахассислик | битта касб доирасида машғулот тури | kind of classes within the same profession |
| Ўзигахослик | специфика, фақат шу предмет, ҳодисага хос бўлган фарқли, характерли хусусиятлар | the distinguishing characteristic features unique to the subject, phenomenon |
| Қобилият | фаолиятнинг маълум турини муваффақиятли амалга оширишнинг субъектив шарти саналган шахснинг индивидуал хусусиятлари | individual personality traits, which are subjective conditions for the successful implementation of a certain kind of activity |
| Структура | тузилма, объектнинг яхлитлиги ва ўз-ўзига ўхшашлигини таъминлайдиган барқарор алоқалари ёнғиндиси, яъни турлича ташқи ва ички ўзгаришлар шароитида асосий хоссаларнинг сақланиб қолиши | a set of stable relations of the object to ensure its integrity and identity of self, that is, preservation of the basic properties at various external and internal changes |
| Ижод | сифат жиҳатидан янги, бетакрорлиги, оригиналлиги ва ноёблиги билан ажралиб турадиган нимадир фратиш жараёни | the activity that generates something qualitatively new and different uniqueness, originality and uniqueness |
| Темп | суръат, муסיқада ҳаракат тезлиги | the speed of movement in music |
| Технология | айнан, маҳорат ҳақидаги фан | literally - the science of excellence |
| Тоналлик | ладнинг юқори ҳолати | tall fret position |
| Анъана | ижтимоий ва маданий мероснинг авлоддан авлодга ўтиб келадиган ва маълум ҳамжамиятларда, синфларда ва ижтимоий гуруҳларда узоқ вақт мобайнида сақланиб келадиган элементлари | the elements of social and cultural heritage, transmitted from generation to generation and preserved in certain societies, classes and social groups for a long time |
| Ўқитувчи | таълим муассасасида ўсиб келаётган авлодни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришни амалга | Specialist carrying out education, training and education of the younger generation in schools |

| | | |
|---------------------|--|---|
| | ошириб келадиган мутахассис | |
| Омил | фактор, қандайдир жараён, ҳодисанинг сабаби, ҳаракатлантирувчи кучи, унинг характери ёки алоҳида қирраларини белгилайди | the reason, the driving force k.-l. Process, a phenomenon that defines its character or its individual features |
| Фактура | муסיқий тўқимани муайян расмийлаштириш, безаш | the specific design of the musical fabric |
| Тавсиф(нома) | характеристика, кимнингдир ёки ниманингдир характерли, фарқли жиҳатлари, сифатлари, қирраларини тавсифлаш | a description of specific, distinctive qualities, characteristics, properties, something or someone |
| Мақсад | фаолият натижасини идеал, хаёлан олдиндан куриш | perfect, anticipating the result of mental activity |
| Штрих | муסיқий чолғуда ифодали мазмунга эга бўлган товуш ҳосил қилиш усули | welcome zvkoizvlecheniya a musical instrument that has an expressive value. |
| Эксперимент | тажриба, билиш объектини қайта яратиш, фаразларни текшириш ва ш.к | experience, playing the object of knowledge, testing hypotheses, etc. |
| Эмпиризм | ҳиссий тажрибани ишончли билимларнинг ягона манбаси деб тан оладиган фалсафий оқим | the philosophical direction of recognizing the sensual experience only source of reliable knowledge |
| Эстетика | эстетик соҳани инсон ва табиат ўртасидаги қадриятли муносабатларнинг ўзига хос намоён бўлиши сифатида ўрганадиган фалсафий фан ва инсоноарнинг бадиий фаолият соҳаси | a philosophical science that studies the aesthetic sphere as a specific manifestation of the value relationship between man and the world of art and the area of human activity |

VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: Ўзбекистон, 2008

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5763-сон Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789сонли Фармони.

III. Махсус адабиётлар

10. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Т.: ТГПУ им. Низами, 2003.
11. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии – М.: Педагогика, 1989.
12. Боголюбов В.И. Эволюция педагогических технологий // Школьные технологии. 2004. № 4.С.12-21.

13. Голиш Л.В. Технологии обучения на лекциях и семинарах/Учебное пособие// Под общей редакцией академика С.С.Гулямова. - Т.:ТГЭУ, 2005.
14. Голиш Л.В., Что нужно знать обучающему о современных технологиях обучения? // Экспериментальное учебно-методическое пособие. Ташкент: ИРССПО, 2002.
15. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Муסיқа таълими йўналиши бакалаврларини тайёрлашда мустақил таълимнинг аҳамияти // Мактаб ва ҳаёт. –Тошкент, 2004. -№ 1. -Б. 18-20.
16. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Муסיқа таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. Методик қўлланма. -Т.: ТДПУ, 2006. - 46 б.
17. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А. Ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим интеграцияси. Методик қўлланма.-Т.:Низомий номидаги ТДПУ. 2006. -47б.
18. R.J.Ishmuhammedov. Innovatsion texnologiyalar yordamida ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari.T.2000 yil.
19. R.Ishmuhammedov,M.Yuldashev. Ta'lim va tarbitada innovatsion pedagogic texnologiyalar. O`quv qo`llanma.T. «ZIYO PRESS» 1917 yil
20. Епишева О.Б. Основные параметры технологии обучения // Школьные технологии, 2004. № 4.
21. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта // М.: Знание, 1989 / Новое в жизни, науке, технике. Сер. «Педагогика и психология». № 6.
22. Кушнир А.М. Методический плюрализм // Школьные технологии, 2004. № 4. С.3-11.
23. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии / Учебное пособие. М.: Народное образование, 1998.
24. J.G' Yo'ldoshev, S.A.Usmonov. Pedagogik texnologiyalarning tadbqiqiy asoslari. -Toshkent, O'qituvchi 2004 yil.
25. Фарберман Б.Л. Передовые педагогические технологии – Т.: ФАН, 2000.
26. Бутз М., Фальтус Р., Цохен Э. Работа в группах / Сборник статей. Варшава: Фонд образования для демократии, 1994.
27. Гузеев В.В. Образовательная технология: от приема до философии. М.: Сентябрь, 1996.
28. Джўраев А.. Отм профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳиятлари бўйича малакасини ошириш учун маърузалар матни(1-босқич учун) Тошкент 2009.



29. Каримова Д А.Муסיқий педагогик маҳорат асослари -Т. Молия-Иқтисод. 2008
30. Шарипова Г.Муסיқа ўқитиш методикаси -Т. Турон –Истиқбол 2008.
31. Соипова Д Муסיқа ўқитиш назарияси ва методикаси -Т.2009 ЎзДК

IV. Интернет сайтлар

32. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
33. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
34. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази.
35. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
- <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.